


ШАДИЕВА ГУЛНОРА МАРДИЕВНА

**ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИ ЗАЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

ШАДИЕВА ГУЛНОРА МАРДИЕВНА

**ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ
ТАЖРИБАЛАРИ**

МОНОГРАФИЯ

Самарқанд – 2021

КБК: 65

УДК: 33:001.895 III 16

Шадиева Г.М. Инновацион ривожланишни таъминлашнинг асосий йўналишлари ва хорижий тажрибалари. Монография.-СамИСИ, 2021. - 206 бет.

Ушбу монографияда инновацияларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўрни ва аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий этилиши, инновацион ривожланишнинг моҳияти, хориж тажрибаси, шаклланиш эволюцияси ва моделлари, иқтисодий ўсишни таъминлашда унинг зарурлиги ва аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, инновацион иқтисодиёт белгилари ва уни баҳолаш индикаторлари каби масалалар атрофлича ўрганилиб, Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назариялари, шаклланиши ва миллий иқтисодиёт ўсишини таъминлашдаги имкониятлари кўриб чиқилган. Иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига олиб ўтишда иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омиллари ва истикболларини ўрганиш зарурлиги очиб берилган. Айниқса, миллий инновация тизимини амалиётга жорий этишнинг асосий вазифаларини ёритиб берилиши, миллий иқтисодиёт баркарорлигини инновацион ривожланиш орқали таъминлашнинг асосий стратегияси ва таълим тизимини такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилиши билан муҳим аҳамият касб этган.

Монографиядан давлат инновация сиёсати, мақсади ва дастурларини, инновацион фаолиятни рағбатлантиришнинг минтакавий дастурларини ишлаб чиқиш амалиётини такомиллаштириш ҳамда сифатини оширишда фойдаланиш мумкин, олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялар инновацион ривожланишни таъминлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Мазкур монография ушбу соҳа бўйича қизиқиши юқори бўлган китобхонлар, профессор ва ўқитувчилар, бакалавр йўналишида тахсил олаётган талабалар, магистрлар ва таянч докторантлар, докторант ва изланувчилар учун мўлжаллангандир.

ISBN: 978-9943-7641-9-4

Такризчилар:

**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
профессори, и.ф.д. М.Қ. Пардаев**

**Тошкент давлат транспорт университети
доценти, и.ф.ф.д. (PhD) Ф.Б. Шакирова**

© Шадиева Г.М.

© "FAN BULOG'I" нашриёти, 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ	12
§1.1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти, шаклланиш эволюцияси ва моделлари	12
§1.2. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишнинг зарурлиги ва аҳамияти	24
§1.3. Инновацион иқтисодиёт белгилари ва уни баҳолаш индикаторлари	38
II БОБ. АМЕРИКА ВА ЕВРОПА ҚИТЪАСИ МАМЛАКАТЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ, ОМИЛЛАРИ, ҲОЛАТИ ВА АҲАМИЯТИ	55
§2.1. Америка Қўшма штатларида инновацион ривожланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари.....	55
§2.2. Инновацион ривожланишни таъминлашнинг Буюк Британия амалиётидаги ҳолати	68
§2.3. Инновацион ривожланишни таъминлашнинг Германия тажрибаси ва моделлари	81
III БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ	96
§3.1. Жанубий Кореяда инновацион ривожланишнинг ўрни ва йўналиш соҳалари	96
§3.2. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантришнинг Хитой тажрибаси ва асосий тенденциялари	106
§3.3. Японияда иқтисодий ривожланиш назарияларининг эволюцияси ва ўзига хос хусусиятлари	115
IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ҲОЛАТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	125
§4.1. Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назариялари, шаклланиши ва иқтисодий ўсишини таъминлашдаги имкониятлари	125
§4.2. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишнинг миллий тизими	135

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

№

63864

§4.3. Инновацион ривожланишни таъминлашнинг омиллари ва истикболлари.....	151
V БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА СТРАТЕГИЯСИ	164
§5.1. Инновацион ривожланишнинг миллий тизимини амалиётга жорий этишнинг асосий вазифалари	164
§5.2. Миллий иктисодиёт баркарорлигини инновацион ривожланиш орқали таъминлашнинг асосий стратегияси ва таълим тизимини такомиллаштириш йўллари	176
ХУЛОСА	188
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	195
ИЛОВАЛАР	

КИРИШ

Инновацияларни жорий этиш миллий иктисодиётни ривожлантириш ва бозорнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилига айланди. Бу эса ўз навбатида, барча жабҳаларда инновациялар соҳасидаги илгор илмий ишланмалар ва техник ютуқлардан самарали фойдаланишни ҳамда ҳозирги иктисодий салоҳиятнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашни талаб этмоқда. Тез ривожланаётган, илм-фан соҳасида тобора яхшиланаётган мамлакат эса дунёдаги энг тараккий этган давлатлар рўйхатида етакчилик қилади. Инновация — бу иктисодий ривожланиш, демакки ижтимоий фаровонлик ва жамият ривожини гарови. Инновацион ривожланиш йўлини танлаган Ўзбекистон эса мана шундай катта йўл бошида. Нафакат Ўзбекистон, балки дунё тараккийётининг янги - инновацион йўлини танлаган. Чунки буғун инновацион ғоялар, янгиликлар — мамлакатнинг ривожланиш даражасини белгилаб бермоқда. Мамлакатимиз раҳбари 2019 йил 24 май кунини Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан бўлиб ўтган учрашувда иктисодиётни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар Ўзбекистоннинг Глобал инновация индексида илгор 50 мамлакат қаторидан жой эгаллаш учун кенг қўлмалли ишларни амалга ошириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Маълумки, 2019-2021 йилларда Ўзбекистонни инновацион ривожлантириш стратегиясида илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда иктисодиёт тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш вазибалари белгиланган.

Жаҳон иктисодиётининг ўсиш тенденциялари ва омилларига эътибор қаратадиган бўлсак, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида инновацион ривожланиш даражаси ва улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, халқаро глобал инновацион индекси кўрсаткичларига биноан ҳозирги кунда Швейцария, Швеция, АКШ, Нидерландия, Буюк Британия, Финландия, Дания, Сингапур, Германия ва Исроил инновацион ривожланиш бўйича дунёнинг энг ривожланган ўнта мамлакати ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Республикамызда ислохотлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини бекаму кўст амалга оширишда интеллектуал салоҳият ва инновацияларнинг аҳамияти бекиёс. Улар рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришга кодир, юкори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни миллий иктисодиётга кенг қўллашни талаб қилади². Инновацион фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш,

¹ The Global Innovation Index 2019. <https://www.globalinnovationindex.org/gii-2019-report>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил 8 февралдаги 28 (6722)-сон.

иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 7 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Иктисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Унда илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу асосда олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

- юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш;

- инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб этиш;

- янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264 сонли фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилиши ва бу борадаги қатор тизимли ислохотларнинг олиб борилиши алоҳида эътирофга моликдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2018 йил 21 сентябрдаги “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон, 2018 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари ҳамда 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон қарорлари, “Инновацион фаолият” тўғрисидаги қонун ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу монография муайян даражада хизмат қилади.

Лекин, қисқа вақтда эришилган ва эришилаётган ютуқларимиз билан бир қаторда жиддий муаммолар, яъни иктисодиётимизда:

- ханузгача хом-ашёвий йўналиш устиворлиги сақланиб қолганлиги;
- ишлаб чиқариш ва бозор инфраструктурааринг талаб даражасида ривожланмаганлиги;

- мавжуд менерал хом-ашёлар, ер-сув ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланмаслик;
- ЯИИМда материал ва энергия ситимининг ривожланган давлатларга нисбатан 2-2,5 мартага юкорилиги;
- меҳнат унумдорлиги ва самарадорлиқнинг ривожланган давлатларга нисбатан 2-3 мартагача пастлиги каби муаммолар борлиги ҳам уйлаймизки ҳеч кимга сир эмас.

Жаҳонда иқтисодий ресурслар чекланган шароитда инновацион ривожланиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш, шунингдек юқорида қайд этилган масалалар монография мавзусининг долзарблиги ва зарурлигини белгилайди.

Г Боб. ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

§1.1. Инновацион ривожланишнинг моҳияти, шаклланиш эволюцияси ва моделлари

Инсоният пайдо бўлгандан буён улар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий айирбошлаш, шунингдек ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муносабатлари тўхтовсиз ривожланиш жараёнини бошидан кечириб келмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг 80 йилларидан бу жараён янада шиддат билан ривожланиб, XXI асрнинг дастлабки йилларидан инсонлар кўз ўнгида техник ва техникавий ўзгаришлар содир бўлди. Бунинг натижасида инсоният мисли қўрилмаган ижтимоий-иқтисодий ютуқларга эришди, ҳаёт кечириш шакл ва шамойили сифат ва қулайлик жиҳатидан кескин ўзгарди.

Дарҳақиқат, XXI асрда техника ва технологиянинг бу даражада ривожланишнинг асосида инсониятни иқтисодий манфаатдорликка чорловчи ва унга эриштирувчи асосий омиллардан бири “инновацион ривожланиш” ётибди.

Фикримизча, инновацион ривожланишнинг мамлакат миллий иқтисодиёти ривожига таъсири, кишилар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни хусусида тўхталишдан олдин, унинг иқтисодий моҳияти, шаклланиш эволюцияси ва амал қилиш моделлари юзасидан тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Чунки, иқтисодий адабиётларда ва илмий асарларда “инновация”, “инновацион ривожланиш”, унинг ривожланиш эволюцияси ва моделларига нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас.

Инновациялар тўғрисида турли хил фикрлар мавжудлиги боис бу тўғрисида жуда кўп гапириш мумкин. Шу асосда бир савол туғилиши табиий: инновация тушунчасини нимани англатади, инновациялар қачондан бошлаб ҳаётимизга кириб келган?

Инновация инсоният яратилгандан бери мавжуд десак муболаға бўлмайди. Бизнинг аждодларимиз ҳам жамият ҳаётини ўзгартирган ёки олдинга силжитган, ўзлари яшаган даврга хос ёки базавий инновациялар билан шуғулланган. Масалан, эрамиздан аввалги 1200 йилларда темир қуйиш технологиясини яратилиши инсоният тарихида жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлган. Бу жараён эса фаннинг шаклланиши ва у билан шуғулланадиган олимлар қатламининг алоҳида ажралиб чиқишидан анча аввал юзага кела бошлаган. Шунинг учун инновацияларнинг бирдан бир манбаи илм-фан дейиш ҳам ноўрин бўлади. Индустриал даврнинг инновацион портлаши юз берган сўнгги юз йилликда йирик инновацияларнинг ташаббускорлари ҳар доим ҳам олимлар бўлавермаган. Уларнинг ташаббускорлари асосан тадбиркорлар, сиёсий арбоблар, архитекторлар, rassom ва муסיқачилар бўлган.

“Инновация” тушунчаси “ўзгариш” ва “ривожланиш” тушунчалари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Муттасил янгиликларни яратиш якунда туганмас потенциал ўзгаришлар оқими пайдо қилади. Реал ўзгаришлар эса барча

янгиликларнинг фақатгина бир қисминигина сақлаб қолади. Шундай қилиб, инновациялар ёки янгилик қиритиш деганда нафақат янги технологияларни талдиқ қилиш ва янги маҳсулот ишлаб чиқариш, балки бизнесни ташкил этишдаги, фирмани бошқаришдаги, истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлардаги ўзгаришлар ҳам тушунилади. Инновацион амалиёт бир неча минг йиллардан бери мавжуд бўлган бўлсада, фақатгина XX асрдагина инновациялар махсус илмий ўрганиш предмети сифатида ўртага чикди.

Иктисодий фанда “инновация”нинг моҳиятига биринчилардан бўлиб эътибор қаратган австриялик иқтисодчи Й.Шумпетер: “Инновация – бу мавжуд жараёнга янгича қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт ва ишланмани ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни маълум бўлган қандайдир жараёнга қўллашдир³”, -дея таъкидлайди.

Инновацион иқтисодиёт 1920 йилларнинг охири 1930 йилларнинг бошларида иқтисодий фан сифатида вужудга келди. Н.Кондратьев ушбу жараён хусусида тўхталиб, техника соҳасида юз бераётган ўзгаришлар шубҳасиз иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади деб таъкидлаган эди⁴. Унинг фикрига кўра, бунинг асосий шартларидан бири мамлакатда инновацион “масса”нинг тўпланиб қолганиги ва иқтисодиётда уни жорий этишнинг иқтисодий шарт-шароитлари вужудга келганлигидир. Масалан, XVII асрнинг охири – XVIII асрнинг бошларида шаклланиб улгурган иқтисодий кашфиётлар XVIII асрнинг охирида, индустриал революция арафасида кенг қўлланилди.

Инновациянинг мазмунига янаям кенгрок қарайдиган бўлсак, унинг лугавий маъноси инглизча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, янгилик қиритиш, ихтиро сўзларини англатади⁵. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, инновацияга расмий доирада ҳам таърифлар берилган. Айниқса, уларнинг ичида Осло ҳукуматининг инновацияга берган таърифи алоҳида эътироф этилади, унга кўра: “Инновация - бу янги ҳояларни яратиш асносида бозордаги талабга қараб замонавий ва сифатли товарларни ишлаб чиқариш орқали рақобатчиларидан ўзиб кетишдир⁶”, -дея қайд этилади.

Таъкидлаганимиздек “инновация”, “инновацион ривожланиш”га берилган иқтисодий таърифлар айнан бир-бирига ўхшамайди. Масалан, россиялик иқтисодчи М. Гершман: “Инновация-бу янгилик, кашфиёт ва ихтиролар орқали янги маҳсулот, хизмат яратиш ва жараёни вужудга келтиришдир. Инновацион фаолият натижасида новация (лотинча “novation”) яъни ўзгариш, янгиланиш жараёни содир бўлади. Новация – бу олдин амалиётда бўлмаган янги ихтиро, янги ходиса, янги ҳолат бўлиб ижтимоий эҳтиёжларни қондиришнинг янги усули сифатида юзага чиқади⁷”, -дея таъкидлайди. Адабиётларда “инновация” тушунчасини аниқлашда турлича ёндашувлар мавжуд: моҳияти ёки ички

³ Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: ЭКСПО, 2007.

⁴ Кондратьев Н. Д. Большие циклы конъюнктуры // Вопросы конъюнктуры. 1925. № 1.

⁵ Gentry W. M., Hubbard G. R. “Success Taxes”, Entrepreneurial Entry, and Innovation // NBER Working Paper. 2004. No 10551.

⁶ Руководство Осло. Рекомендации по сбору и анализу данных по инновациям // перевод с англ. 3-изд. М.: 2006. (Oslo Manual Guidelines for Collection and Interpretation of Innovation Data. Third ed. A Joint publication of OECD and Eurostat. OECD/EC, 2005).

⁷ Гершман М. А. Инновационный менеджмент. – М.: Маркет ДС, 2010.

тузилишига қараб инновациялар технологик, ташкилий, маркетинг ва бошқаларга ажратилади.

Фикримизча, “Инновация – бу капитални янги техника, технологияга, ишлаб чиқаришга, меҳнатни янгича ташкил этиш, бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига сарфлаш натижасида янгидан олинган моддий ҳамда номоддий неъматлардир”.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида “инновация” атамасига сўзма-сўз киритилган янгилик, ихтиро, кенг маънода эса техника ва технологияларнинг янги турлари (авлодлари) ни жорий этиш мақсадида иктисодиётга сарфланган маблағлар, (2) илгор техника ва технологиялар, бошқариш ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ва уларнинг турли соҳаларда қўлланиши, (3) муайян тилда, асосан, унинг морфология соҳасида энг сўнгги даврларда пайдо бўлган янги ходисалар (тил бирликлари) дея таъриф берилади⁸.

Фикримизча, ҳар қандай инновацион фаолият замирида авваломбор кишиларнинг иктисодий манфаатдорлиги ётибди, сўнгра эса ундан инсонлар ўз ҳаётларини янада қулай ва яхшилашга бўлган имконият пайдо бўлади. Ушбу имконият кишиларни чексиз эҳтиёжлари ва манфаатларини кондиритишга қаратилган бўлса, иккинчи жиҳатдан чекланган иктисодий ресурслардан самарали ва унумли фойдаланиш имкониятини беради.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ушбу масалага алоҳида тўхталиб: “Барчамиз яхши англаб олишимиз зарурки, ишлаб чиқаришни диверсификация қилмасдан туриб, ташки бозорларга чиқиш ва маҳсулотларимизни сотиш борасидаги экспорт дастурини амалга ошириш, валюта даромадлари тушумини таъминлаш, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ва иш ўринларини ташкил этиш, пировард натижада ўз олдимишга қўйган юксак мақсадларимизга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас⁹”, дея таъкидлаганлари бежиз эмас.

Бу борада мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек, “халқимиз дунёқарашида инновация муҳитини яратиш энг муҳим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди. Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, оламларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамкадам бўлолмаймиз.”¹⁰

Ривожланган мамлакатлар иктисодий таракқиётининг босқичларига назар ташлайдиган бўлсак, барқарор ўсишни таъминлашда инновациялар ўрни алоҳида аҳамият касб этганини кўришимиз мумкин. Яъни, илмий-техникавий йўналишларда олиб борилган тадқиқотларни ишлаб чиқариш жараёни билан интеграциялашуви юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарни ташкил этишга хизмат қилмоқда.

⁸ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т.: 2002. 169. Б

⁹ Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йида иқтисодий-иктисодий ривожлантириш йўналиши ва 2015 йилга бўлган мақсадлар иктисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

¹⁰ III Мирзиёевнинг 2.12.2017 йил пойтахтига талабалар шаҳарчасида барпо этиладиган Инновацияларни таътибқ этиш илмий-амалий марказига ташрифиди сўзлаган пуйкидан. (www.yoshlarovozi.uz)

Шу нуктан назардан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишни тадқиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Зеро, инновацион ривожланишни амалга ошириш аввало иқтисодиётнинг реал секторини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, илмий-техникавий лойиҳаларни қўллаб қувватлаш, фан ва технологиялар ҳамда ишлаб чиқаришни узвий боғлиқлигини таъминлаш лозим.

Таъкидлаб ўтганимиздек, инновацион ривожланиш амалиёти узок ўтмишдан мавжуд бўлишига қарамай, илмий тадқиқот предмети сифатида XX асрдан ўрганила бошланди.

Инновация назариясини шаклланиши ва ривожланишига Й.Шумпетер, Н.Д.Кондратьев, Э.Хансен, М.И.Туған-Барановский, Дж.Бернал, С.Кузнец, Б.Твисс, Г. Менш, Я.ВанДейн, А.Клайнхехт, К. Фримен, Дж. Кларк, Л.Сутэ, И. Николов, А.И.Анчишкин, Р.М.Энтова, Н.А.Макашевой, П. Кеннеди, Э. Тоффлер, И.М. Дьяконов, А. Шлезингер-младший, Ю.В.Яковец каби олимлар қатта ҳисса қўшган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инновация назариясини тадқиқ этиш зарурияти дастлаб иқтисодий ва технологик соҳаларда юзага келаётган инкирозлар сабабини ўрганиш, давлатлар ўртасидаги ўзаро зидиятларда муваффақиятларга эришиш, давлат ўртасида замонавий кулол яроқларни ишлаб чиқишга бўлган омилар доирасида шаклланди. Шунингдек, иқтисодий инкирозларни бартараф этишда ва унинг оқибатларини олдини олишда саноатта асосланган ривожланиш циклидан инновацион ривожланиш фазасига ўтиш муҳим аҳамият касб этади¹¹.

Ушбу йўналишда тадқиқот олиб борган олим Ю.В.Яковец инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланишини уч босқичга ажратади¹².

Биринчи босқич 1910-1930 йилларга тўғри келади. Ушбу босқичда Н.Д.Кондратьев ва Й. Шумпетерлар инновация назариясининг шаклланиши ва унинг ривожланишига қатта ҳисса қўшган. Хусусан, Н.Кондратьев ўз илмий қарашларида инновациянинг назарий йўналишига эътибор қаратиб: иқтисодиётни “ўсиш” ва “пасайиш” циклидаги тебранишлар ҳамда мамлакатдаги техник кашфиётлар ва уларнинг амалиётга жорий этиш ўртасида объектив қонуниятлар мавжудлигини назарий асослайди¹³.

Таъкидлаш жоизки, Н.Д.Кондратьевнинг инновация назарияси нафақат технология ва иқтисодиётни, балки ижтимоий-сиёсий соҳаларни ҳам ўз ичига олиб, инновацияларни жамиятнинг турли соҳаларида жорий этиш механизмларини очиб берган.

Й.Шумпетер эса Н.Д.Кондратьевнинг инновация назариясини қўллаб-қувватлаган ҳолда: “Тадбиркорларнинг вазифаси кашфиётлардан самарали фойдаланиш, ёки яна ҳам чуқурроқ маънода таъкидласак, янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва замонавий товарларни тикониф қилиш, ишлаб чиқаришда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, янги

¹¹ Туған-Барановский М.И. Избранные Периодические промышленные кризисы. История английских кризисов. Общая теория кризисов. М.: Наука - РОСС-ПЭН, 1997.

¹² Яковец Ю.В. Экологические инновации XXI века. М.: Экономика, 2004. стр-18

¹³ Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. М.: Экономика, стр. 370-371. 2002

бозорларни забт этиш орқали ишлаб чиқаришда инкилобий ўзгаришларни амалга оширишдан иборатдир¹⁴”, – дея таъкидлайди.

Й.Шумпетер ўзининг инновацияларга онд назарий қарашларида инновацион фаолиятнинг асосий вазифаси сифатида технологик ва иқтисодий инновациялар, иқтисодиётни даврийлик динамикасида инновацияларнинг ўрни, уларга иқтисодий қонуларнинг таъсири ва уларни бошқариш қабилар устида тадқиқот ишларини амалга оширади.

Инновация назариясини шаклланиши ва ривожланишининг биринчи босқичида Н.Д.Кондратьевнинг издоши бўлган П.А.Сорокин: инновациянинг ривожланишини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар билан бирга, давлатлар ўртасидаги урушлар, илмий янгиликларни очилиши ва қашфиётлар эканлигини таъкидлайди. Хусусан, у ўзининг “Ижтимоий ва маданий ўзгаришлар сурағи” номли асарида кишилик ҷамияти беш минг йил давомида эришилган энг йирик янгиликларни алоҳида-алоҳида очиб беради¹⁵.

П.А.Сорокин мазкур асар доирасида амалга оширган ҳулосаларга таяниб шундай фикрга келадик, агар ҳар қандай инновацион ривожланиш ҷамият ва шахслар учун иқтисодий манфаатдорлик келтирадиган бўлса унга молиявий ҷихатдан маблағ топиш мумкинлиги ва ушбу ҳаракатлар ҳар қандай шароитда ўзининг натижасини беришини тасдиқлайди. Бунга амалиётдан жуда кўп мисоллар келтиради. Хусусан, инсониятнинг ойга ва космосга чиқиши, атом қуролларини яратилиши ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инновация назариясини шаклланиши ва ривожланишининг иккинчи босқичи, яъни 1940-1970 йилларда кескин фундаментал ўзгаришлар содир бўлмаган. Фикримизча, бунинг асосий сабабларидан бири, иккинчи ҷаҳон уруши ва урушдан кейинги қуролланиш сиёсатини авж олишидир.

Иқтисодчи олимлар ва инновация назарияси тарафдорларининг ушбу босқич бўйича асосий ҳулосалари шундан иборат бўлдики, ҳар қандай иқтисодий ривожланиш, шу жумладан инновацион янгиликлар амалиётда ўзининг самарасини бериши учун биринчи навбатда, мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчлик ҳукм суриши жуда муҳим ҳисобланади.

Мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчлик ҳусусида гап кетганда Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов томонидан узоқни кўзлаб олиб борган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳатлари натижасида мамлакатимизда қарор топган сиёсий барқарорлик ва тинчлик нақадар қатга аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Бу албатта, мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Инновация назарияси шаклланиши ва ривожланишининг иккинчи босқичида эътиборга сазовор бўлган асарлардан бири, инглиз олими Дж.Бернал томонидан 1954 йилда яратилган “Ҷамият тарихида илмнинг ўрни” номли монография ҳисобланади.

¹⁴ Шумпетер Й.А. Капитализм, социализм и демократия. М.: Экономика, с.гр. 183-184. 1995.

¹⁵ Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика. СПб., СПбХГУ, 2000.

Дж.Бернал монографияда инсоният ривожланишининг энг қадимги тош давридан ҳозирги давргача бўлган жараёنларни чуқур тадқиқ қилади. Монографияда таъкидланишича, дастлабки даврларда оловдан фойдаланиш, кулчулик, гилдирак ва қайиқлар илм-фан мавжуд бўлмаган шароитда кашф қилинган бўлса, бизнинг асримизда ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳаётда жорий қилинаётган илм-фан янгиликларини жорий этиш тезлиги уларни ўзлаштиришдан кўра илгарилаб кетди¹⁶.

Ҳақиқатдан ҳам илм-фан тараққиёти жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётга назар ташлайдиган бўлсак, барча соҳаларда жорий қилинаётган инновацияларнинг кўлами бекиёс бўлиб, уларнинг кўпчилигини ўзлаштирмасдан туриб янгилари ҳаётимизга кириб келмоқда. Албатта, буларнинг асосий сабаби инновацион ривожланиш йўналишида амалга оширилаётган тадқиқот ва изланишларнинг амалий натижаси ҳисобланади.

Хусусан, америкалик иқтисодчи, статист, демограф ва иқтисодий тарихчи олим С.Кузнец 1980 йилларда “даврга оид инновациялар” тунунчасини фанга киритди, унинг таълимотига кўра, иқтисодиётнинг ривожланишининг маълум даврида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва унинг даражасини ошириш асосини даврга оид инновацияларни жорий этиш ҳисобланади, даврга оид инновацияларнинг манбаи илм-фан эканлиги таъкидланади¹⁷.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, С.Кузнец маълум бир даврга оид инновацияларни жорий этилиши нафақат ижобий самара беради, балки унинг мамлакат аҳолисига салбий таъсири бўлиши ҳам мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Шу жиҳатдан, ижтимоий-иқтисодий муносабатларда инновацияларни ривожланиши ва жорий этилишида давлатнинг иштирок этиши жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, илмий-техникавий инновацияларни доимий жорий этилиши барқарор иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлиш билан бирга, жамиятнинг ижтимоий қарашларини ҳам ўзгартиради, бу эса институционал туркибий ўзгаришлар билан бирга миллий мафкурамизга ҳам таъсир этиши мумкин.

Й.Шумпетер инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишда унинг қуйидаги асосий босқичларда амалга оширини лозим деб ҳисоблайди:

- 1) муомалага янги инновацион маҳсулотларни киритиш;
- 2) ишлаб чиқаришнинг янги усулларини жорий этиш;
- 3) янги бозорларни яратиш: янги инновацион лойиҳаларни хомашё ва ресурслар билан таъминлаш;
- 4) саноат ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш ва ишга тушириш¹⁸.

Й.Шумпетернинг инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш босқичларига эътибор қаратадиган бўлсак, унда амалиётга жорий этилаётган инновацион лойиҳаларни молиялаштириш манбалари эътиборга олинмаган. Шу

¹⁶ Бернал Дж. Наука в истории общества. М. ИЛ. 1956.

¹⁷ Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция стр 109. // Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. Под ред. Ю.В. Яковля. СПб.: Гуманитарика. 2003.

¹⁸ Schumpeter J. The Theory of Economic Development. Cambridge: Harvard University Press, 1934.

билан бирга, ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этиш ва ишга туширишда давлатнинг иштироки кайд этилмаган.

Фикримизча, ҳозирги пайтда, айниқса ўтиш иқтисодиётини бошидан кечириётган мамлакатларда инновацион лойиҳаларни жорий этишда давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши (масалан, солиқ имтиёзлари ва молиявий субвенциялар орқали) жуда муҳим ҳисобланади.

Инновация назариялари шаклланиши ва ривожланишининг учинчи босқичи 70 йилларнинг ўрталари ва 80 йилларнинг бошларида рўй берган халқаро инкирозлар билан бевосита боғлиқдир. Мазкур инкироз энергетика соҳаси билан бевосита алоқадордир, 1971-1980 йилларда дунёда экспорт нархлари 8,1 баробарга ошди. Хусусан, шу даврда хомашё баҳоси 14,1 баробарга, қишлоқ-ҳўжалиги маҳсулотлари нархи 8 баробарга, тайёр маҳсулотлар нархи 6,3 баробарга ортди¹⁹.

Ўз навбатида, 1970-90 йилларда Н.Д.Кондратьев ва Й.Шумпетерларнинг иқтисодиётни узун тўлқинли тебранишлар назариясига бағишланган бир қатор халқаро конференциялар бўлиб ўтди. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Я.Ван Дейнанинг "Иқтисодиётда узун тўлқинлар", А.Клейнкнехтанинг "Инкироз ва юксалиш даврида инновациялар", К.Фримен, Дж.Кларк ва Л.Сутеларнинг "Ишсизлик ва техник кашфиётлар. Иқтисодий юксалишда узун тўлқинли тебранишларнинг моҳияти" каби монографиялари инновация назарияси ва унинг иқтисодиётдаги аҳамиятини нечоғли юқори эканлигини кўрсатди.

Шунингдек, ушбу ишланмаларда олимлар инновацияларни илмий-техникавий ва иқтисодий цикллarning (қисқа, ўрта ва узок муддатли) ажралмас бўлаги сифатида таърифлаб, иқтисодиётни янги инновацион ривожланиш босқичига ўтиши учун таълим, илм-фан ва техникавий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-бошқарув соҳаларни ўзаро боғлиқ ҳолда тадқиқ этишган²⁰.

Бундай вазиятда янги иқтисодий босқичга ўтиш учун инновацияларни ривожлантириш зарурияти пайдо бўлди. Айрим давлатлар жумладан АҚШ, Япония, Франция, Англия иқтисодиётда 80 йилларнинг иккинчи ярмидан кескин барқарор ўсишлар кузатилди. Мисол тариқасида жаҳоннинг ЯИМини 15 йил ичида 63 %га, ишлаб чиқариш ҳажми 60 %га, экспорт ҳажми эса – 2,83 баробарга ўсганини келтириш мумкин²¹.

Мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлашда инновацион ривожланишнинг жорий этиш жараёнларини ўрганганимизда, уни қўллашнинг турли туман ёндашуви мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Бунинг асосий сабаблари сифатида инновацион ривожланишни жорий этаётган мамлакатнинг географик жойлашуви, иқтисодий ресурсларнинг ҳажми ва захиралари, иқтисодиётни бошқаришда қўлланиладиган механизмлар ва бошқа қатор омилларни келтириш мумкин.


¹⁹ Устинов И.Н. Мировая торговля. Статистико-энциклопедический справочник. М.: Экономика. 2002. Стр. 61-62.

²⁰ Яковлев Ю.В. Циклы. Кризисы. Прогнозы. М.: Наука. 1999. Яковлев Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. Изд. 2-е. М.: Экономика. 2003. Яковлев Ю.В. Рента, антирента, кваирента в глобально-цивилизационном измерении. М.: Академ-книга. 2003. Инновации: теория, механизм, государственное регулирование. Под ред. Ю.В. Яковлева. М.: РАГС. 2000.

²¹ Устинов И.Н. Мировая торговля. Статистико-энциклопедический справочник. Стр. 61-62. М.: Экономика. 2002.

Тадқиқотлар натижасида дунёда инновацион ривожланишни жорий этиш моделларининг кўп қирралигини эътиборга олиб, уларни қатор мезонлар асосида ўзаро бир-бирига яқинлиги қаби жиҳатларига асосланиб, расмда келтирилган учта моделининг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқишга қарор қилдик.

1.1-расмда инновацион ривожланишнинг учта модели келтирилган, унинг биринчи модели Евроатлантика модели жуда узок йиллик илмий изланишлар, шунингдек ҳарбий зиддиятлар натижасида Ғарбий Европа мамлакатларида жуда кенг қўлланилган. Ғарбий Европа мамлакатлари иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ ядро қуроли ҳимоясига ўтгандан ва НАТОга аъзо бўлгандан кейин жуда катта миқдорда молиявий маблағ талаб қиладиган ҳарбий инновациялардан нисбатан арзонроқ бўлган инновацион илмий тадқиқот ишларини амалга ошира бошлади.



1.1-расм. Инновацион ривожланишнинг моделлари²².

Масалан, Буюк Британияда 1940 йилларнинг охирида жуда қиммат бўлган ядро физика тадқиқот ишларидан радио астрономия ва биологиянинг юқори молекуляр соҳаларига эътибор қаратдилар, албатта бу мамлакатда астрофизика ва молекуляр биология фанлари жуда самарали ривожланди. Ҳозирги кунда британия инновацион ривожланиш тизими халқаро даражадаги Оксфорд, Кембридж ва Лондон университетларида муҳассамлаштирилган.

Италия ва Германияда ҳам инновацион ривожланишнинг назариялари ва амалиётга қўллаш бўйича мамлакатдаги йирик институтлар шуғулланади. Францияда эса фундаментал илмий ишлар ва инновацияларни амалга ошириш Миллий тадқиқот илмий маркази томонидан мувофиқлаштирилади.

Европанинг қолган мамлакатларида ҳам инновацион ривожланиш билан боғлиқ ишлар институтлар томонидан амалга оширилади. Кейинги йилларда Ғарбий Европа мамлакатлари инновацион ривожланишнинг назарий ва амалий йўналишлари устида илмий-тадқиқот ишларини амалга оширадиган ва АҚШ билан рақобатга кириша оладиган Европа Иттифокида ягона марказни ташкил этди. Ушбу марказ келгусида Европа Иттифокига аъзо бўлган мамлакатларда инновацион ривожланишни янги маҳсулотларини яратиш, молиялаштириш,

²² Расм муаллиф томонидан тузилган. (Баҳолаш фаолияти миллий стандартлари маълумотлари асосида шакллантирилди).

амалиётга жорий этиш бўйича мувофиқлаштирувчи орган сифатида майдонга чиқиши кўзда тутилган.

Инновацион ривожланишнинг Шарқийосиё модели хусусида гапирганда ушбу модел бошқа моделлардан жиддий фарқ қилиш билан бирга, у асосан йирик университетларда кенг қўлланилиши эътиборлидир. Бу борада Японияда инновацион ривожланиши бўйича амалга оширилаётган фундаментал тадқиқот ишларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Японияда инновацион ривожланиш учта босқичда амалга оширилганини кўриш мумкин. Биринчи босқичи XX асрнинг 50-80 йилларини ўз ичига олади, иккинчи босқич 1980-2000 йиллар, учинчиси XXI асрдан ҳозирги кунгача бўлган даврдан иборат.

Японияда иккинчи жаҳон урушидан кейин 1970 йилларга қадар илмий-техника ва инновацион сиёсати иккита ёндашув асосида амалга оширилди. Биринчиси, инновацион ва илмий-техника воситаларини ишлаб чиқариш бўйича хорижий лицензияларни сотиб олиш, кўп тармоқли йирик инновацион-илмий лойиҳаларда иштирок этиш ва улар билан қўшма корхоналарни ташкил этишга қаратилди. Иккинчиси, йирик корхоналар базасида шахсий инновацион ривожланишни молиявий рағбатлантириш ҳисобланади.

Инновацион ривожланишнинг муқобил модели илмий-техника ва фундаментал инновациялар етарли даражада эътибор қаратилмайдиган ёки уни ривожлантириш имконияти бўлмаган мамлакатларда қўлланилади. Инновацион ривожланишнинг ушбу модели кўпроқ Таиланд, Чили, Туркия, Иордания, Португалия каби мамлакатларда фойдаланилади.

Масалан, Таиланд ва Чили асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган аграр давлат ҳисобланади, шу боис ушбу мамлакатларда инновацион ривожланишни жорий этиш айнан шу соҳаларга қаратилади.

Таиландда 2003 йилда Миллий инновацион агентлиги ташкил этилди, унинг асосий вазифаси мамлакатда инновацияни ривожлантириш ва миллий иқтисодий рақобатдошлигини оширишга қаратилган.

Туркия 1960 йиллардан буён инновацион ривожланишни кенгайтириш ва унинг самарали қўлланиши бўйича жуда катта ишларни амалга оширмоқда. 1963 йилда мамлакатда Фан ва технология кенгаши тузилди, унинг зиммасига мамлакатда инновацион инфратузилмани ташкил этиш ва ривожлантириш вазифаси юклатилган.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион ривожланишнинг моҳияти, эволюцион шаклланиши ва моделлари хусусида ёндашувлар жуда кўп қиррали бўлиб, инновацион ривожланишни кенг қўллашга инкирозлар, давлатлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши, иқтисодий ресурсларнинг чекланганлиги кабилар таъсир қилади.

§1.2. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишнинг зарурлиги ва аҳамияти

Барқарор иқтисодий ўсиш ҳар қандай мамлакат учун ўта муҳим ва асосий вазифалардан ҳисобланади. Ушбу вазифаларни самарали бажарилиши иқтисодий ресурслар чегараланган шароитда ўсиб бораётган аҳолининг чеklangмаган эҳтиёжларини қондириш имкониятини беради.

Иқтисодий назариянинг йирик намоёндалари, жамият ривожланиш тарихида, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг учта шакли мавжудлигини тасдиқ этади. Улар қуйидаги расмда келтирилган.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив
шакли

Иқтисодий ўсишнинг интенсив
шакли

Иқтисодий ўсишнинг инновацион-
инвестиция шакли

1.2-расм. Иқтисодий ўсиш таъминлашнинг шакллари²³

1.2-расмда кишилик жамиятининг тарихида иқтисодий ўсиш таъминлашга олиб борадиган, шунингдек ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар таърибасида қўлланилган учта шакли келтирилган. Улар иқтисодий ўсиш таъминлашнинг 1) экстенсив, 2) интенсив ва 3) инновацион-инвестиция шакллари ҳисобланади.


Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни экстенсив йўл билан таъминлашда ишлаб чиқариш воситалари сонни оширилади, қўшимча иқтисодий ва меҳнат ресурслари жалб этилади. Бу шаклни қўллашда янги ташкилот ва фабрикаларни қуриш, янги ер ости ва ер усти захираларидан фойдаланиш, фойдаланилмай турган ер ва меҳнат ресурсларини ишга тушириш лозим бўлади.

Интенсив шаклида мавжуд ишлаб чиқариш воситалари ва қучларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали иқтисодий ўсишга эришилади. Бу жараёнда мавжуд ишлаб чиқариш воситалари, иқтисодий ва меҳнат ресурслари ҳамда вақтдан унумли фойдаланилади.

Инновацион-инвестиция шаклида асосий эътибор, яъни устуворлик фан техника, интеллектуал салоҳият, информация техника, ақлий меҳнат ва инсон интеллектуал қобилиятига қаратилади. XXI асрга келиб дунёнинг деярли барча мамлакатлари иқтисодий барқарорликка эришиш ва ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлашда инновацион-инвестиция шаклидан фойдаланмоқда.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, инсонлар эҳтиёжини чегараси ва меъёри мавжуд эмас, айниқса ушбу жараён дунёда

²³ Таъкикотлар натижасига асосланиб муаллиф томонидан тузилган.



иктисодий ресурсларнинг чекланганлиги ва аҳоли сонининг ортиб бориш шароитида янада долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Шу нуктаи назардан, монографиянинг ушбу параграфида инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишнинг зарурлигини белгиловчи қуйидаги жиҳатларига атрофлича тўхталамиз:

-ер шари ва мамлакатимизда аҳоли сонини ортиб бораётган шароитда уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш ва истеъмол талабини қондириш зарурлиги. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, ер шаридаги аҳоли сони бир млрдга етиши учун 10 минг йил керак бўлди (1850 й), 80 йил ичида эса унинг сони 2 млрдга етди (1930 й), ушбу кўрсаткич икки баробарга ортиши учун эса 45 йил етарли бўлди (1975 й). 2000 йилга келганда ер юзида 6 млрд кишини ташкил этди, 2020 йилга келганда эса унинг сони 8 млрдга етиши кутилмоқда²⁴. Худди шундай, мамлакатимиз аҳолисининг сони мустақилликнинг дастлабки йилларида 20 млндан ортиқ бўлган бўлса, кейинги 25 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 12 млнга ошди²⁵.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан кўриниб турибдики, ер шарида иктисодий ресурслар чегараланиб бораётган бир шароитда аҳоли сонининг бу даражада ортиши мамлакат ЯИМнинг барқарор ўсишини таъминлашни ўтқир вазифалардан бири эканлигини англатади.

-иктисодий ресурслар чекланган шароитда ортиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш зарурлиги. Маълумки, XXI асрда дунёнинг ривожланган мамлакатлари барқарор иктисодий ўсишни таъминлашда инновацион-инвестиция шаклини амалиётга жорий этишга жиддий эътибор қаратмоқда. Иктисодий ўсишни таъминлашда инновацион-инвестиция шаклини қўллаш мавжуд иктисодий ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларидан, шунингдек, инсон интеллектуал қобилиятдан самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Масалан, иктисодий ўсишда инновацион-инвестиция шаклини қўллаётган Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида иктисодий ўсиш мисли кўрилмаган даражада ривожланмоқда. Ер шарида ҳеч қайси мамлакат ушбу давлатлар сингари бу даражада тез ва самарали иктисодий ўсишга эришмаган. Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ўртача қиймати 30 йил ичида 4 баробарга ўсган, шунингдек мамлакатдаги молия ва истеъмол бозорлари халқаро интеграция янада жипслашган, аҳоли камбағаллик даражаси кескин пасайган. Хусусан, ушбу мамлакатлардаги камбағаллик даражаси 3 баробарга қисқарган, аҳолининг саводхонлик даражаси ва соғлигини белгиловчи кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарган. Бу мамлакатларнинг биринчи авлодини Шимолий Корея, Сингапур, Ганконг ва Тайван, иккинчи авлодини Индонезия ва Малайзия, учинчи авлодини эса Хитой ташкил этади.

Юқорида номлари қайд этилган биринчи авлод мамлакатларида иктисодий ўсишни таъминлаш жараёнига давлатнинг маъмурий аралашishi

²⁴ <http://counymeters.info/rw/World>. История населения Земли

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида муаллифнинг фикри

даражаси юкори бўлган, бироқ, иккинчи ва учинчи авлод мамлакатларида иктисодиётни либераллаштиришга асосий урғу берилган.

Ҳар икки ҳолатда ҳам мамлакатда иктисодий ўсишни таъминлаш давлат томонидан кучли фискал сиёсати ва интизоми, жамғарма ва инвестицияларни ривоблантириш каби макроиктисодий даражадаги сиёсати олиб борилган.

Дунё мамлакатлари иктисодий ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг деярли барчасида ижтимоий-иктисодий жараёнлар маълум даражада ва даврда давлат томонидан бошқарилганлигини гувоҳи бўламиз. Кейинчалик мамлакатда ижтимоий-иктисодий муносабатларнинг чуқурлашуви, ривобат шароити яратилганлиги ва иктисодиётнинг тулик либераллашуви иктисодиётни бошқаришда давлатнинг ролини пасайиб боришига замин яратди.

-аҳолини қўшимча иш жойлари билан таъминлаш зарурлиги. Маълумки, иктисодий назариянинг асосчиси Джон Мейнард Кейнс (1983-1946, Буюк Британия) бозор иктисодиётининг энг катта иккита камчилиги мавжудлигини таъкидлайди. Биринчиси, ишсизлик даражасининг ортиб кетишини тартибга солишнинг имконияти йўқлиги бўлса, иккинчиси мамлакатда яратилган миллий бойлик ва даромадни тенг тақсимлаб бўлмаслигидир.

Ҳақиқатда ҳам ҳозирги пайтда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ишсизлик ва яратилаётган миллий даромадни тенг тақсимланмаслиги билан боғлиқ муаммолар бугунки куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Масалан, 2015 йилда январь ойида Давос шаҳрида бўлиб ўтган Бутун дунё иктисодий форумида Oxfam (дунёдаги камбағал мамлакатлар аҳолисини қўллаб-қувватлайдиган таниқли хомийлик ташкилоти)нинг тадқиқотлари натижасига кўра 2018 йилда бутун дунё бойлигининг 50 фоизи бир фоиз аҳоли қўлида жамланган. 2009 йилда ушбу кўрсаткич 44 фоизни, 2014 йилда 48 фоизни ташкил этган. Эътиборли жиҳатлардан яна бири шуки, ер курраси 80 фоиз аҳолисини қўлида бутун дунё бойлигининг бор йўғи 5,5 фоизи жамланган³⁶.

Албатта, инновацион ривожланишни қўлланилиши бу муаммони ечиш имкониятини бермаслиги мумкин, бироқ қўшимча иш жойларини ташкил этиш, аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини қондириш орқали мавжуд муаммоларни бир қадар юмшатиш имкониятини беради.

-мамлакат иктисодиётини рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги. Бозор иктисодиётининг асосий механизмларидан бири рақобат ҳисобланади. Мавлумки, рақобат бўлмаган шроитда ва муҳитда ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланмайди, истеъмол маҳсулотлари турлари қўпаймайди, сифати ошмайди ва баҳолари пасаймайди. Ушбу масалага мамлакатда барқарор иктисодий ўсишнинг инновацион-инвестиция шаклини жорий этиш нуктаи назардан ёндашадиган бўлсак, инновацион-инвестиция мамлакат иктисодиётининг барқарор ўсишини таъминловчи асосий шаклларида бири бўлиб, унинг ривожланиши учун мамлакатда кучли рақобат муҳити зарур

³⁶ The Guardian газетаси. Ларри Эллиотт и Эд Пидкинстон. 2018 йил. январь. Давос. Бутун дунё иктисодий форуми

бўлади. Рақобат бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар шахсий манфаатини реализация қилиш ҳаракати табиий равишда қурашга тўғилишига мажбур этади.

Мазкур масалага Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятига бундан ўн беш йил олдин алоҳида эътибор қаратиб: «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат — бозорнинг асосий шarti, айтиш мумкинки, унинг қонунидир»²⁷, деб таъкидлаган эди.

Рақобат, бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритаётган мамлакатлар тажрибасига кўра биринчидан, бозорда ҳар қандай маҳсулот ёки ресурсни эркин равишда сотиш ва сотиб олиш ҳукуки берилган жойда, иккинчидан эса сотувчи ва сотиб олувчиларга шу ёки бошқа бозорда иқтисодий муносабатга киришиши ёки чиқиб кетишида тўлиқ эркинлик берилган шароитда мавжуд бўлади. Демак, юқорида қайд этилган ҳолатларнинг қўлланилиши, шунингдек мамлакатда инновацион ривожланишни жорий этилиши рақобат муҳитини шаклланиши ва мустаҳкамлигига беосита ва билвосита таъсир кўрсатади.

— давлат бюджетни даромадлари ҳажмини ошириш зарурлиги. Давлат ўзининг ташқи ва ички сиёсатини амалга оширишда етарли даражадаги молиявий маблағларга қучли эҳтиёж сезади. Бизнинг назаримизда, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ташқи ва ички сиёсати қуйидаги расмда келтирилган асосий йўналишларга қаратилиши лозим.

мамлакат чегаралари ва ички ҳудудларида тинчликни ва ҳавфсизликни таъминлаш

мамлакатда бизнес муҳитини яратини, бозор механизмлари, қонда ва тартибини жорий этиш ва уларнинг тўлиқ амал қилишини таъминлаш

мамлакатнинг тегинли тармоқлари ва соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, субвенциялар бериш (масалан, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа шунга ўхшаш тармоқлар)

мамлакатда ижтимоий ҳимояни самарали тизимини жорий этиш ва қам таъминланган аҳоли қатламини ҳимоя қилиш

1.3-расм. Давлатнинг ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишлари²⁸.

1.3-расмдан кўриниб турибдики, давлат ўзининг қатор ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади, бунинг учун албатта зарур даражадаги молиявий маблағларга қучли эҳтиёж сезади. Бу давлат бюджетни даромадлари сифатида тушадиган солиқларнинг ҳажмига бевоcита боғлиқдир. Солиқларнинг ҳажми ва

²⁷ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга интиломокда» биринчи қақирик Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси, -Т.: 1999. 34-бет.

²⁸ Тадқиқотлар натижасига асосланиб муаллиф томонидан тузилди.

Уш вақтида тўланиши эса мамлакатда ишлаб чиқаришни, хусусан инновацион ривожланишни жорий этилганлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир.

Миллий валютанинг барқарорлигини ошириш зарурлиги. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов миллий валютанинг барқарорлиги юзасидан, бундан йиргирма тўрт йил бурун: “Бугунги кунда энг муҳим вазифа – валютанизми бақувват, дунёда обрўли валютага айлаштиришдир. У юксак қиймат ва катта кучга эга бўлиши лозим. Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва кадрини ошириш – умуммиллий вазифа.”²⁹ дея бийлашган фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб турибди.

Ўзбекистон иқтисодиёти мустақиллигининг илк йилларида яхши кўрсаткичларга эга эди. Ички бозор қатта ҳажми, пахта экспорти ва табиий газ кенчи олини кўпайиши сабабли мамлакат 1991 йилдаги ялпи ички маҳсулот (ИИМ) даражасини қайта тиклашга эришган биринчи собик совет республикаси бўлди. Лекин тез орада иқтисодиётга вазият ўзгара бошлади. 1996 йилдан бошлаб, Марказий банк ўзбек сўми алмашув қийматини белгилай бошлади. Бу эса инвестицияларга тўсқинлик кўрсатган ва валюта алмашуви учун қора бозорнинг юзага келиши ва коррупциянинг авж олишига сабаб бўлди. Шунингдек, йирик, самарасиз бошқарилаётган давлат корхоналари иқтисодиёт устидан ҳукмронлик қилишни давом эттирди. Ўзбекистон ҳукумати 2016 йилдан буён иқтисодиётни либераллаштириш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Энг муҳим ислохотлардан бири хусусийлаштириш ва хорижий инвестицияларга тўсик бўлаётган сўмни хорижий валюталарга конвертация қилиш ислохоти бўлди.

Замонавий шароитда миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири инновацион ривожланишни жорий этиш ҳисобланади. Чунки, ҳозирги пайтда аҳолининг эҳтиёжлари чексиз ортгб бораётган шароитда уни инновацион ривожланишни жорий этмасдан туриб қондиришнинг имконияти мавжуд эмас. Бунинг асосий шартларидан бири, мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларга бўлган талабини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қондириш ҳисобланади. Айнан шу жараён миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Чунки, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талаби тўлиқ маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қондирилса, импорт товарлар учун сарфланган хорижий валюталарга бўлган талаб камаёди, бу албатта миллий валютанинг барқарорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида миллий валюта иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи муҳим молиявий дастак бўлиб, унинг барқарорлик даражаси қатъийлик мустаҳкам бўлса, мамлакат иқтисодиёти ҳам шу даражада рақобатдош ва мустаҳкам бўлади. Ўз навбатида иқтисодиётнинг барқарорлиги шу рақобатдошлиги миллий валютанинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

²⁹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. Т. 1. Ўзбекистон. - 1995. 218

Инновацион ривожланишни жорий этиш орқали мамлакатда миллий валютанинг барқарорлиги ва унинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлик даражаси куйидагиларда намоён бўлади:

-аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи мустаҳкамланади, товарлар ва муҳсулотлар баҳоси барқарорлашади;

-хорижий инвесторлар ва иқтисодий ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлар ҳажми ортади, ташқи савдо балансида барқарор ижобий қолдиқ сақланишига эришилади;

-иқтисодиётда банкдан ташқари нақд пул айланмалар ҳажмининг микдори пасаяди, товарлар ва муҳсулотларнинг нақд ва нақдсиз пулдаги баҳолари ўртасидаги фарққа барҳам берилади;

-нақд пулларни нақдлаштириш масаласи ва хорижий валюталарнинг қора бозордаги ноконуний олди-сотдиси орқали операцияларга чек қўйилади.

Халқаро валюта жамғармаси ўз таҳлилларига таянган ҳолда мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ҳолатини ижобий баҳоламоқда. Хусусан, мамлакатимиз ялпи ички муҳсулотининг ўсиши жорий йилда 5,5 фоиз, кейинчалик эса 6 фоизга етиши кутилмоқда³⁰.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўлароқ, мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларида чекловсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди. Чет эл валютасининг олди-сотди операциялари ҳажми либерализация даврига нисбатан 1,5 баробар ошиб, ўртача 1,3 миллиард долларни ташкил этди. Шу билан бирга, давлатимизнинг олтин-валюта захиралари йил давомида 1,1 миллиард долларга кўнайди³¹.

-маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали истеъмол товарлар ҳажмини ошириш зарурлиги. Мамлакат аҳолисининг истеъмол товарларга бўлган талабининг асосий қисмини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қондирилиши учун инновацион ривожланишнинг илғор тажрибасини миллий иқтисодиётга жорий этиб бориш лозим. Чунки, аҳолининг истеъмол товарларга бўлган талабининг хорижий ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан қондирилиши мамлакатда рақобатнинг заифлашувига ҳамда миллий валютанинг сотиб олиш қобилиятини пасайишига олиб келади ва охир оқибат миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишида салбий ҳолатлар содир бўлишига сабаб бўлади.

Демак, миллий иқтисодиётга инновацион ривожланишни жорий этиш орқали аҳолининг истеъмол товарларга бўлган эҳтиёжини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қондиришга эришиш лозим. Замонавий шароитда инновацион ривожланишни миллий иқтисодиётга жорий этиш учун мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маълум даражага етганда уни модернизация қилиши лозим.

³⁰ <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyoev-khal-aro-valyuta-zham-arnasining-bosh-aruv-25-04-2019>

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Хавф сўзи. 2017 йил 23 декабрь.

Модернизация бу – иктисодиётни реал секторини техник-технологик янгилаш, уний жохон стандартларига мослаш, юкори технологияларга асосланган махсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шунингдек турли иктимой-иктисодий муносабатларни такомиллаштиришдир. Бундан ташқари миллий иктисодиётни модернизациялаш макроиктисодий жараён сифатида, аниқлаш жамиятдан инновацион жамиятга ўтиш имкониятини беради. Шундай экан, мамлакатимиз иктисодиётини рақобатбардошлигини таъминлашнинг устувор йўналиши бўлиб, хом ашё ва табиий бойликларни эксплуатация қилишга асосланган иктисодиётдан инновацион ривожланишга асосланган иктисодиётга ўтиш зарур. Бунинг учун албатта инновацион иктисодиётни барпо этишда давлатнинг ва хусусий бўғиннинг катта миқдордаги молиявий маблағларни сафарбар этиш зарур бўлади.

Масалан, бу борада айрим давлатларда инновацияларни ривожлантиришга ажратилаётган умумий маблағлар ЯИМга нисбатан салмоқини улушни ташкил этади. 2017 йилда эса илмий тадқиқот тажриба - конструкторлик ишларига йўналтирилган маблағлар ЯИМ га нисбатан 4.6% ажратилган, Исроил етакчилик қилган. Шунингдек, Жанубий Кореяда 4.6%, Швейцария 3.3 %, АКШ 2,8% ва Хитой 2.1 % маблағ ажратган.³² Умуман олганда, икки йirik давлат АКШ ва Хитой 2018 йилда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига энг кўп маблағ ажратган мамлакатлардан ҳисобланиб, АКШ 476,5 млрд, Хитой эса 370,6 млрд доллар ташкил қилди³³.

Мамлакатимизда давлат томонидан ИТТКИни қўллаб- қувватлашга сарфланаётган маблағлар салмоғи ЯИМга нисбатан 0,2% дан ошмайди.

Бунинг асосий сабаби, бизнинг назаримизда, иктисодиётни инновацион ривожлантиришга етарли даражада эътибор берилмаганлигидир. Бундан ташқари мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг куйидаги муаммолари бунга имконият бермайди.

1. Республикамызда инновацион иктисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш учун иктимой-иктисодий муҳит етарли даражада шаклланмаган, бунинг асосий омили трансакция харажатлари ҳисобланади. Иктисодиётни инновацион ривожлантириш йўлига фақат мамлакат саноат соҳасидагина сифат жиҳатдан ўзгартириш, инновациялар бозорини ривожлантириш асосида ўтиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, кичик корхоналарни ташкил этиш (шу аснода кўшма корхоналар ҳам) ва шакллантириш ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг инновацион фаоллиги самарали иктисодий ўсишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес субъектлари ЯИМнинг асосий қисмини ишлаб чиқаради. ИТТКИ учун сарфланадиган барча харажатлар умумий ҳажмининг 2 %дан 5 %гача қисмини истеъмол қилган ҳолда барча йirik технологик янгиликларнинг деярли ярми айнан улар томонидан ишлаб чиқарилади. Бу кўрсаткич, бизнинг республикамызда, яъни

³² <https://knoema.ru/atlas/topics/Исследования-и-разработки/Затраты-на-НИОКР>

³³ www.sif.ru.com/theme/10512

фан сизими юкори бўлган юкори технологик тармоқларнинг ЯИМ улуши тахминан 1 %ни ташкил этади. Реал секторда ҳалигача жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий фондлардан фойдаланиш юкори даражада қолмоқда, юкори самарадорликка эга янги қувватларни яратиш ишлари суи кечмоқда.

Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш натижасида сифати, нархи, қўламлири ва бозорга чиқиш муддатлари (имкониятлари)га қўра мавжуд тўлов қобилиятига эга ИСО 9001 жаҳон стандартларига мос келувчи рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари юзага келади.

2. Мамлакатимизда инновацияларни ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири рақобат муҳитини етарли даражада ривожланмаганлигидир. Чунки, рақобат муҳити хўжалик юритувчи субъектларнинг доимий янгиликка иштирилишига, бозордаги улушини саклаб қолниш ёки уни янада қўпайтиришига ундайдиган омил ҳисобланади. Рақобат шароитида қорхоналар ишлаб чиқариш фаолиятта юкори технологияларни жорий этиб, инновацион ишланмаларни истеъмолчисига айланади. АҚШлик иқтисодчи олим М.Ю.Портер ҳам ўз тадқиқотлари бўйича хулоса қилиб, “Инновациялар қорхоналарга рақобатда ютиб чиқиш ва янги худудларни эгаллаш имконини беради” – дея таъкидлаган¹⁴. Шу ўринда, дунёга машхур Apple компаниясининг асосчиси Стив Джобсининг “Инновация лидерни уни қувиб етувчилардан ажратиб туради” деган фикрини келтириб ўтмоқчиман. Ўзбекистонни келажакда бой қиладиган тадбиркорлик соҳасини мисол тарзида ошадиган бўлсак, ўз бизнесида янги, ноанъанавий ёхуд бозорда аллақандай янги товарни таклиф қилган тадбиркор харидорлар эътиборини қозониш сингари ноёб имкониятга эга бўлади. Бундай тадбиркорлар “инноваторлар” дейилади. Бозорнинг қолган иштирокчилари вазиятни обдон ўрганиб, миқозларга муқобил товарни таклиф эта бошлагач, ушбу товар янгилик сафидан чиқарилади ва қўшимча даромад келтирмай қўяди. Демак, инновация ўз даврини якунлайди ва анъанавий товарга айланади. Бу эса ўз навбатида қўшимча даромад манбаи учун навбатдаги инновация яратиш заруратини тугдиради.

3. Инновацион ишланмалар ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёр технологиялар таклифини пастлиги. Ҳозирда мамлакатимизда инновацион ишланмаларга бўлган ички бозор талаби асосан бундай технологияларни импорт қисобига амалга оширилмоқда.

Бизнинг назаримизда, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш лозим. Чунки, молиявий-иқтисодий инқироз шароитида давлатлар ўртасида янги бозорларни эгаллашга бўлган талаб ортиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётни бошқаришга аралашуви даражасини аниқлаш қийин масалалардан бири ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлашда давлат иштироки бўлиши алоҳида аҳамиятга эга. Лекин, бизнинг

¹⁴ М.Ю.Портер. Конкурентная стратегия. Методика анализа отраслей и конкурентов. Конкурентная стратегия: М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.

фикримизча, иқтисодийдаги баъзи соҳалар борки, давлатнинг кучли даражада аршишуви ижобий натижаларга олиб келмайди. Чунки, бундай ҳолатда инновацион механизмлар устуңлик қилади, инновация ва янги технологиялар эса, инкинчи даражали бўлади.

Иқтисодий етакчи мамлакатларда инновацияларни ривожлантириш асосий йўналишга назар ташласак, инновация ва инвестицияларни ягона йўналиш сифатида бошқарганлигини кўришимиз мумкин. Бундай ёндашувнинг инновацион фаолиятни ривожлантириш учун зарур бўлган молиявий муҳит яратди. Хорижда инновацион инвестицияларни асосан венчур фондлари асосида олиб борилади. Чунки, венчур фондлар юкори рискли технологияларни, илмий-техникавий лойиҳаларни молиялаштиради. Ўз навбатида, давлат томонидан венчур фондларининг фаолияти солиқ имтиёзлари бериш йўли билан рағбатлантирилади.

Жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви шароитида Ўзбекистоннинг инновацион фаолияти давлат томонидан самарали ва изчил амалга ошириладиган макроний ва фаол инвестиция сиёсати, ривожланган хориж тажрибаси ҳамда инвестицион муҳитни янада жозибадорлигини ошириш механизмларига боғлиқ бўлиб, кенг кўламда тадқиқот ишларини олиб бориш ва ўрнатилиши зарур бўлган долзарб илмий ҳамда амалий соҳалардан бири ҳисобланади.

Назримизда, саноат, тадбиркорлик ҳамда инновацион ишланмаларни таъминлаш эгадиган тадқиқотчи олимлар мазкур муаммонинг ечимига миллий ҳусусиятларни эътиборга олган ҳолда ривожланган хориж тажрибасининг ижобий жиҳатларини қўллаш йўллари ва улар билан ўзаро ҳамкорлик тизимини шакллантириш лозим. Чунки жаҳон иқтисодийнинг глобаллашуви ва рақобат муҳитини кучайиб бориши, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг яшовчанлик даражасини кескин қисқаришига, бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар эҳтиёжларини тез ўзгаришига олиб келди.

Натижада, ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектдан рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини ишлаб чиқариш ҳаётий заруриятга айлантирмоқда. Бу эса, мамлакатнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги субъектларнинг инновацион фаолияти:

Биринчидан	• амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқариш фондлари ва воситаларини жорий этиш;
Иккинчидан	• маҳсулот ишлаб чиқариш таннархиясига барча йўналишлар бўйича қисқартириш;
Учинчидан	• экологик меъёрларга ва халқаро даражадаги талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
Тўртинчидан	• истеъмол товарлар турлари ва сифатлиги доимий равишда ошириб бориш лозим бўлади.

1.4-расм. Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари³⁵.

1.4-расмда, мулкчилик шаклидан қатъий назар, мамлакатимиздаги хўжалик субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари келтирилган. Албатта, ушбу йўналишлар хўжалик юритувчиларнинг инновацион фаолиятига бевосита боғлиқ бўлиб, бу жараёнда давлатнинг иштироки эътиборга олинмаган. Ушбу жараёнда ривожланишида давлатнинг иккита асосий вазифаси мавжуд бўлиб, биринчиси 1.4-расмда келтирилган, иккинчиси молиявий маблағлар билан қўллаб туриш ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш борасидаги саъйи-ҳаракатларнинг янада кучайтирилиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва қўламини ошириш билан тавсифланади. Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигига бевосита фан ютуқларига асосланган ишланмалар, ихтиро ҳамда лойиҳалар, ним-фан ситими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш билан белгиланади.

Мамлакатимиз корхоналарида инновацион жараёнларни янада ривожлантиришга таллуқли муаммоларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инновацион фаолиятни самарадорлиги биринчи навбатда, мамлакатда инновацион муҳитни яхшилашга қаратилган ягона ҳуқуқий нормалар тизимини шакллантирадиган институционал асосларни ишлаб чиқишга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз инновацион фаолиятини ривожлантиришда “Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти” (ИХРТ) томонидан ишлаб чиқилган инновацияларни бошқариш бўйича халқаро стандартлар ва услубий тавсияларни чуқур ўрганиш зарур.

Хусусан, уларнинг асосийлари сифатида 1995 йилда ИХРТ томонидан қабул қилинган “Илмий ва илмий-техникавий соҳада банд меҳнат ресурсларини аниқлаш” (Manual On The Measurement Of Human Resources Devoted To S&T - Canberra Manual), 1997 йилда қабул қилинган “Миллий инновация тизими”

³⁵ Тадқиқотлар натижасига асосланиб муаллиф томонидан тузилди.

(National Innovation System), 2002 йилдagi “Илмий тадқиқот ва ишланмалар бўйича ҳисобот стандартлари” (Proposed Standard Practice for Surveys of Research and Experimental Development), “Миллий инновация тизимини унгартириш” (Dynamising National Innovation Systems), “Фраскати қўлланмаси” (The Frascati Manual) каби халқаро стандартлар ва услубий тавсияларни тўғридолашимиз мумкин.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодийни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодийнинг инновацион салоҳияти биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, тошар ва ихтироларни молиялаш тизимини ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Бу инновацион жараёнларнинг институционал асосларини тинқил этади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий ресурслар чекланган шароитда аҳолининг талабларини чексиз ортиб бориши барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишнинг зарурлиги ва аҳамияти ортиб бориберилади, бундан ўз вақтида ва самарали фойдаланган ҳар қандай мамлакатда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан турмуш даражаси яхшиланиб бораберилади.

§1.3 Инновацион иқтисодий белгилари ва уни баҳолаш индикаторлари

Миллий иқтисодийни барқарор ўсишини таъминлашда инновацион иқтисодийнинг иштироки ва жорий қилинганлиги макро, мезо ва микроиқтисодий даражадаги белгилари орқали аниқлаш мумкин.

Мамлакатда инновацион иқтисодийнинг жорий этилганлиги микроиқтисодий даражада белгилар қуйидагиларда намоён бўлади:

- қонунчилик базаси ва меъёрий ҳужжатларнинг инновацион иқтисодийни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш нуқтайидан янгидан қабул қилинганлигида;

- мамлакатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бизнесни юритишни молиялаштиришнинг янги институтларини ташкил этилганлигида. Маълумки, ҳуқуқий юритишнинг ҳар қандай шаклида³⁶ жорий этилаётган янги технология, гоҳ ёки инновацион иқтисодий молиявий маблағ орқали молиялаштиришни талаб этади. Инновацион иқтисодийни жорий этган мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак бу соҳани молиялаштиришда давлатнинг бюджет маблағлари ва хусусий маблағлар ҳисобидан амалга оширилган. Унинг миқдори мамлакат ЯИМга нисбатан баҳоланади;

³⁶ Ҳуқуқий юритишнинг классик (иқтисодий ўзини-ўзи бошқариш, давлатнинг иштироки иборат) классик (марказдан режалаштириш тизими), тартибга солувчи (иқтисодийни бошқаришда давлатнинг иштироки) шакллари ҳусусида ган кетмоқда.

-ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг барча бўғинларида босқичма-босқич асосий ва ёрдамчи фондларни замонавий технологиялар билан алмаштириш сиёсатининг жорий этилганлиги. Хусусан, бу борада гап кетганда, асосан мамлакат ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган асосий воситаларнинг ёшига эътибор қаратилади. Масалан, Японияда асосий ишлаб чиқариш воситалар ҳар 6-7 йилда, АҚШда 8-9 йилда, Германияда 9-10 йилда тўлиқ янгиланади, яъни уларда асосий воситаларнинг ўртача фойдаланиш даври мос равишда, 6,5, 8,5 ва 9,5 йили ташкил этади³⁷. Инновацион иқтисодиёт жадал қўлланилган шароитда ушбу кўрсаткич янаям қисқаради.

Таъкидлаганимиздек, мамлакатда инновацион иқтисодиётни жорий этилганлигининг кейинги белгиларидан бири мезоиктисодий даражада намоён бўлади. Тадқиқотлар натижасида, инновацион иқтисодиёт қўлланилганда мезоиктисодий даражада куйидаги жараёнлар содир бўлади.

1. Худудларнинг инновацион фаоллиги ортади. Бу мамлакат худудларини қиска, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган инвестицион ва иқтисодий ривожлантириш дастурлари орқали амалга оширилиб, ушбу дастурлар қабул қилингандан сўнг, уларни амалиётда жорий этилиши ва ўзининг ижтимоий-иқтисодий самараси худудларнинг инновацион фаоллиги ортиб бориши ёки пасайишида кузатилади.

2. Худудлардаги асосий ва етакчи саноат тармоқларида ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ва диверсификациялашуви юз беради. Бу борада мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг асосида айнан иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ётганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида: барқарор ва замонавий иқтисодиётни шакллантирмасдан туриб, халқ фаровонлиги ва юксак ҳаёт даражасини таъминлашга эришиб бўлмайди. “Стратегия, бу – янгиланиш жараёнларининг ҳақиқий ҳаракатлари дастуридир”. Иқтисодиёт таркибида саноатнинг ривожланиш динамикасидаги муҳим ўзгариш корхоналар ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиши, техник ва технологик янгиланиш асосида чуқур таркибий ўзгаришлар ва диверсификациянинг амалга оширилгани ҳисобланади. Саноат сиёсатидаги асосий устувор аҳамият институционал ислохотларнинг сифатини ошириш ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш, саноат ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ўрта ва узоқ муддатда саноатни ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилганлигини таъкидлади³⁸.

3. Мамлакат худудларида инвестицияларни жалб этиш ва асосий фондларни модернизация қилиш муҳити пайдо бўлади. Монографиянинг аввалги параграфларида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий

³⁷ Цербин В.К. Инновационная экономика и экономика знаний. //Наука и инновации. 2017. 289 с.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь). (Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь).

йўналишлари сифатида: “мамлакатда бизнес муҳитни яратиш, бозор механизмлари, қоида ва тартибини жорий этиш ва уларнинг тўлиқ амал қилишини таъминлаш” эканлигини таъкидлаган эдик.

Мазкур фикримизни ушбу параграфда ривожлантириш орқали таъкидламоқчимизки, мамлакат иқтисодиётида инновацион иқтисодиётни жорий этилганлиги даражасини мезоиктисодий даражадаги кўрсаткичлари сифатида ҳудудларда газ, сув ва электр-энергия таъминоти ҳамда йўлларнинг сифатини келтириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Ўзбекистонда айнан шу инфратузилманинг етарли ва узлуксизлигини таъминланиши инновацион иқтисодиётни самарли жорий этиш имкониятини беради, шу билан бирга ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш ва асосий ишлаб чиқариш объектларини модернизация қилиш муҳити пайдо бўлади.

Биз монографиянинг ушбу параграфиди инновацион иқтисодиётни жорий этиш даражасини белгиловчи макро ва мезодаражадаги белгиларни атрофлича кўриб чиқдик, таъкидлаганимиздек унинг микродаражаги белгилари ҳам мавжуд, уларнинг асосийлари бўлиб: корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш бўғинларида асосий ва ёрдамчи фондларнинг янгиланиши, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва рентабеллигининг ошиши, ишлаб чиқариш жараёнларини таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш, етарли даражада молиявий маблағларга эга бўлиш каби кўрсаткичларда намоён бўлади.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётда инновацион иқтисодиётни белгиловчи кўрсаткичлар жуда кўпқирралидир. Уларни барчасини монографиянинг мазкур параграфиди келтиришнинг биринчидан имконияти йўқ, иккинчидан аҳамиятга эга ҳам эмас.

Мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш ҳудуди шакли ва сифати яхшиланади.

Ишлаб чиқаришда юқори технология ва технологиялар қўлланилади.

Инсон ақлидан фойдаланишнинг институционал ўзгариш юз беради ва ундан унумдон фойдаланилади.

Иқтисодий устуру а инсоннинг ақлий меҳнатга асосланган омиллар асосида эришилади.

Иқтисодий муносабатлар тизими глобаллашани ва меҳнат тақсироти чуқурланади.

Техник ва тенологик жиҳатдан янгилашни жараёнлари тезланади.

1.5-расм. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида инновацион иқтисодиётни қўлланилишини ақс эттирувчи белгилар³⁹.

³⁹ Тадқиқотлар натижасига асосланиб муаллиф томонидан тузилди.

Биз уларнинг асосийларини ягона бир тизимга келтирган ҳолда макро, мезо ва микродаражада ёритиб беришга ҳаракат қилдик, энди уларнинг ёрдамида миллий иқтисодётда инновацион иқтисодиёт жорий этилганда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизими қандай кўриниш куйидаги расмда келтирилган.

Юқорида мамлакат иқтисодиётига инновацион иқтисодиётни қўллаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тизимида акс этувчи белгиларини атрофлича ўргандик. Албатта, қайсидир даражада мамлакат иқтисодиётида инновацион иқтисодиётнинг қўланилиши ва унинг аҳамиятини аниқлашда муҳим ўрин тутди. Бирок, мамлакат иқтисодиётида инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш ҳолатига баҳо бериш имкониятини бермайди.

Бундай баҳо, фикримизча, инновацион иқтисодиётни баҳолаш индикаторлари орқали амалга оширилади. Маълумки, бозор иқтисодиёти шаоритида иқтисодий индекаторлар мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳолатини аниқлашда муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Инновацион иқтисодиётни баҳолаш индикаторларини тадқиқ этиш куйидаги асосий жиҳатларни эътироф этишга асос бўлди. Зеро, ҳар мамлакатда ва иқтисодиётда ушбу масалаларни ижобий ҳал этилиши иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини кейинги босқичга ўтиш жараёنларини тезлаштиради.

Монографиянинг мазкур параграфи доирасида инновацион иқтисодиётнинг ҳолатига баҳо берадиган индекаторлар устида амалга оширилган тақиқотлар натижасидаги унинг куйидаги расмда келтирилган кўринишда тизимлашга мушарраф бўлдик.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш индикаторларининг аҳамияти

Инновацион иқтисодиёт самарадорлигини баҳолаш индикаторларининг турлича эканлигини ҳисобга олиш ва статистик ҳисоботларини юритиш

Инновацион ривожланиш даражасини баҳоловчи индикаторларни жорий этиш муаммолари

1.6-расм. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий тизимида инновацион иқтисодиётни қўлланилишини акс эттирувчи белгилар⁴⁰.

1. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш индикаторларининг аҳамияти. Инновация назариясининг ривожланиш тарихи ўрганиб, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан инновациялар иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминловчи энг асосий восита бўлганлигига ҳулоса қилишимиз мумкин. Ўз навбатида инновацияларга асосланган иқтисодиётни салоҳиятига баҳо беришда инновация индикаторларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодий адабиётларда инновацион ривожланиш самарадорлигини баҳолашдаги индикаторлар тизими

⁴⁰ Тадқиқотлар натижасига асосланиб муаллиф томонидан тузилди.

инновацияларнинг хусусиятларига ва турли бошқа омилларга боғлиқ равишда ҳисобланади. Бинобарин, бугунги кунда халқаро амалиётда иктисодий инновацион ривожланиш даражасини баҳолашнинг Innovation Index WB, Innovation Capacity Index, Global Innovation Index INSEAD, Innovation Index WFP каби кўрсаткичлари мавжуд. Ушбу кўрсаткичларнинг аҳамияти ва ҳисоблаш усулларининг ўзига хос хусусиятлари турлича бўлиб, ҳар бир инновацион ривожланиш индекси маълум бир тахлилий ва бошқарув натижаларини бажаришга мўлжалланган⁴¹.

Таъкидлаш жоизки, инновация индексларини ҳисоблаш асосан Жаҳон банки⁴², Халқаро иктисодий форум (The World Economic Forum WEF), БМТнинг ривожлантириш дастури (the UN Development Program UNDP), БМТнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти (the UN Industrial Development Organisation UNIDO), ЕИнинг Европа инновациялари комиссияси (EU Commission European innovation) каби халқаро ташкилотлари буюртмасига асосан RAND Corporation ва бошқа йирик халқаро аналитик компаниялар томонидан амалга оширилади⁴³. Шуниндек, ушбу таҳлиллар давлат ҳукуматларининг миллий иктисодийнинг инновация салоҳиятига баҳо бериши, йирик инвесторлар ёки халқаро молия ташкилотлари томонидан маблағ ажратишда давлатнинг инновация сиёсати олдидаги вазифаларини белгилаб олиш мақсадида ўтказилади.

Дунёнинг етакчи давлатларининг илғор тажрибаларига назар тинчлайдиган бўлсак, бугунги кунда мамлакатларнинг инновацион салоҳиятини ўрнинда микродий ва сифатли аниқловчи ҳамда турли омилларга боғлиқ равишда ўзгариб турувчи 100 га яқин индикаторлар (индекс) амал қилади⁴⁴. Ушбу индексларни ҳисоблашда таълим, илм-фан, технологиялар, инсон қанғали, инновацион ва ижтимоий-сиёсий муҳит, расмий миллий статистика маълумотлари, аҳоли ва тегишли мутахассислардан олинган сўров натижалари бириктирилган ҳолда яхлит тизимга келтирилади. Масалан, 2018 йилнинг глобал инновация индексини (GII-2018) ҳисоблашда 79 та кўрсаткич бўйича дунёнинг 140дан ортиқ мамлакатининг инновацион-иктисодий салоҳияти баҳоланган. Шунингдек, ушбу индексни ҳисоблашда дунёнинг 400 дан ортиқ йирик компаниялари мутахассисларидан сўров ўтказилганлигини эътироф этиш ҳолда, инновацияларнинг глобал ривожланиш тенденциясига ҳам баҳо беришимиз мумкин⁴⁵.

Бизга маълумки, кейинги йилларда экологик муаммолар юзага келгани сабабли олинлар инновацион экотизимни барпо этиш бўйича ишларни амалга

⁴¹ Данилов, А.А. Инновационный потенциал России: настоящее и будущее (Электрон маба) – Кириш сирини http://www.isras.ru/blog/modern_3.html.

⁴² World Bank. <http://data.worldbank.org/indicator>

⁴³ RAND Corporation. http://www.rand.org/pubs/monograph_reports/MR1357.0/

⁴⁴ Данилов А.А. Конкурентные преимущества системной социологии (Электрон маба) М.: ИО РАН, 2008. (<http://www.isras.ru/publ.html?id=855>, <http://www.ecsocman.edu.ru/db/msg/324618.html>) ; Archibugi D., Cicco A. Measuring technological capabilities at the country level: A survey and a menu for choice// Research Policy, 2005, №2, P. 175-194. <http://www.danielarchibugi.org/downloads/papers/Archi-Coco.Menu for Choice.pdf> . The Global Competitiveness Report 2009-2010. World Economic Forum, 2009. (<http://www.weforum.org/documents/GCR09/index.html>)

⁴⁵ Report of The Global Innovation Index 2018. www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2018.pdf

оширмоқда. Ўз навбатида, ривожланган мамлакатларда ишон капиталига ва инновация инфраструктурасига йўналтирилган инвестициялар инновацион экотизимни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишмоқда. Бундан ташқари, 2018 йилда глобал инновация индекси юқори бўлган Швецария (1), Нидерландия (2), Швеция (3), Буюк Британия (4), Сингапур (5) каби давлатларда ишонларнинг ақлий меҳнатлари, илм-фан ютуқлари натижасида ахборот коммуникация технологиялари ва бизнес барқарор ўсди. 2018 йилда ушбу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон қатор давлатлар ичида рўйхатда йўқ эканлигини ҳисобга олсак, бу йўналишда ҳали бажаришимиз керак бўлган вазифалар кўп эканлигини қайд этиш лозим¹⁶.

Биз тадқиқот ишининг олдинги параграфида миллий инновация тизимини шакллантириш лозимлигини назарда тутиб, бунда давлат иштироки зарурлиги хусусидаги тавсияларни илгари сурдик. Ушбу тавсияларнинг миллий инновация амалиётида жорий этилиши мамлакатимиз ЯИМи таркибида илм-фан ютуқларига асосланган юқори технологиялари товар, иш, хизматлар ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатади деган фикрдамиз:

2. Инновацион иктисодиёт самарадорлигини баҳолаш индикаторларининг турлича эканлигини ҳисобга олиш ва статистик ҳисоботларини юритиш. Илмий манбаларда иктисодиётни инновацион ривожланиш салоҳиятини баҳолашга турлича ёндашувлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Бундай ёндашувлар инновацион жараёнларнинг асосий мақсадини кўрсатиш билан бирга, унинг натижавийлигига баҳо беради. Шунингдек, мамлакатнинг инновацион салоҳиятини аниқлашда тадқиқотлар ўтказиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш (янги билим, гоя, технология, товар, иш, хизмат, бошқариш методлари, жараёнлар, ижтимоий-маданий намуналар ва х.к.) имкониятларини кенглиги тушунилади¹⁷. Масалан, А.А.Макаров илмий-техникавий фаолиятни натижасини акс эттирувчи қуйидаги кўрсаткичларни қайд этади¹⁸.

- патент статистикаси;
- технологик тўлов баланси;
- юқори ишлаб чиқариш технологияларининг бозори.

Шунингдек, В.Ф.Шаров эса инновация тизимини баҳолаш учун инновация индикаторларига қуйидагиларни қўшган¹⁹.

- мамлакатдаги олий маълумотли аҳолининг улуши;
- илмий тадқиқотларда хусусий капиталнинг улуши;
- янги саноат намуналари;

¹⁶ Шу манбаининг 20. 33 бетлари.

¹⁷ Lundvall B. National Systems of Innovation: Toward a Theory of Innovation and Interactive Learning. N.Y.: Anthem Press, 2010.; Bruijn H., Voort H., Dicke W., Jong M., Veeneman W. Creating System Innovation: How Large Scale Transitions Emerge. N.Y.: Taylor & Francis, 2004.; Fischer M., Fröhlich J. Knowledge, Complexity and Innovation Systems. Berlin.: Springer, 2001.; Geels F. Technological Transitions and System Innovations: A Co-evolutionary and Socio-technical Analysis. N.Y.: Edward Elgar Publishing, 2005.; Nauwelaers C., Wijnjes R. Innovation Policy in Europe: Measurement and Strategy. N.Y.: Edward Elgar Publishing, 2008.

¹⁸ Бессонов В. А. О развитии сектора ИКТ в российской экономике / В. А. Бессонов, Н.Ю. Бродский // Вопросы статистики. 2011. № 12. С. 26-31.

¹⁹ Шу манба

патентлар сони ва ҳ.к.

Россия Федерациясининг илмий-техникавий ва инновацияларни ривожлантириш бўйича қабул қилган “2020 йилга қадар инновацион стратегиясида” инновация индикаторларини қуйидаги уч гуруҳга бўлиб қўйган⁵⁰. Яъни:

- илмий-техника мажмуасининг ривожланиш индикатори (технологияларнинг сони ва ўртача ёши, мамлакатнинг халқаро кашфиётлар ва амалий инновациялар базасидаги улуши (сони), илмий-техникавий маркаларнинг сони ва ҳ.к.);

- инновацион фаоллик индикатор (ишлаб чиқаришга жорий этилган технологияларнинг сони, 10 минг аҳоли сонига нисбатан патентлар сони, қилинган қилинган инновацион товарларнинг улуши, технологик инновациялар билан шугullanувчи корхоналар сони ва ҳ.к.);

- бизнесни юқори технологияларга асосланган ривожлантириш индикатори (ЯИМда иқтисодиётнинг инновацион сектори улуши, халқаро савдо билан масида юқори технологияли товар, иш, хизматларнинг улуши ва ҳ.к.)

- Ушбу индикаторлар тизими давлат томонидан тасдиқланган статистик ҳисоботларда юритилади ва мамлакатнинг таълим, илм-фан, илмий-техникавий инновациялар, уларнинг экспорти каби маълумотлардан иборат 45 та ўзгаришчи ўз ичига олади⁵¹.

Мамлакатимизда фан ва технологияларни ривожлантириш борасида қарқинчан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-436 сонли Қарорига асосан Вазирлар Маҳкамаси қурулида фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916 сонли Қарорнинг қабул қилиниши эса, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлади.

Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида илм-фан ютуқларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш таборо ортимоқда. Лекин, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда инновацияларнинг самарадорлигини баҳолаш индикаторлари ишлаб чиқилмаган.

Шу билан бирга давлат томонидан илмий-амалий ва техникавий лойиҳаларни молиялаштиришга ажратилаётган маблағлар салмоғи ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга. Шу нуқтаи назардан, миллий инновация сиёсатининг

⁵⁰ Фролов А. С. Проблемы планирования научно-технологического развития на государственном уровне // Наука и технологии. 2013. № 5. С. 79-91.

⁵¹ Целевые индикаторы реализации Стратегии инновационного развития Российской Федерации на период до 2020 года (утверждена Распоряжением Правительства Российской Федерации от 8 декабря 2011г. № 2227-р)

самарадорлигини аниқловчи бирламчи таянч индикаторлар тизимини жорий этиш ва статистик ҳисоботларни юритиш мақсадга мувофиқ. Хозирда мамлакатимизда инновация фаолияти тўғрисида қисман маълумот берувчи “Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарилиши ҳамда олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисида” ва “Инновация фаолияти тўғрисида” статистик ҳисобот шакллари юритилади⁵².

Иқтисодий манбаларда давлатнинг инновация фаолиятини баҳолаш индикаторлари қуйидаги кўрсаткичлардан кам бўлмаслиги тавсия этилади⁵³.

- ИТТКИларни жорий этиш интенсивлиги индикатори;
- инсон капитали индикатори;
- ишлаб чиқариш технологиясини ривожланиш индикатори;
- тўлов баланс индикатори;
- йиллик илмий тадқиқотлар;
- илмий тадқиқотларнинг ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- патентлар сони;
- янги билимлар оқими ва моделлари;
- сўровлар ва интервьюлар;
- мураккаб ва доимий лойиҳаларни баҳолаш

Бизнинг назаримизда, корхоналарнинг инновацион фаолияти самарадорлиги ёки давлатнинг инновация салоҳиятига баҳо беришда қўлланиладиган индикаторлар тизимини фақатгина статистик маълумотлардан ташкил этилиши инновация жараёнларининг сифати тўғрисида старли даражада маълумот бермайди. Шунинг учун инновация тизими элементлари самарадорлигини баҳолашда миқдорий статистик кўрсаткичлар билан бирга, сифатли баҳоловчи кўрсаткичлар асосида комплекс индикаторлар тизимини жорий этиш лозим. Албатта, бундай жараёнлар ташкил этиш ва сифатли бажарилишида давлатнинг иштироки зарур.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижасига таяниб таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда инновация салоҳиятини янада ошириш ва унинг самарадорлигини баҳолашда қуйидаги индикаторларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ.

1. Инновация фаолиятини ташкил этиш, юритиш ва ривожлантириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар билан таъминланганлик даражаси: ушбу иқтисодий фаолият қонунлар билан тартибга солиниши, соҳани ривожланишини давлат ва хусусий сектор ўртасида инновацион алоқаларни мустаҳкамлайди. Ушбу индикатор самарадорлиги қуйидаги мезонлар асосида баҳоланиши тавсия этилади.

⁵² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 2 ноябрдаги “2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шакллари тасдиқлаш тўғрисида”ги 4-мб-сонли қарори

⁵³ Carl Schramm et al. The advisory committee on measuring innovation in the 21 century. Innovation measurement: Tracking the state of innovation in the American economy. A report to the secretary of commerce. January 2008 [Electronic resource]. - Access mode: http://www.esa.doc.gov/sites/default/files/reports/documents/innovation_measurement_01-08.pdf

- мамлакатда инновацион ривожланишни қўллашда давлатнинг солиқ сиёсатининг қўлланилиши ва самарадорлиги даражаси орқали (солиқ имтиёзлари ва молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари, корхонларнинг тадқиқотлар олиб бориш учун лаборатория ташкил этиш мажбуриятлари ва бошқалар);

- бизнес ва илм-фан ўртасидаги алоқаларни мустахкамлаш бўйича ҳуқуқий асослар даражаси (меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сопи ва сифати таҳлили. Масалан, институт, университетлар тадқиқот билан шугулланиш мажбуриятлари ёки инновация корхоналари ташкил этиш, иштирок этиш ҳуқуқларини қонун билан мустахкамланлиги, муаллифлик ҳуқуқи бўйича ҳақдорларни буюртмачиларга бериш механизмларининг мавжудлиги ва бошқалар);

2. Инновацияларни яратишда хусусий секторнинг иштироки даражаси: ривожланган мамлакатларда хусусий сектор асосий истеъмолчи сифатида инновация фаолиятини ҳаракатга келтирувчи муҳим куч ҳисобланади. Ўз навбатида, иш жойларини яратиш ва бюджет тушумларида ҳам ушбу йўналишнинг улуши юқори ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични баҳолаш давлат ва хусусий сектор томонидан илмий-тадқиқот ишларига сарфланаётган ҳаражатлар миқдорига нисбатан амалга оширилади.

3. Инновацияларни яратишда илмий-тадқиқот секторнинг иштироки даражаси: илмий-тадқиқотларни амалга оширувчилар сектори миллий инновация тизимининг ажралмас қисми бўлиб, амалий ва фундаментал тадқиқотларнинг ривожланиши, мамлакат ёки корхоналар миқёсида илмий ишланмаларнинг самараси бевосита ушбу секторга боғлиқ. Бу индикаторни баҳолашда илмий тадқиқотларда банд бўлган мутахассислар, уларнинг натижавийлиги каби мезонлар қўлланилади.

Шундай қилиб келтирилган индикаторлар тизими давлат, корхона, ташкилотни инновация фаолияти самарадорлигига комплекс баҳо беришга хизмат қилади.

3. **Инновацион ривожланиш даражасини баҳоловчи индикаторларни жорий этиш муаммолари.** Маълумки, макроиктисодий даражадаги иктисодий индикаторларни ҳисоблашнинг турли йўллари ва методологияси мавжуд. Масалан, мамлакат ЯИМ ёки инфляция даражасини ҳисоблашнинг турлича методологияси ва ёндошувлари мавжудки, уларни амалиётда қўллаганда турлича натижаларни олиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, мазкур индикаторларни ҳисоблашнинг ягона методологияси халқаро ташкилотлар томонидан андоза сифатида ишлаб чиқилган, бироқ улар қўнчилик ҳолатда тавсиявий характерга эг бўлганлиги туфайли мамлакатдаги у ёки бу иктисодий индикаторларни аниқлашда жорий этиш бўйича мажбурият юкламайди. Бу албатта, халқаро андозаларни ҳисоблашнинг ягона методологиясини қўлламаган мамлакатларнинг инвестицияларни жалб қилиш ва асосий фондларни модернизация қилиш муҳитига салбий таъсир кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, инновацион иктисодиётни жорий этишнинг катор белгилари мавжуд бўлиб, халқаро амалиётда уларни ҳолатига баҳо

берадиган индикаторлар қўлланилади. Мазкур иқтисодий категорияларнинг миллий иқтисодиётда қўллани ва улар орқали баҳолаш учун мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий вазият мавжуд бўлиши жуда муҳим ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, инновацион ривожланишнинг назарий асослари ва иқтисодий аҳамиятини атрофлича тадқиқ этиш натижаларига таяниб қуйидаги хулосаларни шакллантирилди:

- ер юзида инсоният пайдо бўлгандан буён кишилар ўртасидаги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, молиявий ва бошқа муносабатлар ёки бир сўз билан айтганда ҳўжалик юритиш тизими тўхтовсиз ривожланиш жараёниларини бошидан кечириб келмоқда;

- ХХI асрда техника ва технологиянинг бу даражада ривожланишининг асосида инсониятни иқтисодий манфаатдорликка қорловчи ва унга эриштирувчи асосий омиллардан бири “инновацион ривожланиш” ётибди;

- инновация инглизча “innovation” сўзидан олинган бўлиб, мавжуд жараёнга янгича қараш, ёндашув бўлиб, замонавий кашфиёт ва ишланмани ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган янги ишлаб чиқаришни маълум бўлган қандайдир жараёнга қўллашдир, инновация 1920 йилларнинг охири 1930 йилларнинг бошларида иқтисодий фан сифатида вужудга келди;

- фикримизча, “Инновация – бу капитални янги техника, технологияга, ишлаб чиқаришга, меҳнатни янгича ташкил этиш, бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига сарфлаш натижасида янгидан олинган моддий ҳамда номоддий неъматлардир”.

- ҳар қандай инновацион фаолият замирида авваломбор кишиларнинг иқтисодий манфаатдорлиги ётибди, сўнгра эса ундан инсонлар ўз ҳаётларини янада қулай ва яхшилаш мақсадида фойдаланади;

- инновация назариясини тадқиқ этиш зарурияти дастлаб иқтисодий ва технологик соҳаларда юзага келган инкирозлар сабаб бўлган, яъни назариячи олимлар инкирозларни бартараф этишни ўрганиш доирасида юқори технологияларга ва интеллектуал мулкка асосланган инновацион ривожланишга асос солидилар;

- инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланиши учта босқичга гуруҳланиб ўрганилди. 1-босқич. 1910–1930 йилларни, 2-босқич 1940 – 1960 йилларни ва 3-босқич 1970 йилдан кейинги даврларни ўз ичига олди;

- Н.Кондратьев ўз илмий қарашларида инновациянинг назарий йўналишига эътибор қаратиб: иқтисодиётни “ўсиш” ва “пасайиш” циклидаги тебранишлар ҳамда мамлакатдаги техник кашфиётлар ва уларнинг амалиётга жорий этиш ўртасида объектив қонуниятлар мавжудлигини назарий асослайди;

- П.А.Сорокин инновациянинг ривожланишини ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар билан бирга, давлатлар ўртасидаги урушлар, илмий янгилликларни очилиши ва кашфиётлар эканлигини таъкидлайди;

- иқтисодчи олимлар ва инновация назарияси тарафдорлари инновацион янгилликлар амалиётда ўзининг самарасини бериш учун биринчи

навбатда мамлакатда сиёсий барқарорлик ва тинчликни ҳукм суриши зарурлигини таъкидлайди;

– С.Кузнец “даврга оид инновациялар” тушунчасини фанга киритди, унинг таълимотига кўра, иқтисодийётининг ривожланишини маълум даврда иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш ва унинг даражасини оширишнинг асосини даврга оид инновацияларни жорий этиш ҳисобланади, даврга оид инновацияларнинг манбайи сифатида илм-фан эканлиги таъкидланади;

– Й.Шумпетер инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишда 1) муомалага янги инновацион маҳсулотларни киритиш, 2) ишлаб чиқаришнинг янги усулларини жорий этиш, 3) янги бозорларни яратиш: янги инновацион лойиҳаларни ҳомашё ва ресурслар билан таъминлаш, 4) саноат ишлаб чиқариш бўғинларини ташкил этиш ва ишга тушириш каби босқичда амалга ошириш лозимлигини таъкидлайди;

– фикримизча, ҳозирги пайтда, айниқса ўтиш иқтисодийётини бошидан кечираётган мамлакатларда инновацион лойиҳаларини жорий этишда давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши (масалан, солиқ имтиёзлари ва молиявий субвенциялар орқали) жуда муҳим ҳисобланади;

– инновацион ривожланишни жорий этиш моделларининг кўп қирралигини эътиборга олиб, уларни ўзаро бир-бирига яқинлиги каби жиҳатларига асосланиб инновацион ривожлантиришнинг учта модели: Евроатлантика, Шарқийосиё ва муқобил моделлари эътироф этилди ҳамда уларни амал қилишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаб берилди;

– барқарор иқтисодий ўсиш ўта муҳим ва асосий вазифалардан бири бўлиб, иқтисодий назариянинг йирик намоёндалари, жамият ривожланиш тарихида унинг экстенсив, интенсив ва инновацион-инвестиция шакллари мавжудлигини эътироф этишди;

– замонавий шароитда барқарор иқтисодий ўсишнинг энг қулай ва самарали шакли инновацион-инвестиция шакли ҳисобланади;

– инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишнинг зарурлигини белгилловчи қуйидаги жиҳатлари мавжуд:

– *ер шари ва мамлакатимизда аҳоли сонини ортиб бораётган шароитда уларнинг турмуш даражасини яхшилаш ва истеъмол талабини қондириш зарурлиги;*

– *иқтисодий ресурслар чекланган шароитда ортиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш зарурлиги;*

– *аҳолини қўшимча иш жойлари билан таъминлаш зарурлиги;*

– *мамлакат иқтисодийётини рақобатбардошлигини ошириш зарурлиги;*

– *давлат бюджетни даромадлари ҳажмининг ошириш зарурлиги;*

– *миллий валютанинг барқарорлигини ошириш зарурлиги.*

– *маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш орқали истеъмол товарлар ҳажмининг ошириш зарурлиги шулар жумласидандир.*

– инновацион ривожланишни самарали қўллаш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришаётган мамлакатларда ушбу соҳага давлат ва хусусий шахслар томонидан жуда катта миқдорда молиявий маблағлар сарфлайди. Ушбу маблағларнинг ҳажми мамлакат ЯИМга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этади, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

– Республикамизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит етарли даражада шаклланмаган. Хусусан, рақобат муҳити етарли даражада ривожланмаган, инновацион ишланмалар ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёр технологиялар таклифи паст;

– Фикримизча, мамлакатимизда инновацион ривожланишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва хусусий шахслар томонидан маблағлар ажратиш билан бирга қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Биринчидан амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқариш фондлари ва воситаларини жорий этиш. Иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини барча йўналишлар бўйича қискартириш. Учинчидан, экологик меъёрларга ва халқаро даражадаги талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш. Тўртинчидан, истеъмол товарлар турлари ва сифатини доимий равишда ошириб бориш лозим бўлади;

– Миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлашда инновацион иқтисодиётнинг иштироки ва жорий қилинганлиги макро, мезо ва микроиқтисодий даражадаги белгилари орқали аниқлаш мумкин;

– Инновацион иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичларидан бири мамлакат ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган асосий воситаларнинг ёши ҳисобланади. Масалан, дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳисобланган японияда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача ёши 6,5 йил, АҚШда 8,5 йил ва Германияда 9,5 йилни ташкил этади;

– инновацион иқтисодиётни қўллаш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тизимига баҳо беришда иқтисодий индекаторлар мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳолатини аниқлашда муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

II БОБ. АМЕРИКА ВА ЕВРОПА ҚИТЪАСИ МАМЛАКАТЛАРИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ, ОМИЛЛАРИ, ҲОЛАТИ ВА АҲАМИЯТИ

§2.1 Америка Қўшма штатларида инновацион ривожланишнинг назарий ва амалий жиҳатлари

Халқаро амалиётда мамлакатлар миллий инновация тизимини шакллантириш бўйича турли моделлар мавжуд. Айниқса, АҚШ Стенфорд университети профессори Генри Ишковиц томонидан таклиф килинган “Уч ёклама спираль” (*Triple Helix*) модели энг самарали моделлардан ҳисобланади. АҚШнинг миллий инновация тизими ушбу модель асосида шакллантирилиб, бугунги кунда инновацион ривожланиш бўйича етакчи давлатлардан ҳисобланади. Ушбу модель моҳиятига кўра, ҳудудни ривожлантириш ва билимга асосланган иктисодиётни барпо этишда университет, тadbиркорлар ва давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларга аҳамият берилади.

Моделнинг самарадорлигини муаллифлар ўтган асрнинг 30 йилларида «буюк инкироз» даврида саноат ишлаб чиқариш пасайиб бораётган АҚШнинг Янги Англия ҳудуди мисолида илмий асослаб берган. Бундай вазиятда ҳукумат вакиллари ҳудудни комплекс ривожлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратди. Ўз навбатида бу жараёнларда Массачусет технология институти (*Massachusetts Institute of Technology, MIT*) халқилувчи роль ўйнади⁵⁴.

1930 йиллардан бошлаб, Массачусет технология институти нафақат фундаментал балки, амалий тадқиқотларни олиб боришда ҳам АҚШда етакчи таълим муассасалардан ҳисобланган. Бундан ташқари институт раҳбарияти тадқиқотларга дунёнинг турли давлатларидан физика, химия, математика ва бошқа йўналишлардаги етакчи олимларни жалб қилиб, тадқиқотларни амалиётга жорий қилишга аҳамият қаратган. Мамлакатнинг илмий салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш борасидаги қарашлар дастлаб MIT асосчиси У.Б.Роджерс (*Barton Rogers*) томонидан 1846 йилда илгари сурилган⁵⁵.

Таъкидлаш жоизки, илмий асосланган янгилликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш иктисодчи У.Б.Роджерснинг “университет-ишлаб чиқариш” концепциясида ўз аксини топган бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар фақатгина маслаҳат кўринишида қисқа муддатли эмас, балки узок муддатга мўлжалланган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилишини таъкидлайди.

Бугунги кунда жаҳон бозоридаги инновацион технологиялар ва илмий иншанмаларнинг йиллик айланмаси 4,5 трлн АҚШ долларидан ортиқ ҳисобланади⁵⁶.

⁵⁴ H. Etzkowitz, L. Leydesdorff: *Research Policy* 29 2000 page. 115

⁵⁵ В. А. Сергеев, Е. В. Бабкина, Тройная спираль инновационного развития: опыт США и Европы, возможности для России. IX Международная конференция «Тройная спираль». [http:// www.triplehelixconference.org/ru/the-triple-helix-concept.html](http://www.triplehelixconference.org/ru/the-triple-helix-concept.html), 2016 г. стр 69

⁵⁶ Сайт РАН. URL : <http://www.ras.ru>

Фикримизча, ушбу кўрсаткич кейинги йилларда ортиб бориш тенденциясига эга бўлиб, бозор иктисодиёти шароитида давлатнинг инновация сектори бошқа тармоқларни ҳам ривожланишига замин яратади. Шунингдек, иктисодий адабиётлардаги таҳлиллар миллий инновация тизими ривожланган давлатларда жaxon молиявий-иктисодий инкирозининг салбий оқибатлари сезиларсиз даражада бўлганини кўрсатмоқда⁵⁷.

Миллий инновация тизими — бу давлат, хусусий сектор ва жамоат ташкилотларининг янги билим ва технологияларни яратиш, сақлаш ва тарқатиш фаолияти доирасидаги механизмлар, ўзаро алоқалар мажмуасидир⁵⁸, - дея таъриф берилган.

Американинг AUTM (*Association of University Technology Managers*) ассоциацияси маълумотларига кўра, 1991 – 2009 йилларда АҚШда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 388 млрд АҚШ доллари миқдоридаги илмий тадқиқотлар молиялаштирилган. Бунинг натижасида 249 минг ихтиролар амалга оширилди, жумладан 130 мингтаси ихтиро учун лицензияга ариза бериш, 51 мингтаси патентлар кўринишида расмийлаштирилган. Буларнинг натижасида 2009 йил ҳолатига АҚШда 38030 та янги ишланмаларга лицензиялар берилган бўлиб, 6272 та янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар томонидан 300 мингдан зиёд иш ўринлари яратилган⁵⁹.

2.1-жадвал

АҚШ университетлари томонидан 2009 йилда ўзлаштирилган технологиялар трансфери кўрсаткичлари тўғрисида маълумот⁶⁰
(млн АҚШ доллари ҳисобида)

№	Университет номи	Лицензиядан олинган даромад	Илмий тадқиқот харажатлар	Ихтиролар сони
1.	Columbia University	154	604	302
2.	New York University	113	309	119
3.	U. of California System	103	4700	1482
4.	Wake Forest	96	162	82
5.	U. of Minnesota	95	591	244
6.	U. of Washington	87	1100	349
7.	U. of Massachusetts	71	489	166
8.	MIT	65	733	443
9.	Stanford University	66	1400	495
10.	U. Of Wisconsin Madison	57	1100	333
	Жами	907	11 188	4 015

⁵⁷ НТР и мировая политика: Учеб. пособие / Под ред. А.В. Бирюкова, А.В. Крутских. Моск. гос. ин-т межд. отношений (Ун-т) МИД России. М.: МГИМО – Университет, 2017. Стр 36

⁵⁸ НТР и мировая политика: Учеб. пособие / Под ред. А.В. Бирюкова, А.В. Крутских. Моск. гос. ин-т межд. отношений (Ун-т) МИД России. М.: МГИМО – Университет, 2016. Стр 7

⁵⁹ Американинг AUTM ассоциацияси маълумотларига асосан муаллиф томонидан шакллантирилди. <http://www.autm.net/resources-surveys/research-reports-databases/>.

⁶⁰ Шу мабда асосида

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2009 йилда АҚШнинг 10 етакчи таълим муассасалари томонидан илмий-тадқиқот ишларига жами 11188,0 млн АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланган. Албатта, ушбу маблағларнинг натижаси ўларок, 4015 та ихтироларнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича реализация қилинган лицензиялар 907 млн АҚШ долларини ташкил этган.

Шу кайд этиш жоиз 1980 йиллар АҚШнинг миллий инновация тизимининг концептуал асослари шаклланди. Дунёнинг турли мамлакатлари олимлар томонидан жамоавий тадқиқот ишлари натижаси сифатида “Иктисодий назария ва техник ривожланиш” монографияси нашр этилди⁶¹. Ушбу монография муаллифлари Швеция университети профессори Б.Лундвалл, Буюк Британия Сассек университети қошидаги илмий-тадқиқот ишларини ўрганиш маркази мутахассиси К.Фримен ва АҚШнинг Колумбия университети профессори Р.Нельсонлар миллий инновация тизимини шакллантириш концепцияси бош ғоясини қуйидагилар билан асослаганлар. Яъни:

- замонавий иктисодиётни ва рақобатни шакллантиришнинг энг асосий омилли сифатида инновациялар ва тадбиркорларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб илмий тадқиқотларни амалга ошириш;
- жамиятнинг турли институтлари (оила, маҳалла, партия ва ҳ.к) инновацион фаолият тузилиши ва салмоғига таъсир этувчи омиллар;
- иктисодиётни ривожлантиришда илм-фаннинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу концепция умумий ғояга эга бўлишига қарамай, муаллифларнинг тадқиқотларни амалга оширишдаги қарашлари турлича бўлган. Иктисодчи олим профессор Б.Лундвалл ғояларини К.Фримен давом эттириб, “Миллий инновация тизими – инновацион технологияларни яратиш ва тарқатиш мақсадида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги институционал тармоғидир” – дея таъкидлаган⁶².

АҚШнинг миллий инновация тизими юқорида таъкидланганидек, давлат, университет ва тадбиркорлар ўртасидаги узвий алоқалардан ташкил топган. АҚШда иктисодий субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг чуқурлашуви ва рақобат муҳити натижасида вужудга келган инновацион иктисодиёт қуйидаги расмда келтирилган шаклларда ривожланган.

⁶¹ Technical Change and Economic Theory. Pinter. 1988. URL: <http://freemanchris.org/publications/>

⁶² Technical Change and Economic Theory. Pinter. 1988. URL: <http://freemanchris.org/publications/>

Йирик технопарклар	
Бизнес-инкубаторлар	
Венчур жамғармалари	
Махсус иқтисодий зоналар	
Молия-саноат гуруҳлари	

2.1-расм. АҚШда инновацион иқтисодиётнинг ривожланиш шакллари⁶³

2.1-расмдан кўриниб турибдики, АҚШда инновацион иқтисодиётнинг ривожланишида йирик технопарклар, бизнес-инкубаторлар, венчур жамғармалар, махсус иқтисодий зоналар ва молия-саноат гуруҳлари муҳим аҳамият касб этган.

Иқтисодий субъектларнинг ҳуқуқий асослари 1890 йилда қабул қилинган “Шерман Қонуни” меъёрий ҳужжатида ўз аксини топган. Таъкидлаш жоизки, АҚШнинг инновацион ривожланиш амалиётида узок вақт давомида фан ва технологияларни ривожлантиришга ажратилаётган маблағлар таркибида хусусий секторнинг улуши юқори ҳисобланган. Масалан, 1970 йилларда 80% инновациялар АҚШнинг йирик компаниялари томонидан ишлаб чиқилган бўлса, сўнгги 20 йил ичида фан ва технологиялар соҳасидаги давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви сезиларли даражада ўсди. Хозирда АҚШда яратилаётган инновацияларнинг учдан икки қисми давлат ва тадбиркорларнинг шериклиги асосида, жумладан университетлар, давлат лабораториялари ва илмий-тадқиқот институтлари иштирокида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан АҚШнинг миллий инновация тизимида бир-бирига узвий боглиқ қуйидаги бўғинлари амал қилади.

1-бўғин	• таълим муассасалари
2-бўғин	• илмий марказлар, лабораториялар, илмий-тадқиқот институтлари
3-бўғин	• инновацион кластерлар

2.2-расм. АҚШда миллий инновацион тизимнинг бўғинлари⁶⁴

⁶³ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

2.2-расмдан кўриниб турибдики, АҚШда миллий инновацион тизим асосан учта йўналишда ривожланган. Унинг *биринчи бўғини* таълим муассасалари ҳисобланади. Булар каторига жаҳон таълим рейтингда энг юкори ўринларда турган 150 та таълим муассасалари жумладан, Дортмут колледжи, Брауновск, Йель, Колумбия, Корнелль, Пенсильвания, Беркли, Стендфорд, Висконсинск, Миннесота ва Принстон университетларини ҳамда Массачусет технология институтини ва улар қошидаги илмий тадқиқот марказлари қиради⁶⁵. АҚШ университетлари илмий йўналишдаги ишларини асосий молиялаштириш манбаси федерал бюджет ҳисобланади. Бундан ташқари университетлар венчур компаниялар орқали илмий ишланмаларни саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтиради.

Бизнинг фикримизча, АҚШ университетлари бутун дунёдан юкори салоҳиятли олимларни жалб қилади. Масалан, ушбу университетларнинг компьютер технологиялари бўйича студентлари Хитой ва Ҳиндистон давлатларидан ташриф буюрган бўлса, математика ва бошқа аниқ фанлар бўйича олимлар Россиядан ташриф буюрган. Албатта, инновацияларни ривожлантиришда энг асосий омил сифатида инсондаги илмий салоҳият ҳисобланади, ушбу салоҳият йиллар давомида шаклланиб, жаҳоннинг фан ва технологиялар борасидаги етакчи олимлари илмий ишланмалари АҚШ иқтисодиётига мисли кўрилмаган даражада фойда келтирмоқда.

Миллий инновация тизимининг *иккинчи бўғини*га ҳозирда АҚШда амал қилаётган 10 мингдан ортиқ илмий марказлар, етакчи корхоналар таркибидаги лабораториялар, давлатнинг илмий-тадқиқот институтлари қиради⁶⁶. Шу нуқтаи назардан, айрим илмий тадқиқот марказлари бевосита АҚШ ҳукумати буюртмасига асосан изланишлар олиб боради. Масалан, иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Лос-Аламос лабораториясида атом бомбаси тайёрланган. Ёки бугунги кунда стратегик тадқиқотлар маркази ҳисобланадиган “RAND Corporation” ташкилоти ҳам ҳукумат манфаатлари учун хизмат қилади.

Миллий инновация тизимининг *учинчи бўғини*га АҚШ ҳудудида йиллар давомида тарихан шаклланган инновацион кластерларни киритиш мумкин. Уларнинг асосий мақсади инновацион технологияларни яратиш, сақлаш ёки реализация қилишда университет ва илмий-тадқиқот марказларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунингдек, ишлаб чиқариш ва технологиялар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида, ҳудудий иқтисослаштирилган маҳсул инновацион кластерлар⁶⁷ ташкил этилади. Бундай ҳудудлардан бири “Силикон водийси” (*Silicon Valley*) технопарки бўлиб, унинг АҚШ венчур инвестициялари таркибидаги йиллик улуши 1/3 қисмини ташкил этади⁶⁸. Ушбу мажмуа ҳудудида дастурий таъминот, микропроцессор ва бошқа

⁶⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

⁶⁶ Сергеев В.М., Алексеенкова Е.С. Становление государства и модели инновационного развития // Политика. № 4. 2016.

⁶⁷ Ну манба.

⁶⁸ Кластер (*англ. cluster* — жамланган, гала) — ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, мураккаб равишда иш юритиладиган турдош субъектларни ягона тизимга жамланган.

⁶⁹ Обзор инновационных кластеров в иностранных государствах // Миткономразвития России. 2011.

информацион технологиялар соҳасидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришга асосланган Apple Inc., Intel, Adobe Systems, Advanced Micro Device, Cisco System, Symantec каби 7 мингга яқин юқори технологияли компаниялар амал қилади.

Фикримизча, Силикон водийсининг шаклланиши ва ривожланишига энг асосий омил сифатида Стэнфорд университетини келтириш мумкин. Чунки, Стэнфорд университетининг юқори малакали ходимлари ва талабаларининг ҳамкорлигидаги уюшмаси натижасида таълим муассасаси худуди атрофида йирик компаниялар ташил этилди. Зеро, Стэнфорд университети мутахассислари, олимлари яшаш жойини ўзгартирмай ва бошқа ижтимоий муаммолардан холи равишда фаолият кўрсатишларига имкон яратилди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳам транспорт харажатлари қисқаришига ижобий таъсир кўрсатади.

Бундай инновацион кластерлар АҚШнинг бошқа ҳудудларида хусусан, Сигетл, Такома ва Олимпияда – аэрокосмик техника ва ахборот технологиялари; Миннеполис ва Джексонвилда – тиббиёт ускуналари; Питтсбург, Акрон, Кливлендда – “тоза” ва табиий энергетика технологияси; Канзас-Ситида – биотехнология ва замонавий химия; Бостонда – биотехнологиялар ва Остин Даллас худуди – ярим ўтказичли технологиялар устида илмий тадқиқотлар ўтказиш марказлари ҳисобланади⁶⁹.

Албатта, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда таълим муассасаларининг, айниқса университет ва институтларнинг аҳамияти тўғрисида “Глобал инновация индекси 2019” ҳисоботидан ҳам билишимиз мумкин. Хусусан, халқаро миқёсда патентларга ариза берган ва илмий ишларни ўйлон қилган таълим муассасалари АҚШ ҳамда Буюк Британия энг юқори, Япония, Германия, Швецария эса кейинги ўринларда эканлигини таъкидлаш лозим⁷⁰.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши долзарб аҳамият касб этади. Чунки, инновация инфратузилмасини шакллантириш, айниқса илм-фан ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига жорий этиш, уни самарали молиялаштириш борасида ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп.

Масалан инновацион ривожланиш йўлини ташлаган давлатларда ЯИМга инсбатан илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилган маблағлар салмоғи ҳам юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Бизнинг фикримизча, инновацион лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини кўпайтириш, бунда давлат томонидан хусусий инвесторларни рағбатлантириш функцияларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот марказлари томонидан ички манбалари ҳисобидан инновацион технологияларга йўналтираётган маблағлари салмоғини кўпайтириш лозим. Хорижда профессионал олий таълим

⁶⁹ Шу манба

⁷⁰ Report of The Global Innovation Index 2019. Effective Innovation Policies for Development.

муассасаларининг илмий-тадқиқотларга ажратган маблағлар улуши жамига нисбатан 18 фойздан ИХРТ давлатларида 27,7 фойзгачани ташкил этади⁷¹.

2.2-жадвал

Технологик етакчи давлатлар рейтинги⁷².

№	Етакчи давлатлар рейтинги	I	II	III	IV	V
1.	Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат	АҚШ	Хитой	Хиндистон	Бразилия	Япония
2.	Медицина, биотехнология	АҚШ	Буюк Британия	Германия	Япония	Хитой
3.	Нанотехнология, янги товарлар	АҚШ	Япония	Германия	Хитой	Буюк Британия
4.	Энергетика	АҚШ	Германия	Япония	Хитой	Буюк Британия
5.	Мудрофаа, хавфсизлик	АҚШ	Россия	Хитой	Исроил	Буюк Британия
6.	Электроника, компьютер технологияси	АҚШ	Япония	Хитой	Жанубий Корея	Германия
7.	Ахборот бошқаруви	АҚШ	Хиндистон	Хитой	Япония	Германия
8.	Машинасозлик	Япония	АҚШ	Германия	Хитой	Жанубий Корея
9.	Авиасозлик, темир йўл транспорти	АҚШ	Япония	Хитой	Германия	Франция

Юқоридagi таҳлилларимиз натижаси ўларок 2.2 - жадвалда айрим иқтисодий кўрсаткичлар бўйича технологик жихатдан етакчи давлатларнинг рейтинги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибди, АҚШ деярли барча кўрсаткичлар бўйича етакчи ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда мутахассислар мамлакатда инновацияларни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришнинг икки асосий йўналишини ажратиб кўрсатишади. Биринчи йўналиш сифатида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи олимлар манфаатларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланиш тартиблари соддалаштирилди.

Яъни, 1980 йилга келиб АҚШнинг патент ва савдо белгилари тўғрисидаги Бей-Доул актига (Bayh-Dole Act) ўзгартириш ва қўшимчаларни киритилиши миллий инновация тизимида “уч ёклама спираль” моделини шаклланиши ва янада такомилланишига сабаб бўлди. Чунки, 1980 йилга қадар илмий тадқиқотлар савдоси билан илмий ишланмалар ва инновацион

⁷¹ OECD (2017), Main Science and Technology Indicators. № 1, Paris

⁷² Доклад о состоянии фундаментальных наук в Российской Федерации и о важнейших научных достижениях российских ученых в 2014 году. Российская академия наук. 2015 г. Издательство «Наука». Стр 24.

технологиялардан манфаатдор бўлмаган турли федерал агентликлар шугулланган⁷³.

Бей-Доул акти (Bayh-Dole Act) университет, кичик бизнес ва бошқа нодавлат ташкилотларини федерал бюджет ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳалар, илмий-амалий тадқиқотлар ва кашфиётларни бошқариш ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берган. Аксарият университетлар нафакат федерал бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бошқа молиявий ресурслар ҳисобидан илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уни реализация қилишда фаол иштирок этган. Ўз навбатида университетга ушбу ҳуқуқни берилиши қуйдаги мажбуриятларни юклаган:

- федерал бюджет ва бошқа маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни федерал агентлик ва молиялаштирувчига ахборот бериш;

- ихтиро йўналиши ва номини аниқлаб олиш;

- ихтирони патентлаштириш;

- патентлаштириш ва келгусида фойдаланишда илмий ишланмани номини доим кўрсатиш;

- технологиялар савдосининг фаол сиёсатини амалга ошириш;

- федерал агентлик билан келишмасдан туриб, муаллифлик ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик;

- роялтини бевосита кашфиётчи билан бўлишиш;

- ихтиролардан тушган даромаднинг бир қисмини таълимни ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга йўналтириш;

- лицензия сотишда АҚШ саноат ва кичик бизнес вакиллари устуник қилган;

Иккинчи йўналиш сифатида илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1980 йилда жорий қилиниб, бугунги кунга қадар амалда бўлган бир қатор федерал дастурлар ҳисобланади. Жумладан, ҳозирда АҚШда инновацион қорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашнинг 3 та асосий давлат дастури мавжуд:

- кичик бизнеснинг инновацион тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш дастури (The Small Business Innovation Research Program – SBIR);

- кичик бизнеснинг инновацион технологияларини оммалаштириш дастури (The Small Business Technology Transfer Program – STTR);

- кичик бизнес учун инвестицион компаниялар ташкил этиш дастури (The Small Business Investment Company – SBIC);

Ушбу дастурлар АҚШнинг Кичик бизнес маъмурий бошқармаси томонидан мувофиқлаштирилади. Шу нуқтаи назардан SBIR ва STTR дастурлари давлат аҳамиятига молик стратегик йўналишлардаги инновацион фаолиятни ривожлантиришга қаратилган. Масалан, SBIR дастурининг йиллик бюджети 1 млрд. доллардан ортиқ бўлиб, дастур доирасида ҳар йили 1000 та

⁷³ Hughes S. Making dollars out of DNA. The first major patent in biotechnology and the commercialization of molecular biology, 1974–1980 // Isis: an international review devoted to the history of science and its cultural influences. 92 (3). 2001.

агрофидаги инновацион технологик лойиҳалар амалга оширилади⁷⁴. Шунингдек, SBIC дастури бўйича АҚШ ҳукумати ўзига хос хусусиятлар ва шартлар асосида инновацион лойиҳаларни молиялаштиради. Масалан шундай хусусият ва шартлардан бири, АҚШ ҳукумати SBIC дастури бўйича 1:2 ёки 1:3 нисбатда хусусий инвесторларни жалб қилган янги компанияларни молиялаштиради.

АҚШда инновацион технологияларни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган омилардан яна бири 1950 йиллардан пайдо бўлган венчур компанияларини давлат томонидан фаол рағбатлаштирилишидир. Бугунги кунда венчур фондлари илмий тадқиқот лойиҳаларини молиялаштирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Масалан, 1990 йиллардан халқаро венчур капиталининг ¼ қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келди. Ёки халқаро миқёсида таникли бўлган Pricewaterhouse Coopers аудиторлик компаниясининг маълумотларига кўра АҚШ венчур компанияларининг инвестицияси 1995-2001 йилларда 7,6 млрд.доллардан 41,3 млрд.долларгача ўсган⁷⁵.

Куйидаги жадвалда АҚШнинг охириги уч йилда инновациялар бўйича рейтинги акс эттирилган.

2.3 жадвал

АҚШнинг 2017-2019 йилларда инновациялар бўйича рейтинги⁷⁶

Йиллар	Глобал инновацион индекс	Инновациялар	Инновациялар натижалари
2019	3	3	6
2018	6	6	7
2017	4	5	11

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда АҚШ инновациялар ҳажми бўйича 3-ўринни эгаллаб турибди. Бу эса ўтган йилларга нисбатан олганда юқори рейтинг ҳисобланади. Инновацияларнинг натижалари бўйича эса 6-ўринда бўлиб, ўтган йиллар билан таққослаганда бирмунча ижобий кўринишга эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, АҚШ жаҳон бозорига инновацион технологияларни таклиф қилувчи давлатлар ичида етакчи бўлиб, бунга кичик инновацион корхоналарни давлат томонидан қўллаб қувватлаш дастурларини жорий қилинганлигини келтиришимиз мумкин. Шунингдек, илмий-тадқиқот билан шуғулланувчи олимларнинг манфаатларини қўллаб жорий қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва уларни венчур компаниялари каби молиялаштириш манбаларнинг кенг ривожланганлиги АҚШни кейинги йилларда инновацион

⁷⁴ Шаркова А. Мировой опыт функционирования финансовой инфраструктуры поддержки инновационного предпринимательства // Предпринимательство. № 6. 2010.

⁷⁵ Цихан Т. Роль венчурной индустрии в формировании национальной инновационной системы // Теория и практика управления. № 4. 2011.

⁷⁶ www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2019/de.pdf

технологиялар бўйича етакчиликти қўлдан бермаётганлигини ёрқин мисолидир.

§2.2. Инновацион ривожланишни таъминлашнинг Буюк Британия тажрибаси

Ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиш йўлининг бир қатор ўқиш жихатлари мавжуд бўлиб, миллий иқтисодиётда илм-фани самарадорлигини ошириш мақсадида узоқ муддатли инновацион ривожланиш дастурларини қабул қилинишидир. Шунингдек, инновацион ривожланиш стратегияси иқтисодиётни у ёки бу тармоғинигина ривожлантиришга қаратилмай, макроиқтисодий даражада барча йўналишларга тааллуқли ҳисобланади. Яъни, мамлакатнинг инновацион дастурлари миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларида янги технологияларни жорий этиш ва илм-фан ютуқларидан фойдаланишни тақозо этади.

Биз аввалги параграфда АҚШ миллий инновация тизимини шаклланишида “Уч ёқлама спираль” моделини жорий этганига, яъни илм-фан, давлат ва бизнес ўртасидаги алоқаларни чуқурлашуви инновацион технологияларни самарали ривожланишига олиб келганлигининг гувоҳи бўлган эдик. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалиётда миллий инновация тизимини шакллантиришнинг турли хил моделлари мавжуд. Жумладан, Буюк Британия, Германия, Франция ва ҳ.к каби Ғарбий Европа давлатларида инновацион ривожланишнинг “Евроатлантика” модели амал қилади. Ёки, Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Тайван каби осий давлатларида “Шарқийосий” моделини ҳам таъкидлаш мумкин⁷⁷.

Инновацион ривожланиш бўйича турли моделларнинг алоҳида хусусиятлари I-иловада келтирилган, иловадан кўриниб турибдики, Буюк Британияда инновацион ривожланиш моделининг асосини таълим муассасалари ташкил қилади. Инновацион цикл босқичлари ҳам тўлиқ бўлиб, амалий, фундаментал илмий-тадқиқотларни амалга оширилиши ва уларни тижоратлаштириш учун етарли шарт-шароит яратилган. Шунингдек, солиқ имтиёзлари, интеллектуал мулкни ҳимоялаш, лойиҳаларни имтиёзли молиялаш орқали давлат томонидан инновацион фаолият қўллаб-қувватланади.

Бундан ташқари, ўтмишда мамлакатнинг ҳарбий салоҳияти юқори даражада бўлиб, аксарият мустамлака мамлакатларнинг илмий манбаларини ўзида мужассамлаштирган. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, мамлакатнинг инновацион ривожланиш моделининг алоҳида хусусиятларидан бири илмий нашанмаларнинг кўпроқ мудофаа аҳамиятига эгалигидир. Чунки, ҳарбий тадқиқотлар бўйича Буюк Британия Ғарбий Европа давлатлари орасида етакчи, дунёда эса АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради⁷⁸.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, Ғарбий Европа мамлакатлари каби Буюк Британия инновацион ривожланиш циклига иккинчи


⁷⁷ Модели формирования национальных инновационных систем // Капитал страны <http://kapital-rus.ru/articles/article/236495/> 13.09.2013

⁷⁸ Колесова В.П., Осипова М.Н. Национальные инновационные системы: монография. М.: МАКС Пресс, 2011.

жаҳон урушидан кейин ўта бошлади. Чунки, 1940 йилдан кейинги даврда АҚШнинг ядро қуроли ҳимояси остида Буюк Британия мудофаа харажатларини қисман қисқартириш эвазига илм-фанга сарфланадиган харажатларини оширишга эришди⁷⁹.

Хусусан, 1945 йилда Буюк Британия ҳукумати ядрофизика тадқиқотлардан воз кечиш ҳисобига радиоастрономия ва юкоримолекуляр моддаларнинг хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратиб, бу ўзининг ижобий самарасини берди. Бугунги кунда астрофизика ва молекуляр биология соҳасидаги тадқиқотлар бўйича Буюк Британия дунёда етакчи давлат ҳисобланади⁸⁰.

Буюк Британия университетлари дунёнинг энг қадимги таълим муассасалари сифатида мамлакатнинг инновацион ривожланиши бўйича муҳим бўғинлардан биридир. Жумладан, жаҳон рейтингда юкори ўринларда турувчи Оксфорд, Кембридж, Лондон каби университетлари қошида илмий-тадқиқот марказлари амал қилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Буюк Британия олий таълим муассасаларида минглаб хорижий талабалар тахсил олади. Дунёнинг турли ҳудудларидан келган битирувчиларнинг аксарият қисми ўз илмий фаолиятини мамлакатнинг ўзида давом эттиради. Қуйидаги расмда дунёнинг ийрим ривожланган мамлакатлари олий таълим муассасаларида таълим олаётган хорижий талабалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.



2.3-расм. Дунёнинг айрим ривожланган мамлакатлари олий таълим муассасаларида таълим олаётган хорижий талабалар сони. 2017 йил 31 декабрь ҳолатига, миң киши ҳисобида⁸¹.

2.3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Буюк Британияда тахсил олаётган хорижий талабалар сони бўйича АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради. Жумладан, мамлакатнинг нуфузли таълим даргоҳларида йилига 420 миң нафардан кўп хорижий талабалар тахсил олади. Ўз навбатида давлат томонидан юкори малакали кадрларни жалб қилиш мақсадида турли грантлар берилади. Шунинг учун Буюк Британияда илмий салоҳиятли кадрлар сонининг ўсиши, умумий меҳнат ресурсларининг ўсиш темпига нисбатан тезроқ

⁷⁹ Глобальная трансформация инновационных систем. Под ред. Н.И.Ивановой. М.: ИМЭМО РАН, 2010.

⁸⁰ Типология моделей инновационного развития. В.М.Серебряк, Е.С.Алексеевская, В.Д.Нечаев. Политика 4(51) 2008. Стр 10

⁸¹ National Science Board | Science & Engineering Indicators 2017.

ҳисобланади. Масалан, ўтган асрнинг 60-80 йилларида иктисодий фаол аҳоли таркибида инженер-техник кадрлар улуши 2,2 баробарга ортиб, жамига нисбатан 4,4 %ни ташкил этган⁸².

Фикримизча, малакали ва илмий салоҳиятли кадрлар салмоғини ортиши мамлакат миллий инновация тизимини самарали ишлашнинг таъминлайди. Улар томонидан яратилаётган илмий ишланмаларнинг миллий иктисодиётдаги ўрни бекиёсдир. Бугунги кунда Буюк Британия олимлари инсонларнинг ДНК таркибини ўрганиш, клонлаштириш, юқори ўтказувчанлик, радиофизика, озон туйнуги, компьютер томографияси, молекуляр биология, фармацевтика борасидаги кашфиётлари учун олинган Нобель мукофотлари АҚШдан кейинги иккинчи ўринда туради⁸³.

Буюк Британияда интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи бевосита таълим муассасалар ёки илмий тадқиқот институтларига берилган. Шунинг учун илмий ходимлар ва олимларнинг ишланмалари учун олий таълим муассасалари масъул ҳисобланади. Ўз ўрнида илмий ишланмалардан олинган фойдани тақсимлашда ҳам ҳар бир муассасада қатъий белгиланган меъёрлар мавжуд. Масалан, Лафборо (*Loughborough*) университетида фойда қуйидагича тақсимланади: аввал илмий ишланмани бозор харажатлари, яъни патентлаштириш, маркетингини юритиш, сафар ва бизнес-режа қабилар тўлиқ қопланади. Шундан сўнг қолган даромаднинг 50 %ни кашфиётни амалга оширган олим, 25 %ни – факультет ва 25 %ни университет қошидаги илмий ишланмаларни тижоратлашувини ташкил қилуви офис олади⁸⁴.

Албатта, интеллектуал мулк ҳуқуқини юқори даражада ҳимояланганлиги илмий ишланмаларнинг манфаатдорлигини оширади ва илмий кадрларнинг салмоғини ортишига хизмат қилади. Буюк Британия таълим муассасалари илмий-тадқиқот ишланмалари бўйича патентлардан олинган даромадларни асосан икки хил шаклда амалга оширади. Бу - саноат корхоналарига маслаҳатлар бериш ёки “spin-out” ташкил этиш, яъни университет қошида ёки алоҳида компанияларни очиш орқали бўлиши мумкин.

Масалан, бугунги кунда юқори таълим сифат кўрсаткичига эга бўлган Оксфорд университети қошида ташкил қилинган “Isis Innovation” компанияси асосан инновацион технологияларни трансферини ва илмий ишланмаларни савдосини ташкил этади. Шунингдек, компания илмий тадқиқотчи олимларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилади, маркетинг тарғиботини юритиш ва турли рискларни олдини олиш бўйича чораларни ишлаб чиқади.

Эътиборли жиҳати шундаки, “Isis Innovation” компанияси 1997 йилда ташкил этилган бўлсада, 10 йилдан кейин фойда олишга эришган. Фикримизча, гарчи компания фойда олмаётган бўлсада, улар бозорга таклиф қилаётган инновацион технологияларнинг иктисодий самараси миллий иктисодиёт


⁸² Huggins R. The evolution of knowledge clusters: Progress and policy // *Economic development quarterly*. – L., 2008. – Vol. 22, N 4. – P. 277–289.

⁸³ *Realising Britain's Potential: Future Strategic Challenges for Britain* / Cabinet Office, the Strategy Unit, 2008. February.

⁸⁴ Колесова В.П., Осьмова М.Н. Национальные инновационные системы монография. М.: МАКС Пресс, 2011. Стр 51

барқарорлигига мисли қўрилмаган даражада фойда келтирган. Бундай вазият илмий тадқиқот институтларини ва таълим муассасаларини давлат томонидан молиялаштиришни тақозо этади.

Қуйидаги расмда Оксфорд университети қошида ташкил қилинган “Isis Innovation” компаниясининг 2014–2018 йилларда инновацион технологияларга қилинган харажатлари ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган⁸⁵.



2.4-расм. Оксфорд университети қошида ташкил қилинган “Isis Innovation” компаниясининг 2015–2018 йиллардаги илмий тадқиқотлар бўйича айрим иқтисодий кўрсаткичлари.

2.4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, “Isis Innovation” компанияси томонидан 2015–2018 йиллардаги илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфлаган маблағлари пасайиш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда 13,6 млрд доллар бўлса, 2018 йилда 12,2 млрд долларни ташкил этган. Ўз навбатида, 2015–2018 йиллардаги компания даромадлари ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлган. Агар 2015 йилда 24,6 млрд доллар миқдорида даромад олган бўлса, 2018 йилга келиб 17,6 млрд доллар миқдорида даромад олган. Албатта, университет қошидаги ушбу компаниянинг иқтисодий манфаатдорлиги нафақат таълим муассасасига балки, мамлакат миллий иқтисодиётида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бир вақтнинг ўзида компания spin-out янги компанияларни ташкил этишда ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Қуйидаги жадвалда “Isis Innovation” компанияси ҳақида айрим маълумотлар келтирилган

⁸⁵ University of Oxford. Isis Innovation Annual Report 2014. 2016. p 18. 2018. p 5. TECHNOLOGY & EXPERTISE

**“Isis Innovation” компаниясининг 2015 – 2018 йиллардаги
фаолияти хақида маълумотлар⁸⁶**

Йиллар	Жалб этилган маблаглар ва грантлар, млн.д	SPIN-OUT компаниялар сони	Патентлар ва патент олиш учун аризалар сони	Шартно- малар сони
2015	25.0	5	2490	529
2016	22.2	21	2873	855
2017	18.7	19	3425	685
2018	17.6	21	3881	694

2.4-жадвал маълумотларини таҳлил қилсак, 2015-2018 йилларда компания ёрдамида Оксфорд университети илмий тадқиқотларга жалб қилган маблаглари ва грантлар миқдори камайиш тенденциясига эга бўлган. Агар ушбу кўрсаткич 2015 йилда 25,0 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 17,6 миллиард долларга етган. Ёки юқорида таҳлил қилинган даврда “Isis Innovation” юқори инновацион технологияларга асосланган 21 та spin-out⁸⁷ компанияларни ташкил этган.

Эътиборли жиҳати шундаки, “Isis Innovation” компанияси 2010 йилдан буён дастурий таъминот ишлаб чиқишга мўлжалланган 27 та start-up⁸⁸ бизнес инкубаторларини ҳам яратган. Бундан ташқари университет томонидан яратилаётган илмий ишланмаларга бўлган талаб ҳам ортиб бориш тенденциясига эга бўлиб, 2015 йилда инновацион технологиялар трансферн ва коммерцияси бўйича жами 529 та шартномалар имзоланган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 694 тани ташкил этган. Шунингдек, Оксфорд университети олимлари томонидан яратилган илм – фан кашфиётларига олинган патентлар ва патент олиш учун топширилган аризалар сони 2015 йилда 2490 та, 2016 йилда 2873 тани, 2017 йилда 3425 тани ва 2018 йилда 3881 тани ташкил этиб, таҳлил қилинган даврда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Албатта, бундай таълим даргоҳларининг сони Буюк Британияда 20 дан ортиқ бўлиб нафақат давлат ичида балки, бутун дунёда ўз ўрнига эга ҳисобланади.

Иқтисодий манбаларда Буюк Британиянинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари 3 та йўналишда шаклланиганига гувоҳи бўлди⁸⁹. Яъни, биринчидан давлат сектор (амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб боради), иккинчидан олий таълим сектори (фундаментал тадқиқотлар олиб боради) ва учинчидан хусусий сектор (амалий тадқиқот ва ишланмалар олиб боради ҳамда янги технологияларни истеъмолчиси ёки буюртмачиси бўлади)

⁸⁶ University of Oxford. Isis innovation Annual Report 2015. P 5. 2016. p 6. 2017. p 18. 2018. p 5. TECHNOLOGY & EXPERTISE

⁸⁷ Қўшимча акция чиқариш эвазига ёки корхонани қайта ташкил этилиши ҳисобига шаклланидиган янги компаниялар. <https://ru.wikipedia.org>

⁸⁸ Инглизчадан старт олмақ, ҳаракатга келтирмоқ маъносини билдириб, одатда инновацион технологияларга асосланиб ташкил этиладиган ёки шундай босқичдаги компаниялар.

⁸⁹ Realising Britain's Potential: Future strategic Challenges for Britain. the Strategy Unit. 2008. Science and Innovation Framework 2004–2014.

хисобланади. Давлат секторидagi аксарият илмий-тадқиқот ишларини АКШ, Япония, Франция, Германия давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик шартномалари доирасида амалга оширади. Бунга мисол қилиб, 1983 йилда энергия харажатларини 1/3 қисмга қисқартирган ядро реакторини яратиш бўйича Франция, Германия, Италия ва Бельгия ўртасида имзоланган келишувни ёки АКШ билан аэрокосмос ва ядрофизикасини ривожлантириш бўйича 1958 йилда имзоланган ҳамкорлик келишувларини келтириш мумкин⁹⁰.

Буюк Британияда Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик (ИТТК) фаолияти тўғрисида ҳолис ҳулоса чиқаришимиз учун қуйидаги жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

Қуйидаги 2.6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Буюк Британия ИТТК харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши 1,66 % ни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич ЕИ бўйича ўртача 1,97 % дан камроқни ташкил эмокда. Лекин, эътиборли жиҳати шундаки, саноат корхоналарининг илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик харажатларида давлат маблағларининг улуши Германияда 13,54 %ни ташкил этиб, бу кўрсаткич бўйича ЕИда юқори ўринда туради.

2.6-жадвал

Гарбий Европанинг айрим мамлакатларида инновацион ривожланишга қилинган молиявий қуйилмалар⁹¹

ИТТК фаолиятига йўналтирилган маблағларнинг мабдалари	Бельгия	Франция	Германия	Буюк Британия	ЕИ28
ИТТК харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши, % ҳисобида	2,70	2,19	3,04	1,66	1,97
Корхоналар ИТТК харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши, % ҳисобида	1,52	1,42	1,94	1,09	1,20
Саноат корхоналари ИТТК харажатларида давлатнинг улуши, % ҳисобида	9,39	12,66	13,54	6,52	11,29
ИТТК харажатларида чет эл капитал улуши, % ҳисобида	8,79	11,4	15,91	19,5	

Шунингдек, Буюк Британия ИТТК ишлари харажатларидаги чет эл капиталининг улуши ҳам 19,5 %ни ташкил этиб, ЕИнинг ўртача кўрсаткичидан юқори ҳисобланади. Ҳулоса қилганда илмий тадқиқот харажатларида давлат бюджетида ажратиладиган маблағларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Шуни алоҳида таъкидлаш жонзки, 2000 йилдан Буюк Британия инновацион ривожланишнинг янги босқичига ўтди. 1999 йилда мамлакатда интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни ҳимоялаш мақсадида ҳукумат комиссияси (Intellectual Property Group)ни ташкил этилди. Бунда АКШнинг Бей-Доул

⁹⁰ Колесова В.П., Осмонова М.Н. Национальные инновационные системы: монография. М.: МАКС Пресс, 2011.

⁹¹ Annual Report on Science and Technology Indicators for Belgium 2018

конунига ўхшаш тарзда илм-фан ютуқларидан кўриладиган манфаатдорлик ортди. Давлат, университетлар ва бизнес ўртасидаги инновацион технологияларни трансфери ва уларнинг савдоси бўйича тузиладиган шартномавий муносабатлар тартибга солинди. Шунингдек, ҳукумат ўзгариб бораётган бозор конъюктурасини ва замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, 2000 йилнинг июль ойида “Буюк Британиянинг XXI асрдаги илмий ва инновацион сиёсати – имкониятлар ва устунлик” номли “Ок китоблари” чоп этилди⁹². Жумладан, Буюк Британия 2005 – 2008 йилларда миллий инновация тизими тузилишида таркибий ўзгаришлар бўлиб ўтди⁹³.

2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози аксарият мамлакатлар миллий ривожланиш стратегиясини қайта кўриб чиқиш ва замонавий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни тақозо этди. Буюк Британия ҳукумати ҳам 2008 йилда жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини олдини олиш мақсадида 2014 йилга қадар ва ундан кейинги даврда қутилаётган глобал иқтисодий муносабатларни инобатга олиб, миллий инновация сиёсатини қайта кўриб чиқди ва 2008 йилда таҳлилий ва режалаштириш хусусиятига эга бўлган “Давлат ва инновациялар” номли китобни чоп этди. Унга асосан миллий инновация тизими диверсификация қилинди. Чунки, ўша вақтда Буюк Британия Инновация Департаментининг ҳисоботларига кўра, инновацион технологияларни молиялаштириш ва уларнинг савдоси билан боғлиқ масалалар ўзининг юқобий ечимини топмаётган эди. Шу нуқтаи назардан, Буюк Британия ҳукуматининг энг асосий стратегик вазибаларидан бири сифатида келгусида дунё инновацион технологиялар бозорида стақчи бўлишнинг асосий омилларидан “Инновацион миллат”ни шакллантириш эканлигини таъкидлади⁹⁴.

Замонавий иқтисодиётни шакллантириш ва инновацион жараёнларни чуқурлаштиришнинг яна бир омили инновацион кластер сиёсатини юритиш ҳисобланади. Миллий иқтисодиёт баркарорлигини таъминлаш бўйича бундай ёндашув Европа мамлакатларига ўтган асрнинг 90 йилларида кириб келди.

Хусусан, БМТнинг “Саноатни ривожлантириш” ташкилоти (UNIDO) “Хусусий секторни ривожлантириш” (Private sector development branch) бўлими билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқди. Унда Европа давлатлари ва Европа бизнеси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш ҳамда ҳудудий инновацион кластерларни ривожлантириш дастури жорий қилинди. 2008 йилнинг январ ойида эса “Европа кластер Меморандуми” имзоланиши Буюк Британияда ҳам ҳудудий иқтисодиётни ривожланишига сабаб бўлди. Эътироф этиш жоизки, Европа Иттифоқи давлатларида ҳудудларни инновацион ривожлантириш учун кластер стратегияси самарали дастак бўлиб, ЕИда 2 мингдан зиёда кластерларда

⁹² The Science and Innovation White Paper-Excellence and Opportunity: a science and innovation policy for the 21st century.

⁹³ Realising Britain's Potential: Future Strategic Challenges for Britain / Cabinet Office, the Strategy Unit, 2008, February.

⁹⁴ Innovation Nation. Background analysis: strengths and weaknesses of the UK Innovation system / Department for Innovation, Universities and Skills (DIUS), 2008.

иктисодий фаол аҳолининг 38 % меҳнат қилмоқда⁹⁵. Буюк Британия ҳукумати ҳудудларнинг алоҳида хусусиятларини ҳисобга олиб инновацион кластерларни қуйидаги афзалликларини келтиради⁹⁶.

географик марказлашуви
ихтисослашуви
турли иқтисодий агентларнинг мавжудлиги
рақобат ва ҳамкорлик
инновацион жараёнларга жалб қилинганлиги

2.6-расм. Буюк Британияда кластерларнинг ўзига хос хусусиятлари⁹⁷

2.6-расмдан кўриниб турибдики, Буюк Британияда инновацион ривожланишда кластерларнинг қўлланилиши қатор афзалликларни беради. Хусусан, уларнинг битта мақсад бўйича марказлашуви, ихтисолашуви, турли фаолият турларининг мавжудлиги, ўзаро рақобат ва ҳамкорликнинг вужудга келиши, шунингдек кластерга кирган субъектларнинг барчасини инновацион жараёнларга жалб қилинганлиги каби қатор афзалликларига эга.

Таъкидлаш жоизки, инновацион ривожланишни қўллашда кластерлар жуда тез ривожланиш билан бирга, тез самара бериши билан ажралиб туради. Натижада, бугунги кунда инновацион кластерлар сони АҚШда – 380 та, Буюк Британияда – 168 та, Германияда – 32 та, Францияда – 96 та, Финляндияда – 9 тани ташкил этади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича Буюк Британия иқтисодиётининг деярли 50 % инновацион кластерлар ҳиссасига тўғри келади⁹⁸. Қуйидаги жадвалда Буюк Британияда инновацион ривожланишнинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

2.7-жадвал

⁹⁵ Портер М. Конкуренция. М.: Изд. дом «Вильямс», 2003

⁹⁶ The Science and Innovation White Paper-Excellence and Opportunity: a science and innovation policy for the 21st century. Synopsis of Policy Options for Creating a Supportive Environment for Innovative Development. ECE/CEC/I/2008/3, Geneva, 9 September 2008.

⁹⁷ Таъкидотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

⁹⁸ E. B. Lenchuk and G. A. Vlasin. The Cluster Approach in the Innovation Development Strategy of Foreign Countries. Science and technology.

**Буюк Британия иқтисодиётининг 2014-2018 йилларда айрим
макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот⁹⁹**

Кўрсаткичлар	2014	2016	2018
ЯИМ, млрд доллар	3036,31	2669,11	2828,83
Экспорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг ЯИМга нисбатан улуши, %да	28,2	28,3	29,9
Жумладан юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар экспортини жами, млрд доллар	70,65	72,14	74,83
Саноат товарлари экспортида юқори технологияли маҳсулотлар улуши, %да	21	24	26
Жами экспорт маҳсулотлари таркибид ахборот ва коммуникация технологиялари маҳсулотлари улуши, %да	4,2	4,4	5,7

2.6-жадвалда берилган маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакат ЯИМ 2014 йилда 3036,31 млрд.долларни ташкил қилган. Шунингдек, 2014 йилда ЯИМга нисбатан экспорт маҳсулотлари улуши 28,2 фоизни ташкил этган. Экспорт маҳсулотлари таркибидаги юқори технологияли маҳсулотларининг миқдори 70,65 млрд.долларни ташкил этгани ҳолда, жамига нисбатан 8,7 %ни ташкил этган. 2018 йилда эса ушбу кўрсаткич 74,83 млрд.долларни ташкил ташкил этган. Саноат товарлари экспортида юқори технологияли маҳсулотлар улуши 2014 йилда 21 фоизни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб эса бу кўрсаткич 26 фоизга ўсган. Бундан ташқари ахборот ва коммуникацион технологияларга асосланган маҳсулотларнинг экспорт улуши таҳлил қилинган 2014-2018 йилларда мос равишда 4,2 ва 5,7 %ларни ташкил этган.

Қуйидаги жадвалда Буюк Британиянинг охириги уч йилда инновациялар бўйича рейтинг келтирилган.

2.7-жадвал

**2017-2019 йилларда Буюк Британиянинг инновациялар бўйича
рейтинги¹⁰⁰**

Йиллар	Глобал инновацион индекс	Инновациялар	Инновациялар натижалари
2019	5	6	4
2018	4	4	6
2017	5	7	6

⁹⁹ Жаҳон банкнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмиси 2016.
<http://data.worldbank.org/indicator/NY.EXP.GNFS.ZS>

¹⁰⁰ www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2019/de.pdf

Юкоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда Буюк Британия инновациялар ҳажми бўйича 6-ўринни эгаллаб турибди. Бу эса 2018 йилга нисбатан салбий, 2017 йилга нисбатан олганда бир поғона юкори рейтинг ҳисобланади. Инновацияларнинг натижалари бўйича эса 4-ўринда бўлиб, утган йиллар билан таққослаганда бирмунча ижобий кўринишга эга.

Хулоса қилиб айтганда, Буюк Британияда инновацион ривожланиш тирих ва бугунги кунига баҳо берадиган бўлсак, инновациялар асосида иқтисодий ўсиш омиллари тўлиқ таъминланганлигини кўришимиз мумкин, унинг ижобий жиҳатларини мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг йўлга қўйишда фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

§2.3. Инновацион ривожланишнинг таъминлашнинг Германия тажрибаси ва моделлари

Европа Иттифоқининг иқтисодий ривожланган етакчи давлатларидан бири сифатида Германия ўзига хос инновацион ривожланиш йўлига эга. Чунки, барча ривожланган давлатлар каторида Германия ҳам инновацион ривожланиш заруриятини ўз вақтида англаган ҳолда иқтисодий сиёсат юритган. Шунинг учун кўп йиллар мобайнида фан ва техника ютуқлари ҳамда илм-фан салоҳияти миллий иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаб келмоқда. Зеро, бугунги кунда мамлакатда ишлаб чиқарилган айрим юкори технологияли товарлар борки, миллий гуруҳ даражасига кўтарилган.

Германиянинг инновацион ривожланиш модели ўзига хос жиҳати шундаки, иқтисодий адабиётларда олимлар гарчи уни “Евроатлантика” модели каторига киритган бўлсада, айрим иқтисодий манбаларда АҚШнинг “Уч ёқлама спираль” моделига ўхшаш жиҳатлари мавжудлигини таъкидлашади¹⁰¹. Бизнинг фикримизча бунинг асосий сабаби иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Германия федератив республикасининг АҚШ назоратида бўлишидир. Ўз навбатида иқтисодий ривожлантириш бозор муносабатларига асосланган бўлган.

Дунё мамлакатларининг миллий иқтисодий инновацион ривожлантириш моделлари турлича бўлишига қарамай, уларнинг айрим ўхшаш жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, миллий иқтисодий инновацион ривожлантириш зарурияти асосан иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда юзага келди. Зеро, 1945-1955 йилларда дунёнинг деярли барча давлатларида пафқат ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий вазият ҳам оғир аҳволда бўлган. 1945 йилдан кейинги даврда Италия, Япония каби урушда мағлуб бўлган давлатлар каторида Германия иқтисодий ҳам танг аҳволда бўлган. Бундан ташқари давлатнинг АҚШ ва СССР томонидан иккига бўлиб олинганлиги иқтисодий тангликни янада чуқурлаштирди. Германия иқтисодий икки бутунлай қарама-қарши тузум асосида ривожланди. Яъни, бир тарафдан бозор муносабатларига асосланган ғарб иқтисодий модели амал қилса, иккинчи тарафдан бундай моделни инкор этувчи маъмурий буйруқбозликка асосланган

¹⁰¹ Шахлин В. Германия – это не только высокие технологии // Эксперт. №25. 2010.

режали иқтисодиёт барпо килинди. Ваҳоланки, бугунги кунда Германия иқтисодиёти юқори технологияли маҳсулотларни экспорти бўйича етакчи ҳисобланади.

Германияда инновацияларни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги эътиборли жиҳатларидан бири шундаки, илмий тадқиқот марказлари ва таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишларини молиялаштиришда давлат ҳал қилувчи рол ўйнайди. Масалан, олий таълим муассасаларининг 80 % илмий тадқиқот харажатлари давлатга қарашли 5 та йирик илмий бирлашмалар ҳисобидан молиялаштирилади¹⁰². Ўз навбатида Германиядаги 20 % илмий-тадқиқот ишлари ва бу соҳада иш билан банд бўлган жами иқтисодий фаол аҳолининг 30 % университетларда фаолият юритади¹⁰³. Лекин, давлат микёсида илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик йўналишига қилинаётган умумий харажатларнинг 30 %гана давлат маблағлари ҳиссасига, 70 % хусусий компаниялар ҳиссасига тўғри келади.

Германия ҳукумати 21 аср замонавий иқтисодиётининг алоҳида хусусиятларини ўрганиб, унинг талабларига муносиб жавоб бериш мақсадида 2006 йил “Германиянинг юқори технологиялар соҳасидаги стратегияси, Стратегия-2006” Ҳукумат даражасидаги ҳужжатини қабул қилди. Ушбу ҳужжатни мазмун моҳиятини ўрганиш бўйича қуйидаги жадвалда Германия миллий инновация сиёсатининг устуи ва камчиликларини келтириб ўтамиз.

Устуилик ва камчилиги. XXI аср замонавий иқтисодиётининг хусусиятлари: 2017 йилда реал сектор корхоналарининг 40 % инновация сиёсати иштирокчилари ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек кичик бизнес субъектларининг 45 % инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки ўз фаолиятида инновацияларни мунтазам жорий этувчи корхоналар ҳисобланади. Бу албатта, Германия иқтисодиётини инновацион рақобатбардошлигини оширади. Лекин, таҳлиллар шунини кўрсатадики, ушбу кўрсаткич 2000 йилдан пасайиш тенденциясига эга. Яъни, 2000 йилда иқтисодиётда 50 %дан кўп корхоналарда илм-фан ютуқлари доимий жорий этилган. Бизнинг фикримизча айнан шунинг учун бугунги кунда Германия машинасозлик ва ишлаб чиқариш ускуналари бозорида, шунингдек медицина ва нанотехнологиялар, энергия тежовчи технологияларни ишлаб чиқаришда дунёда етакчилик қилади. Лекин, жаҳон иқтисодиётини глобаллашуви шароитида экспортга асосланган Германия иқтисодиётини барқарорлигини таъминлашнинг ягона йўли сифатида юқори технологияли инновацион маҳсулотлар салмоғини кўпайтиришни тақозо этади. Аксарият иқтисодчи экспертлар Германия иқтисодиётига таъриф бериб, “Германия иқтисодиёти асосан бугунги кун маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган – деяр таъкидлайдилар”. Албатта, келажакда янги бозорларга эгалик қилиш учун илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтириш талаб этилади.

¹⁰² Фонд поддержки молодых ученых. Германия. [Электронный ресурс]. – URL: <http://funduma.ru>.

¹⁰³ Опыт Европы. США и Индия в сфере государственной поддержки инноваций // Российский юридический журнал, №1. 2011.

Германияда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига сарфланаётган маблағлар 2010-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлсада, унинг жаҳон миқёсидаги харажатларга нисбатан улуши камайиб бормоқда. Масалан, 1981 йилда халқаро илмий тадқиқот ишларига сарфланаётган харажатларда Германиянинг улуши 11 %ни ташкил этган бўлса, 2007 йилда 6 %ни ва 2020 йилга келиб ушбу кўрсаткич 5 %гача пасайган¹⁰⁴. Халқаро нуфузли ташкилотларнинг таҳлилларига кўра Германия давлати илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари харажатлари бўйича 2020 йилда Европанинг аксарият мамлакатларидан юқори ўринда турсада, умумий рўйхатда 9 ўринда туришини таъкидлашмоқда¹⁰⁵. Қуйидаги жадвалда Германия ва айрим европа мамлакатларида 2020 йилда ИТТК фаолиятига ажратилаётган маблағлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Европа иттифоқи давлатларида 2014 – 2020 йилларда илмий тадқиқотларга сарфланган маблағлар ўртача йилига 2 % ўсишни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Германияда 3 %ни ташкил этгани ҳам аҳамиятлидир¹⁰⁶.

2.8-жадвал

**Айрим мамлакатларда ИТТКнинг асосий
кўрсаткичлари¹⁰⁷**

№	Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик (ИТТК) фаолияти кўрсаткичлари	Бельгия	Франция	Германия	Дания	Финляндия	Швеция	ЕИ27
1.	ИТТК харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши, % ҳисобида.	2.21	2.24	2.88	3.09	3.78	3.37	1.94
2.	Корхоналар ИТТК харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши, % ҳисобида.	2.70	2.19	3.04	1.66	2.76	3.40	1.97
3.	Жами ИТТК харажатларида хусусий сектор улуши, % ҳисобида.	68.70	63.44	67.33	67.57	70.46	69.29	61.88
4.	Саноат корхоналари ИТТК харажатларида давлатнинг улуши, % ҳисобида.	9.39	7.66	13.54	4.97	8.54	3.62	11.29
5.	ИТТК харажатларида чет эл капитали улуши, % ҳисобида.	8.79	11.4	25.91	27.1	25.1	21.2	-

2.8-жадвал маълумотларидан кўрииб турибдики, Германияда 2017 йилда ИТТК харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши 2,88 %ни ташкил этгани ҳолда, бу кўрсаткич Франция, Бельгия, каби Европа давлатларига нисбатан юқори бўлсада, Финляндия, Швеция, Даниядан кейинги ўринда эканлигини таъкидлаш мумкин. Ўз навбатида корхоналар ИТТК харажатларининг ЯИМга нисбатан улуши Германияда 3,04%ни ташкил этиб, бу ЕИнинг ўртача 1,94 %

¹⁰⁴ Innovationsstandort Deutschland: zu früh gefreut / IWD, №50, 15. Dezember 2015, S.4

¹⁰⁵ Report of The Global Innovation Index 2018. Effective Innovation Policies for Development.

¹⁰⁶ «Обзор состояния экономики и основных направлений внешнеэкономической деятельности ФРГ в 2017 году» - Торговое представительство России в Германии, 2017..

¹⁰⁷ Annual Report on Science and Technology Indicators for Belgium 2018

кўрсаткичидан юқори бўлиб ижобий ҳолат сифатида қаралади. Лекин, саноат корхоналарининг ИТТК фаолияти учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлар нисбатан паст даражада эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, саноат корхоналари ИТТК харажатларида давлатнинг улуши кўрсаткичи ЕИ ўртача 11,29 %ни ташкил этгани ҳолда, Германияда бу кўрсаткич мос равишда 13,54 %ни ташкил этмоқда. Таҳлиллар натижасида шакллантирилган хулосага асосан фикримизча, Германияда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти билан шуғулланувчи чет эл компаниялар фаолиятини солиқлар орқали рағбатлантириш функциялардан кўпроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Германияда инновацион фаолиятни рағбатлантириш учун мақсадли солиқ имтиёзлари жорий этилган. Жумладан, фойда солиғи базаси ИТТК ишларига сарфланган харажатлар миқдориға камайтирилиши, корхоналарнинг инновацион фаолият билан шуғулланиш учун ташкил этилган мақсадли жамғармалари ёки шундай жамғармаларға йўналтирилган маблағлари солиқлардан бутунлай озод этилиши, корхоналар ва ташкилотларнинг университет, илмий тадқиқот марказларининг илмий тадқиқотлар олиб боришға боғлиқ моддий техника базасини мустаҳкамлаш бўйича йўналтирилган асбоб ускуналари ёки маблағлари миқдориға фойда солиғи базаси камайтирилиши, инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар акциясидан олинган дивидендларнинг солиқдан озод этилиши, инновацион лойиҳаларни амалға ошираётган корхоналарға солиқ таътилларини жорий қилиниши каби имтиёз ва преференцияларни мамлакатимиз солиқ тизимида ҳам жорий этилиши, бу йўналишдаги ишларимизни янада жадаллаштиришға ижобий таъсир кўсатади.

Биз аввалги параграфларда таъкидлаб ўтганимиздек, 21 асрда миллий иқтисодиётни барқарорлигини таъминлашнинг энг асосий омилларидан бири илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда юқори технологияли инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бундай натижаға эришинишнинг асосий мезонларидан бири эса, мамлакатда таълим, илм-фанни бир сўз билан айтганда инсон капиталини ривожлантириш ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда бу ҳақда маълумотлар келтирилган.

2.9-жадвал

2017 йилда айрим давлатларда инсон капитал кўрсаткичлари
тўғрисидаги маълумотлар¹⁰⁸

№	Инсон капитал кўрсаткичлари	Бельгия	Франция	Германия	Дания	Финляндия	Швеция	ЕИ28
1.	Олий маълумотли аҳоли таркибида 25-44 ёшли улуши (жамғага нисбатан, %)	11.7	43.4	11.1	13.1	11.1	14.5	-

¹⁰⁸ National Science Board | Science & Engineering Indicators 2017. Annual Report on Science and Technology Indicators for Belgium 2017

	хисобиди)							
2.	Янги таълимий ходим-мизланувчи битирувчилар(25-34 ёшдаги ҳар 1000 кишига нисбатан сони)	1.5	1.5	2.7	2.1	2.6	2.9	1.5
3.	Жами илмий тадқиқотчиларида банд бўлган персонал(1000 та банд аҳоли сонига нисбатан)	17.66	15.59	15.51	21.51	19.24	17.78	12.95
4.	Жами тадқиқотчилар(1000 та банд аҳоли сонига нисбатан)	9.4	9.0	8.1	13.4	15.9	10.6	7.0

2.9-жадвал маълумотларини таҳлили натижасида Европанинг деярли барча давлатларида аҳоли таркибида катта ёшларнинг улуши салмоқли эканлигини хулоса қилишимиз мумкин. Германияда эса бу кўрсаткич Европанинг бошқа давлатларига нисбатан ҳам пастроқ даражада бўлиб, 2017 йилда олий маълумотли аҳоли таркибида 35-44 ёшларнинг улуши, жамига нисбатан 11,1 %ни ташкил этган. Бундан ташқари жами илмий тадқиқотчиларида банд бўлган персоналнинг ўртача сони 15,51 ни, тадқиқотчиларнинг ўртача сони эса ҳар минг кишига 8,1 ни ташкил этиб, бу кўрсаткич ҳам нисбатан паст ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда кичик бизнес субъектларини аҳамияти нафакат ривожланаётган, балки ривожланган мамлакатларда ҳам ўз ўрнига эга. Айниқса, Германия иқтисодиётидаги жами корхоналарнинг 98 % кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил этиши иқтисодиёт рақобат муҳитини нечоғлик юқорилитгидан далолат беради. Германия ҳукуматиغا қарашли Олмон давлат банки (*Kreditanstalt für Wiederaufbau-KfW*) маълумотларига кўра бугунги кунда Германияда ҳўжалик юритувчи субъектлар таркибида кичик ва ўрта бизнес субъектларининг улуши 98%ни ташкил этган ҳолда, уларнинг 45 % инновацион фирмалар ҳисобланади¹⁰⁹. Қуйидаги жадвалда айрим давлатларда кичик бизнес субъектларининг илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

2.10)жадвал

Айрим мамлакатларда илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик фаолияти кўрсаткичлари¹¹⁰

Кичик бизнес субъектларининг(КБС) илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик (ИТКБ) фаолияти кўрсаткичлари	Белгия	Франция	Германия	Дания	Финландия	Ирландия	Швеция	ЕИ28
Инновацион КБС, жами кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан % ҳисобида.	39.80	29.95	45.25	40.81	33.18	38.76	37.68	31.83
Инновацион ҳамкорлик қилувчи КБС (жами КБС нисбатан % ҳисобида)	20.15	11.09	14.01	15.46	16.50	11.93	17.47	11.69

¹⁰⁹ «Обзор состояния экономики и основных направлений внешнеэкономической деятельности ФРГ в 2017 году» - Торгпредство России в Германии, 2017.

¹¹⁰ OECD (2017). Main Science and Technology Indicators Volume 2017 Issue 2. OECD Publishing.

Инновацион маҳсулот ва жараёни жорий қилган КБС (жами КБС ҳисобатан % ҳисобида)	50.34	32.68	57.00	41.60	44.75	45.50	47.38	38.44
Инновацион маркетинг ва бошқарув шаклини жорий этган КБС	41.73	42.80	60.55	42.64	38.89	45.04	42.15	40.3
Бозорга янги инновацион товарлар тақдифи (жамига ҳисобатан %ҳисобида)	14.37	14.73	15.50	14.96	15.29	9.32	8.37	14.37

2.9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Германия иқтисодиётиги инновацион ривожлантиришда кичик бизнес субъектлари ўрни бекиёс. Агар йирик компаниялар ўзининг инновацион маҳсулотларини машинасозлик, автомобилсозлик, кимё саноатига йўналтирса, кичик бизнес субъектлари “келажак технологиялари” яратади.


Юқори технологияли инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари салмоғи жамига ҳисобатан 45,25 %ни ташкил этгани ҳолда, инновацион жараён ёки технологияларни жорий этгани билан биргаликда 57 %ни ташкил этиши ижобий ҳолат сифатида қаралади. Шуниси эътиборга лойиқки, Германия жадвалнинг барча кўрсаткичлари бўйича ЕИ давлатлари ўртача кийматидан юқорида ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатда илмий тадқиқот натижалари бўйича олинаётган патентларнинг 75 % айнан кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келиб, жами 32 мингга яқин бизнес субъектлари илмий тадқиқот ишларига инвестиция киритишга ва жалб қилишга ихтисослашган. Улар томонидан яратилган илмий техника янгиликларининг коммерцияси 110 мингга яқин кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилади. Бизнинг фикримизча юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги кичик бизнес субъектларининг иқтисодий фаоллиги туфайли Германия дунё инновацион маҳсулотлар бозоридан АҚШ ва Япониядан кейинги учинчи ўринда туради. Германия иқтисодиётига 2009 йилдан буён жаҳон бозоридаги юқори технологияли инновацион маҳсулотлар савдосидан 530 млрд-доллар миқдорида маблағ олиб келмоқда¹¹¹.

Халқаро экспертлар Германия муаллифлик ҳукуки химояланганлик даражаси бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Шунингдек, мавжуд патентлар билан боғлиқ маълумотлар тақдим қилиш тизими ҳам яхши ривожланган. Мамлакатнинг Мюнхен ва Берлин каби йирик шаҳарларида патент кутубхоналари фаолият юритиши билан бир қаторда, бутун мамлакат бўйлаб 25 та тармоқ ташкилотлари фаолият юритади. Албатта, бундай тажрибани мамлакатимизда қўлланилиши муаллифлик ҳукукини химоялаш билан бирга, илмий ишланмаларнинг манфаатдорлигини оширади. Қуйидаги расмда Германиянинг инновацион корхоналари томонидан яратилган патентларнинг савдоси таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган¹¹².

¹¹¹ См.: Патрик Э., Яшин В. Инновационная деятельность в Германии // Проблемы теории и практики управления. 2009. № 1. С. 62–63.

¹¹² Сумленный С. Технологии на экспорт. Немецкие компании весьма активно участвуют в технологическом трансфере. «Эксперт», №4, 2016 год.



2.7-расм. Германия корхоналарининг патент ва илмий ишланмалари савдосида давлатларнинг улуши¹¹³, (% ҳисобида, 2016).

Шунингдек, илмий янгиликларга олинаётган патентлар бўйича ҳам Германия мамлакати Япония ва АҚШдан кейинги учинчи ўринда туради. 2.7-расм маълумотларига кўра немис компаниялари патент ва ишланмаларининг асосий қисмини, яъни 36 %ни АҚШга ва 24 %ни Европа давлатларига сотали. Ўз навбатида иқтисодий манбаларда келтирилишича Германияга импорт қилинаётган патент ва илмий ишланмаларнинг 60 % АҚШ ҳисобига тўғри келади.

Инновацияларни ривожлантириш омилиданидан яна бири бу ҳукумат даражасидаги дастурларнинг қабул қилинишидир. Бугунги кунда федерал ва ҳудудларда инновацион ҳамда инвестицион фаолликни ошириш бўйича 500 дан ортиқ дастурлар амал қилади. Масалан, 1978 йилдан буён амалда бўлган “Кичик ва ўрта корхоналарнинг илмий-техникавий сиёсати концепцияси” асосан илмий кадрларни қўллаб қувватлаш, кичик корхоналар янги технологияларини трансфери ва давлат аҳамиятига молик илмий тадқиқот лойиҳаларини молиялаштириш шартларини белгилаб беради.

Янги ташкил этилаётган инновацион кичик корхоналарни қўллаб қувватлаш мақсадида “Янги ташкил этилган корхоналарни рағбатлантириш” дастури жорий қилинган. Дастурга асосан, инновацион янги корхоналарга 5-15 йилга паст фойзли кредитлар тақдим этилади. Дастурнинг ижросини доимий федерал ҳукумат назоратида бўлиб, айниқса иқтисодий рентабеллиги юқори бўлган илмий лойиҳалар молиялаштирилади. Германиянинг Иқтисодиёт ва технологиялар федерал вазирлиги томонидан 2008 йил 1 июлдан кичик ва ўрта корхоналар учун (*Zentrale Innovationsprogramm Mittelstand, ZIM*) бош инновацион дастурини эълон қилди. Ушбу дастур доирасида кичик бизнес субъектларининг турли лойиҳаларини экспертиза қилиш, кичик ва йирик

¹¹³ Сумасенный С. Технологии на экспорт. Немецкие компании весьма активно участвуют в технологическом трансфере. «Эксперт», №4, 2016 год.

корхоналар ўртасидаги инновацион кооперацияни ташкил этиш каби масалалар ижобий ечимини топди.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилда инновацияларни ривожлантириш бўйича бир қатор индикаторлар асосида ҳисобланадиган глобал инновация индексида гарчи Германия давлати Европа иттифоқининг Швецария, Буюк Британия, Швеция, Финляндия, дания каби айрим давлатларидан кейинги навбатларда, яъни 9 ўринда¹¹⁴ бўлишига қарамай, Германия иқтисодиёти рақобатбардошлиги бўйича 5 ўринда, инновацияларни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш муҳити бўйича эса Европада биринчи ўринда турганлиги алоҳида аҳамият касб этади¹¹⁵. Фикримизча Германия иқтисодиёти диверсификацияланганлиги ва юкори технологияларга асосланган инновацион маҳсулотларни хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Бунга мисол тариқасида, Европадаги юкори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарадиган 10 та йирик компанияларнинг 5 таси Германияда ташкил этилганлигини келтиришимиз мумкин¹¹⁶.

2.11-жадвал

Германия иқтисодиётининг 2011-2014 йилларда айрим кўрсаткичлари тўғрисида маълумот¹¹⁷

№	Кўрсаткичлар	2014	2016	2018
1	ЯИМ, млрд.доллар	3890,10	3468,19	3951,34
2	Экспорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг ЯИМга нисбатан улуши, %да	45,7	39,6	46,7
3	Жумладан юкори технологияларга асосланган маҳсулотлар экспортн жами, млрд.доллар	199,83	186,54	201,8
4	Саноат товарлари экспортида юкори технологияли маҳсулотлар улуши, %да	16	15	18
5	Жами экспорт маҳсулотлари таркибида ахборот ва коммуникация технологиялари маҳсулотлари улуши, % да	4,5	4,2	4,8

2.11-жадвалда берилган маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакат ЯИМ 2014 йилда 3868,29 млрд.долларни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 3951,34 млрд.долларни ташкил қилган.

Шунингдек, 2014 йилда ЯИМга нисбатан экспорт маҳсулотлари улуши 3890,10 млрд.долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилда эса 3951,34 млрд.долларни ташкил этган. 2014 йилда экспорт маҳсулотлари таркибидаги

¹¹⁴ Report of The Global Innovation Index 2019. Effective Innovation Policies for Development.

¹¹⁵ Insight Report. The Global Competitiveness Report 2017-2019. Full Data Edition. Geneva.

¹¹⁶ «Обзор состояния экономики и основных направлений внешнеэкономической деятельности ФРГ в 2017 году» - Торговое представительство России в Германии. 2015.

¹¹⁷ Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаффиқ ишланмаси 2016. <http://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>

юқори технологияли махсулотларининг миқдори 199,83 млрд.долларни ташкил этган бўлса 2018 йилда ушбу кўрсаткич 201,8 млрд.долларни ташкил этиб, ўсиш тенденциясига эга. Бундан ташқари ахборот ва коммуникацион технологияларга асосланган махсулотларнинг экспорт улуши таҳлил қилинган 2014-2018 йилларда ушбу кўрсаткич 4,5 – 4,8 % атрофида тебраниб турганини кўришимиз мумкин. Албатта, таҳлил қилинган 2014-2018 йилларда Германияда экспорт қилинган махсулот ва хизматларнинг ЯИМга нисбатан улуши, 45,7 %дан 46,7 %гача ўсганлиги ижобий ҳолат сифатида қаралади. Бундай ҳолат жаҳон бозорида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омили ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда Германиянинг инновациялар бўйича 2017-2019 йиллардаги рейтинг берилган.

2.12-жадвал

Германиянинг 2017 – 2019 йиллардаги инновациялар бўйича рейтинг¹¹⁸

Йиллар	Глобал инновацион индекс	Инновациялар	Инновациялар натижалари
2019	9	12	9
2018	9	17	5
2017	9	17	7

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда Германия инновациялар ҳажми бўйича 12-ўринни эгаллаб турибди. Бу эса ўтган йилларга нисбатан олганда ижобий натижа ҳисобланади. Инновацияларнинг натижалари бўйича эса 9-ўринда бўлиб, ўтган йиллар билан таққослаганда бирмунча салбий кўринишга эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаганда, Германия инновацион ривожланиш йўлининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, айнан шу хусусиятлари бугунки кунда мамлакат миллий иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишида ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда.

Монография ишининг иккинчи бобида Америка ва Европа қитъасида жойлашган АҚШ, Буюк Британия ва Германия мамлакатларида инновацион ривожланишнинг назариялари, омиллари, ҳолатини атрофлича тадқиқ этиш асосида қуйидаги ишланмалар шакллантирилди:

– халқаро амалиётда мамлакатлар миллий инновация тизимини шакллантириш бўйича турли моделлар мавжуд. Айниқса, АҚШ Стенфорд университети профессори Генри Ицковиц томонидан таклиф қилинган “Уч ёклама спираль” (*Triple Helix*) модели энг самарали моделлардан ҳисобланади, АҚШнинг миллий инновация тизими ушбу моделга асосланади;

– АҚШда инновацион ривожланишни амалга оширишда таълим муассасалари етакчилик қилиб, улар бевосита инновацион иқтисодиёт билан ҳамкорликда фаолият юритади. Бу қуйидаги ўзаро боғлиқликда ташкил

¹¹⁸ www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2019/de.pdf

этилади. 1-бўгин: таълим муассасалари, 2-бўгин: илмий марказлар, лабораториялар, илмий-тадқиқот институтлари, 3-бўгин: инновацион кластерлар;

– инновацион ривожланишда молиялаштириш муҳим масалалардан ҳисобланиб, 1991 – 2009 йилларда АҚШ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 588 млрд АҚШ доллари миқдоридagi илмий тадқиқотлар молиялаштирилган. АҚШнинг инновацион ривожланиш амалиётида узок вақт давомида фан ва технологияларни ривожлантиришга ажратиладиган маблағлар таркибида хусусий секторнинг улуши юқори ҳисобланади;

– АҚШда 1980 йилларга келиб миллий инновация тизимининг концептуал асослари шаклланди. АҚШнинг миллий инновация тизими юқорида таъкидланганидек, давлат, университет ва тadbirkorлар ўртасидаги узвий алоқалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосини йирик технопарклар, бизнес-инкубаторлар, венчур жамғармалар, махсус иқтисодий зоналар ва молия-саноат гуруҳлари ташкил этади;

– АҚШ инновацион ривожланишда дунёнинг етакчи институт ва илмий марказларининг кучли иқтисодчи ва бошқа соҳа олимлари жалб этилади. Масалан, компьютер технологиялари бўйича Хитой ва Хиндистон давлатларидан таширф буюрган бўлса, математика ва бошқа аниқ фанлар бўйича олимлар Россиядан таширф буюрган;

– АҚШда инновацион ривожланишда кластерларнинг аҳамияти жуда юқори бўлиб, уларнинг қаторига Силикон водийси, Силэтл, Такома ва Олимпияда – аэрокосмик техника ва ахборот технологиялари; Миннеполис ва Джексонвилда – тиббиёт ускуналари; Питтсбург, Акрон, Кливлендда – “тоза” ва табиий энергетика технологияси; Канзас-Ситида – биотехнология ва замонавий химия; Бостонда – биотехнологиялар ва Остин Даллас ҳудуди – ярим ўтказгичли технологиялар устида илмий тадқиқот марказларини келтириш мумкин;

– АҚШда инновацион ривожланишга ижобий таъсир кўрсатган омилардан яна бири 1950 йиллардан пайдо бўлган венчур компаниялари ҳисобланади, улар давлат томонидан фаол рағбатлаштириб борилади;

– ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиш йўлининг бир қатор ўхшаш жиҳатлари мавжуд бўлиб, миллий иқтисодиётда илм-фанни самарадорлигини ошириш мақсадида узок муддатли инновацион ривожланиш дастурларини қабул қилинишидир;

– дастлаб Буюк Британияда инновацион ривожланиш асосан ҳарбий мудофаада кенг ривожланган бўлиб, Ғарбий Европа давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллаган. 1945 йиллардан сўнг инновацион ривожланиш бўйича ҳарбий соҳага қилинадиган харажатлар камайтирилиб, ядрофизика тадқиқотлардан воз кечиш ҳисобида радиоастрономия ва юкоримолекуляр моддаларнинг хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратди, бу ўзининг ижобий самарасини берди. Бугунки кунда Буюк Британия астрофизика ва молекуляр биология соҳасидаги тадқиқотлар бўйича дунёда етакчи давлатлардан ҳисобланади;

– Буюк Британия инновацион ривожланиш асосан энг қадимги таълим муассасалари ҳисобланган университетларда амалга оширилади, улар қаторига Оксфорд, Кембридж, Лондон каби университетлари қошида илмий-тадқиқот марказларни киритиш мумкин;

– Буюк Британияда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш учун иқтидорли хорижий талабаларга жуда катта миқдорда грантлар жорий этган, мамлакатда таҳсил олаётган хорижий талабалар сони жиҳатидан дунёда АҚШдан кейинги ўринда туради;

– Буюк Британияда интеллектуал мулкка эгаллик ҳукуки бевосита таълим муассасалар ёки илмий тадқиқот институтларига берилган. Шу боис ишланма учун таълим муассасаси масъул бўлиш билан бирга, ишлаб топилган молиявий маблағлар ҳам муассаса томонидан тақсимланади;

– Германиянинг миллий инновация тизими “Евроатлантика” модели асосида ривожланган бўлсада, айрим мамлакатларда АҚШнинг “Уч ёқлама спираль” моделига ўхшаш жиҳатлари мавжудлигини таъкидланади. Ўхшаш жиҳатларидан бири сифатида университет илмий тадқиқот харажатларининг асосий қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялантирилади;

– юқори технологияли инновацион маҳсулотларни миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятини янада ошириш мақсадида 500 га яқин ҳукумат даражасидаги дастурлар қабул қилинган. Масалан, бугунги кунда 2010 йил 14 июлда қабул қилинган амалдаги “Германиянинг юқори технологиялар соҳасидаги 2020 йилга қадар Стратегияси (Стратегия-2020)” энг йирик дастурларидан бири келтириш мумкин;

– илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларининг ядросини ташкил этувчи интеллектуал соҳа вакиллари шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Гарчи ёш олимларнинг салмоғи пасайиб бориш тенденциясига эга бўлсада, бугунги кунда Германияда 600 мингга яқин ёки аҳолининг 0,73 % ИТТК соҳасида банд бўлганлар ҳисобланади¹¹⁹;

– Германияда илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчиларнинг ҳукуклари юқори даражада ҳимояланган. Шунингдек, ИТТК фаолиятининг мустақкам қонунчилик базаси шакллантирилган. Меъёрий ҳужжатларда илмий тадқиқотчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, илмий ишланма трансфери, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари ва улардан олинadиган фойдани тақсимлаш қабилар аниқ ёритилган;

– Германиянинг инновацион сиёсати асосан ахборот коммуникация, атроф муҳитни сақлаш, медицина, фармацевтика ва энергиятежовчи инновацион маҳсулот, иш ва хизматларни реализация қилишга йўналтирилган;

– мамлакатимизда иқтисодиётини барқарорлигини таъминлашда ИТТКИларини соликларнинг рағбатлантириш функцияси ёрдамида ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, корхоналар фойда солигини ҳисоблашда, солиқ базасини илмий ишланмаларга сарфланган маблағлар миқдорида қисқартирилиши мақсадга мувофиқ;

¹¹⁹ «Обзор состояния экономики в основных направлений внешнеэкономической деятельности ФРГ в 2016 году» - Торгпредство России в Германии. 2017.

— илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб қувватлаш мақсадида, корхона устав капиталини шакллантиришга йўналтирилган маблағлар миқдоридан келиб чиқиб, табақалаштирилган солиқ имтиёзларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда, солиқ имтиёзи муддати илмий тадқиқот билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхонанинг устав капитали миқдorigа қараб белгиланади.

III БОБ. ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

3.1 Жанубий Кореяда инновацион ривожланишнинг ўрни ва йўналиш соҳалари.

Корея Республикаси Осиё-Тинч океани минтақасининг энг жадал суръатларда ривожланаётган иқтисодиётга эга мамлакатлардан ҳисобланиб, ЯИМнинг номинал қиймати бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Шунга қарамай 2008 йилда бошланган жаҳон-моливий иқтисодий инқирози мамлакатда инновацияларни ривожлантириш, молия ва ташқи савдо соҳасида ҳалқаро муносабатларни кенгайтириш, инқирозни оқибатларини бартараф этгиш каби масалалар мамлакат олдида тезликда ҳал қилиниши зарур бўлган талай масалаларни қўйди.

Жанубий Кореянинг инновацион ривожланиш йўлини таҳлил этиб, иқтисодиёт барқарорлигини таъминлашда илм-фанни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилганига гувоҳи бўлдик. Кореянинг инновацион ривожланиш тарихини бир неча босқичга ажратиш бўлиш мумкин.

Биринчи босқич Ли Син Ман президентлиги даврига (1948- 1960й.) тўғри келиб, унга хос бўлган хусусият давлат томонидан иқтисодиётни бошқариш тузилмаси шаклланишидир. Бу даврда давлат сектори шаклланди. Иқтисодий фаолиятни дастлабки стратегик дастурлар ва режаларни ишлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш йўли билан тартибга солишга ҳаракат қилинди.

Бу давр Корея иқтисодиёти учун импорт ўрнини босиш даври бўлди, импорт ўрнини босишга қаратилган сиёсат Корея иқтисодиётининг давлат сектори кенгайишига имкон яратди. Ушбу сектор аввал собиқ япон капитали ва мулкчи ҳисобидан шаклланди, кейинчалик хорижий инвестициялар ҳисобига турли саноат корхоналари, транспорт ва алоқа объектлари қурилди, бу эса иқтисодий инфратузилма яхшиланишига олиб келди. Иқтисодиётни дастлабки шаклланиш даврида бюджет тақчиллиги юқори бўлса ҳам, илм-фанга ажратилаётган маблағлар салмоғини қисқартирмаган. Бу давлатнинг илмий техникавий фаолиятини ривожлантириш сиёсати натижаси эди. Шунингдек, давлат илмий тадқиқот ишларига хусусий секторни ҳам жалб қилди. Бундай компанияларни иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида солиқ, молия-кредит ва божхона имтиёзлари жорий этилди. Бунинг натижасида ушбу даврда бир қатор юқори технологияли маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар, жумладан, йирик монополистик корхоналар - "Самсунг", "Ляки Голдстар (LG)", "ДЭУ", "Хендэ" каби компаниялар шу даврда ташкил топди.

Корея иқтисодиётида давлатнинг иқтисодий сиёсати шаклланишининг иккинчи босқичи Пак Чон Хи маъмурияти даври бўлиб, у 1961-1979 йиларни қамраб олди. Бу давр Корея иқтисодиётининг экспортга йўналтирилганлик модели асосида жадал ривожланиш даври бўлди. Ушбу моделга хос хусусият

мавжуд имкониятлардан максимал фойдаланган ҳолда маълум маҳсулот турларини, улар ҳатто киёсий устунликлар берса ҳам, экспорт учун ишлаб чиқаришдан иборат бўлди. Ушбу ғояга давлатнинг барча иқтисодий вазифалари бўйсунирилган, маъмурий-бошқарув, хўжалик ва молиявий жиҳатдан мамлакат иқтисодиёти таркибини ҳудди шундай ривожланишига рағбатлантиришга қаратилган эди. Бундай ривожланишни қўллаб-қувватлаш айниқса жаҳон бозорига чиқиш истикболи юқори бўлган қайта ишловчи саноатга қаратилди. Бу даврда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизими фаол хусусиятга эга бўлди.

1962 йилда Корея иқтисодий тарихида биринчи марта беш йилга мўъжалланган режа тасдиқланди. Шунингдек 1967 йилда инновацион технологияларни иқтисодиётда аҳамиятини янада тезлаштириш учун Фан ва технологиялар вазирлиги ташкил этилди. Вазирликнинг ваколатларига давлатнинг миллий инновация тизимини шакллантириш, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлар бўйича қоралар кўриш, илмий тадқиқотлар қонунчилик базасини мустаҳкамлаш каби бир қатор ишларни амалга ошириш белгилаб қўйилди¹²⁰. Давлат томонидан бу йўналишдаги ишларни жадаллаштириш ва салоҳиятли кадрларни тайёрлаш учун 1966 йилда бюджет ҳисобидан молиялаштирилаётган Корея фан ва технологиялар институти (Korean Institute of Science and Technology, KIST) ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси саноат корхоналарида илм фан ютуқларини жорий этиш, хорижий илмий нисланмаларни ўрганиш ва ташқи бозорларни забот этиш бўйича тақлифлар тайёрлаш кабилар бўлган¹²¹.

Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни режалаштириш мана шу даврда кенг тус олди. Давлат томонидан иқтисодиёт ривожланишининг асосий йўналишини таълим ва ишлаб чиқаришни мувофиқлаштиришда истикболда ривожланишнинг ягона режаси ишлаб чиқилиб, бу режада кўрсатилган йўналишларга давлат корхоналари ва хусусий бизнес мослашиши керак эди, яъни давлат томонидан бошқариш тизими иқтисодий тузилманинг барча бўғинларини қамраб олган эди.

70-йилларда мамлакат ривожланишида ижобий ўзгаришлар юз берди. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон бозорида обрўси ошди, ташқи бозорга чиқиш имконияти кенгайди, экспортга йўналганлик натижасида мамлакатнинг очиклик даражаси ортиб борди. Хусусий капиталнинг қудрати ва фаоллиги ортди йирик, жаҳон бозорида рақобатбардош монополиялар вужудга келди.

Шу билан бирга Жанубий Корея бизнесининг давлат аппаратиغا боғлиқ эканлиги иқтисодиётнинг самарадорлиги ҳамда мослашувчанлигига путур етказди. Бюрократиянинг хўжалик фаолиятини тўлиқ назорат қилишга интилиши тадбиркорларнинг кўпчилигида, айниқса, кичик ва ўрта бизнес вакиллари орасида норозиликларга сабаб бўлди.

¹²⁰ Кореянинг фан ва технологиялар вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди. URL: <http://was.most.go.kr/most/english>

¹²¹ Кореянинг фан ва технологиялар институти маълумотлари асосида тайёрланди Korean Institute of Science and Technology (KIST). URL: <http://www.kist.re.kr/en>

Корея Республикаси иқтисодий ривожланишида учинчи босқич 1980-1987 йилларни камраб олиб, президент Чон Ду Хван даврида давлатнинг иқтисодиётга аралашувини қисқартиришга алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилди. Монополияни олдини олиш ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида инвестиция сиёсатига ва илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш эркинлаштирилди. 1982 йилда Кореяда биринчи “Илмий тадқиқот ва ишланмаларни ривожлантириш” умуммиллий дастури қабул қилинди. Давлатнинг узок муддатга мўлжалланган илмий тадқиқот стратегиясида амалий тадқиқотлар билан бирга фундаментал тадқиқотларга ҳам аҳамият қаратила бошланди. Илмий тадқиқот институтлари иқтисодиётнинг талабларидан келиб чиқиб, вазифлари қайта қўриб чиқилди. Ушбу даврда инновацион технологиялар инфратузилмасини яхшилаш мақсадида Даэдеок (Daejeon Science Town) шаҳарчаси ташкил этилди¹²². Албатта, бундай тажриба АҚШ ва Европа иқтисодиётида ҳам кузатилганини қўришимиз мумкин. Ушбу шаҳарча давлат томонидан молиялаштириладиган юкори илмий салоҳиятли институтлар, юкори технологияли ва венчур компаниялар ўртасидаги алоқаларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилди.

Тўртинчи босқич 1987-1992 йилларга тўғри келади, бу даврда давлат тасаруфига Ро Дэ У маъмурияти келиб, аста-секин давлатнинг иқтисодиётни тартибга солувчилик ролининг камайиш даври бошланиши бўлди. Бу даврда Корея иқтисодиёти жадал суръатларда ўсди. Қисқа давр ичида мамлакат кemasozлик, автомобилsozлик, ярим ўтказгичлар ва электроника маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш бўйича дунёда етачилар қаторидан ўрин олди. Бу даврда илмий тадқиқотларга давлат харажатларининг ўсиши, миллий хавфсизлик ва таълим тизимининг ривожланиши, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, уй-жой қурилиши қўламлари кенгайиши юз берди.

Мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг бешинчи босқичи 1993 – 1997 йилларни камраб олади. Бу даврда мамлакат иқтисодиёти ривожланишида давлатнинг аралашувини камайитириш учун кураш даври бўлди. Бундай курашнинг авж олишига иккита сабаб - ички ва ташқи сабаблар мавжуд эди. Биринчидан, 90-йиллардаги иқтисодиётда юз берган қисқариш ички омил бўлган бўлса, ташқи сабаб Кореянинг жаҳон иқтисодиётидаги мавқеининг ортиб бориши ривожланган мамлакатларнинг асосий иқтисодий хусусияти иқтисодиётни эркинлаштириш муаммоси билан дуч келишига сабаб бўлди. Жаҳон иқтисодий майдондаги жиддий ўзгаришлар Корея Республикаси олдида янги вазифаларни қўйди. Давлат томонидан технологик ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш мақсади қўйилди.

Иқтисодий ривожланишнинг кейинги босқичи Осиё молиявий инқирози ва унинг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ бўлди. 1997 йилда юз берган молиявий инқироз мамлакат иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатди. Ҳукумат ёрдам сўраб Халқаро валюта фондига мурожаат қилишга мажбур

¹²² Korean Support System for Venture Business Creation (2013) Report of the SMBA Knowledge Sharing Program

бўлди. Мамлакатнинг молиявий, корпоратив ва давлат секторларида, меҳнат бозорида кенг ислохотлар дастури амалга оширилди.

Корея Республикаси ХВФнинг қатъий талабларига жавоб бериш учун банк тизимида катта қайта қуришни амалга оширди, қатъий фискал сиёсат олиб борди, фонд бозорини хорижий компаниялар учун очиб берди. 1999 йилнинг бошида инқироз оқибатларини бартараф этиш ва иқтисодий ривожланишни инвестициялар истеъмолини қўллаб-қувватлаш, экспорт ривожланишини рағбатлантириш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга оширди. Жумладан, иқтисодиётнинг муаммолари секторларини қўшимча инвестициялаш, саноат ва хизмат соҳасига янги кредитлар бериш, банк фоиз ставкаларини камайтириш ҳамда иқтисодиётнинг реал секторини захира маблағлар ҳисобидан инвестициялаш каби чоралар қўрилди. Бу чоралар тез орада ўз нағжасини берди ва 1999 йилдаёқ мамлакат ўз халқаро кредит қобилиятини тиклаб олди. Иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқими кўпайди, мамлакат ХВФ берган 13,5 млрд. доллар қарзини тулик тулаб берди. Агар инқироздан аввал мамлакат валюта захираси 9 млрд. долл.ни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб 650 млрд. долл.ни ташкил этди¹²³.

Эътиборли жиҳаги шундаки, 1997 йилдаги молиявий инқирозни оқибатларини олдини олиш ва инновацион рақобатбардошликни ошириш мақсадида Фан ва технологиялар вазирлиги томонида 1997-2002 йилларга мўлжалланган илмий ва инновацион технологиялар режаси (Highly Advanced National Project -HAN) ишлаб чиқилди. Ушбу режага кўра давлат кичик ва ўрта бизнес субъектларининг илмий тадқиқот ишларини қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор қарата бошлади.

Корея Республикасининг “Кичик ва ўрта бизнес маъмурияти” маълумотларига кўра бугунги кунда мамлакатда 3 миллиондан ортиқ кичик бизнес субъектлари амал қилиб, бу жами хўжалик юритувчи субъектларининг 99,5 %ни ташкил этади¹²⁴. 2017 йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятига иш билан банд бўлган аҳолининг деярли 90 %, ЯИМнинг 55 %дан ва экспортнинг 45 %дан ортиқ қисми тўғри келади¹²⁵.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг илмий тадқиқот ишларини молиялаштиришда 5 йилгача муддатга бериладиган имтиёзли кредитлар асосан венчур компанияларга илмий ишланмаларни саноатга жорий этиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга йўналтирилади. Шунингдек, давлатнинг инновация сиёсати хорижий илмий тадқиқот марказларини жалб қилишга қаратилган. Ушбу йўналишда Корея фан ва технологиялар ҳамда иқтисодиёт вазирлиги томонидан бир қатор дастурлар амал қилади. Масалан, 2010 йилдан Корея технологияларни ривожлантириш институти (KIAT) томонидан ишлаб чиқилган дастури миллий ва халқаро илмий тадқиқот марказлари фаолияти интеграциясини таъминлади. Корея олимларининг халқаро илмий лойиҳалардаги аҳамиятини оширди.

¹²³ Жаҳон банки маълумотлари. www.worldbank.org

¹²⁴ «Администрация малого и среднего бизнеса» Южной Кореи. URL: <http://www.smba.go.kr/main/english/>

¹²⁵ Шу манба. (мурожаат қилинган санаи 07.05.2017)

2017 йилда мамлакатда олиб борилаётган 1000 дан ортиқ илмий тадқиқот лойиҳалари халқаро ҳамкорлик алоқалари орқали амалга оширилган. Қуйидаги расмда Корёя Республикасининг илмий тадқиқот фаолиятида ҳамкорлик қилувчи давлатлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.



3.1-расм. Корёя республикасининг ИТТКИ бўйича халқаро ҳамкорлик алоқалари тўғрисидаги маълумот¹²⁶

3.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Корёя давлати ИТТКИ соҳасида мустахкам халқаро ҳамкорлик алоқларини ўрнатган. Ушбу йўналишдаги лойиҳаларнинг асосий қисми АҚШ (34 %) ва Япония (15 %) билан амалга оширилса, Германия, Франция, Буюк Британия каби европа мамлакатлари билан ҳам алоқалар ўрнатилинган. Масалан 2006 йилда Корёя Республикаси ва Европа Иттифоқи томонидан ИТТКИ соҳасидаги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш учун KORANET (*the Korean scientific cooperation network with the European Research Area*), KESTCAP (*the Korea-EU Science and Technology Cooperation Advancement Programme*) ва KORRIDOR (*Stimulating and facilitating the participation of European researchers in Korean R&D programs*) номли лойиҳалари бўйича шартномалар имзоланган. Ушбу лойиҳалар қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга оширишни белгилайди.

- нанотехнологиялар ва янги инновацион материалларни яратиш;
- ахборот ва коммуникация технологиялари: янги технологиялар, интернет-технологиялар ва робот техникасини ривожлантириш;
- энергетика;

Фикримизча, мамлакатимизда ҳам илмий тадқиқот лойиҳаларида халқаро ҳамкорлик алоқларини ўрнатилиши, миллий инновация бозори маҳсулотларини жаҳонга чиқишини тезлаштиради. Чунки, илмий тадқиқотчилар томонидан яратилган илмий ишланмаларга ички бозорда эҳтиёжни юқори эмаслигини ҳисобга олиб, халқаро истеъмолчиларни миллий инновациялар бозорига жалб этиш мақсадга мувофиқ.

¹²⁶ Giroud A., Yoo J., Mo Y., Pervez G. (2017). "Innovation policy, competence creation and innovation performance of foreign subsidiaries: The case of South Korea." *Asian Business & Management*. 11 (1), 56-78. (DOI: 10.1057/abm.2017.27).

Куйидаги жадвалда 2014-2018 йилларда Корея Республикаси иктисодиётининг айрим кўрсаткичлари тўғрисида маълумот берилган.

3.1-жадвал

Корея Республикаси экспорти таркибининг айрим иктисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумот¹²⁷.

№	Кўрсаткичлар	2014	2016	2018
1	ЯИМ, млрд.доллар	1484,32	1500,48	1720,49
2	Экспорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг ЯИМга нисбатан улуши, %да	50,6	52,3	61,8
3	Жумладан юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар экспорти жами, млрд.доллар	133,45	142,32	164,61
4	Саноат товарлари экспортида юқори технологияли маҳсулотлар улуши, %да	27	28	29
5	Жами экспорт маҳсулотлари тарсибида ахборот ва коммуникация технологиялари маҳсулотлари улуши, % да	19,8	20,9	22,9

3.1-жадвалда берилган маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакат ЯИМ 2014 – 2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Шунингдек, 2014 йилда ЯИМга нисбатан экспорт маҳсулотлари улуши 50,6 фоизни ташкил этган. Экспорт маҳсулотлари таркибидаги юқори технологияли маҳсулотларининг миқдори 133,45 млрд.долларни ташкил этган ҳолда 2018 йилда эса ушбу кўрсаткич 164,61 млрд.долларни ташкил ташкил этган. Саноат товарлари экспортида юқори технологияли маҳсулотлар улуши 2014 йилда 27 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 29 фоизни ташкил этган. Бундан ташқари ахборот ва коммуникацион технологияларга асосланган маҳсулотларнинг экспорт улуши таҳлил қилинган 2014-2018 йилларда мос равишда 19,8 ва 22,9 %ларни ташкил этган. Куйидаги жадвалда Жанубий Кореянинг инновациялар бўйича рейтингини акс эттирилган.

3.2-жадвал

Жанубий Кореянинг 2017-2019 йилларда инновациялар бўйича рейтингини¹²⁸

Йиллар	Глобал инновацион индекс	Инновациялар	Инновациялар натижалари
2019	11	10	13
2018	12	14	12
2017	11	16	9

¹²⁷ Жаҳон банкнинг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси 2018
<http://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>
¹²⁸ www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2019/de.pdf

Юкоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда Жанубий Корея инновациялар ҳажми бўйича 10-ўринни эгаллаб турибди. Бу эса ўтган йилларга нисбатан олганда ижобий натижа ҳисобланади. Инновацияларнинг натижалари бўйича эса 13-ўринда бўлиб, ўтган йиллар билан таққослаганда бирмунча силбий кўринишга эга.

Корея Республикасининг иқтисодий инновацион ривожланиш босқичларини тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларни шакллантиришга хизмат қилди:

- давлат томонидан илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Замонавий иқтисодийнинг талабларини ўз вақтида англаган ҳолда, ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб давлат томонидан илмий тадқиқот ишларини қўллаб қувватлаш сиёсати юритилади. Инновацион сиёсатнинг стратегик мақсади нанотехнологияларни ривожлантириш орқали дунё бозорида муносиб ўринга эга бўлиш ҳисобланади;

- Корея инновацион ривожланишининг ўзига хос хусусиятларида бир илмий тадқиқот ишлари билан шугулланувчи кичик бизнес субъектларини давлат томонидан турли, яъни солиқ, боғжона, молия ва кредит йўналишларида қўллаб қувватланишидир. Бу йўналишда ишлаб чиқилган дастурлар асосан давлат, бизнес ва илм-фан ўртасидаги кооперацияни чуқурлаштиришга қаратилган. Шу нуқтаи назардан, илм-фан ютуқларини иқтисодийнинг турли соҳаларида жорий қилиниши давлатнинг жаҳондаги нуфузини янада оширмоқда.

- миллий инновация тизимининг ажралиб турувчи жиҳатларидан бири сифати илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда мустаҳкам халқаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигини таъкидлаш мумкин. Бугунги кунда Жанубий Кореянинг 1000 дан ортиқ инновацион лойиҳаларида АҚШ, Канада, БИ, Япония, Хитой, Исроил ва Россия каби давлатларнинг иштирок этиши, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган инновацион муҳит ҳам юкори даражада эканлигидан далолат беради;

- Корея иқтисодий экспортга асосланган бўлиб, таҳлил қилинган даврда унинг улуши ЯИМга нисбатан 50 %дан юкори кўрсаткични ташкил этган. Бу жиҳатдан у ривожланган мамлакатларни (ўртача 25-45 %) ҳам ортда қолдираётганини таъкидлаш керак. Шунингдек, экспортнинг ½ қисмида ортиқ қисми юкори технологияли инновацион товар, иш ва хизматларни ташкил этиши мамлакатнинг рақобатбардошлигини янада оширмоқда.

Албатта, фикримизча Жанубий Корея инновацион сиёсатининг айрим жиҳатларини мамлакатимиз иқтисодийда қўлланилиши жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Яъни, миллий иқтисодийда илмий ишланмаларга бўлган ички эҳтиёжни қамлигини ҳисобга олиш зарур. Ўз навбатида, бундай ҳолат илмий ишланмаларнинг иқтисодий манфаатдорлигини камайтиради ва ушбу йўналишни ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, илмий тадқиқот институти ва марказларининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

§3.2. Миллий иқтисодий инновацион ривожлантиришни Хитой тажрибаси ва асосий тенденциялари.

Хитой Халқ Республикасининг инновацион ривожланиш йўли ҳам ўзига хосдир. Хитой Халқ Республикасининг XX-аср охири XXI-аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳволи, аҳолининг жазал суръатлар билан ўсиши, энергия ресурсларнинг етишмаслиги, ҳудудларнинг нотекис ривожланганлиги, экологиянинг ёмонлашуви ва инфляциянинг ғоят юқорилиги каби долзарб муаммолар билан тавсифланар эди. Хитой ҳукумати мазкур муаммоларнинг ечимини инвестициялар орқали ҳал этиш йўлини танлади. Хитойнинг инновацион ривожланишининг ўзига хос тамойили чет элдан инвестицияларни жалб қилиш ва тайёр технологияларни харид қилиш, ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан ўзининг хусусий инновацияларини яратиш ва юқори технологияли брендларни вужудга келтиришга устиворлик берганлигида кўринади. Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган ислохотлар 1978 йилда бошланиб, давлатнинг келгусидаги тараққиёти учун ғоят катта имкониятлар яратди. Хитой ҳам Япония каби ўзининг инновацион ривожланишининг чет элдан патентлар, лицензиялар харидидан бошлаб замонавий саноат тармоғини шакллантиришга муваффақ бўлди.

Хитойнинг инновацион ривожланишини уч босқичга ажратиш мумкин бўлиб, 1-босқичи 1978-1982 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда Хитойда эркин иқтисодий зоналар (ЭИЗ) га сармояларни жалб этишнинг ҳуқуқий-шартномавий, ташкилий асослари вужудга келтирилди. Бу жараёнда солиққа тортиш, технологияларни қабул қилиш ва тарқатиш, меҳнат муносабатлари, валюта ва божхона масалаларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тўплами қабул қилинди. Солиққа тортишда мисли кўрилмаган имтиёзлар берилди, мамлакатда қорхона фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси – 33 фоиз бўлган ҳолатда, эркин иқтисодий зоналарда жойлашган, фаолият кўрсатаётган қорхоналарда бу кўрсаткич – 15 фоизни ташкил этган эди. Инновацион ривожланишнинг 2-босқичи 1983-1989 йилларни камраб олиб, шу даврда Хитойга чет эл капиталини нафақат эркин иқтисодий зоналарга, балки давлатнинг бошқа ҳудудларига ҳам киритиш, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини яна кучайтириш, кенгайтириш, қонунчилиكنи яна такомиллаштириш масалалари муваффақиятли ҳал этилди. 2 - босқичда эркин иқтисодий зоналарда жойлашган қорхоналарнинг ишлаб чиқарган маҳсулотининг 50 фоизи экспорт қилинди, бу зоналардаги инфратузилмаларни барпо этишнинг 80 фоиз харажатини Хитой ҳукумати ўзи зиммасига олди. Хитойда 1990 йилдан инновацион ривожланишнинг 3-босқичи бошланиб, бугунги кунда мамлакатда мавжуд бўлган техник-технологик тартибнинг пойдеворига айнан шу босқичда асос солинди.

Хитойнинг соҳилбўйи ҳудудларини ривожлантириш стратегиясида саноат ва технологик ривожланишни устивор йўналиш сифатида белгиланди.

Хитой иктисодиётини инновацион йўналишга ўтказишнинг дастлабки қадамлари сифатида мамлакатнинг чекка, порт шаҳарларида ЭИЗ ташкил топилди. Амалга оширилган ушбу тадбир натижасида Хитойга сармоя киритиш лозим олди ва бу ҳолат Европа, АҚШ, Япониядан дастлаб Хитойга чет элдан кўп қўл меҳнати талаб қилувчи, кейинчалик эса юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг кириб келишига сабаб бўлди. Хитой ҳудудида жойлашган ЭИЗлар дунёда энг катта бўлиб ҳисобланади. Уларнинг дунёдаги бошқа эркин иқтисодий зоналардан фарқи уларни кўп тармоқли эканлиги, саноат ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғини ривожлантириш билан уйғунлаштирилганлигидир. Хитойда эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши билан уларнинг табақалашуви ҳам содир бўлди. Хитой бугунги кунда юқорида қайд этилган тадбирлар натижасида дунёнинг энг йирик экспортёр давлатига айланди. Бугунги кунда Хитойда турли даражада 120 та минг ва юқори технологияни ўзлаштирув зоналари, шундан 53 таси давлат аҳамиятига молик зоналар фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 137 та янги корхоналарни ташкил этувчи сервис-марказлар ишлаб турибди. Хитойнинг инновацион ривожланишнинг яна бир устивор тамойилларидан бири стратегик режалаштириш, прогностлаш, дастурлаш каби иқтисодий дастаклардан юқори самара билан фойдаланишдир. Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг «Прогноз-2050» стратегик дастури ишлаб чиқилган ва иқтисодий ҳаётга муваффақият билан татбиқ этилмоқда. 2007-йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган Хитой коммунистик партиясининг XVII курултойи ХХРда бундай тизим шакллантириш жараёнини фаоллаштиришнинг долзарблиги ва муҳимлигини кўрсатди. Айнан шу курултойда инновацион турдаги давлат қуриш мақсади қўйилди. Курултойда таъкидланганидек, миллий инновацион тизимнинг муваффақиятли фаолияти нафакат кучли фан ва таълим, балки бошқа институционал шарт-шароитлар бўлишини ҳам талаб этади. Хусусан :

1) Янгиликларнинг асосий генератори сифатида рақобатбардош тадбиркорликнинг бўлиши;

2) Глобал инновацион соҳага интеграциялашувнинг юқори технологияларнинг миллий тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим шарт-шароити сифатида амалга оширилиши;

3) Таълим, фан ва технологияларни ривожлантириш, инновацион ўсиш учун қулай институционал шароитларни шакллантириш каби йўналишлар давлат сиёсатининг устивор йўналишларига айланиши лозимлиги каби шароитлар шулар жумласидандир.

Хитойлик таниқли иқтисодчи олим Ху Аньгanning фикрича, миллий инновацион тизимни шакллантириш жараёнида ишлаб чиқаришнинг техник-технологик даражасини мунтазам ошириб бориш – бу Хитойнинг иқтисодий ўсишнинг экстенсив моделдан интенсив моделига ўтишнинг энг муҳим омилдир. «Кечиккан» саноатлашув жараёнини бошдан кечирган мамлакат сифатида, Хитой «қолюқлик афзаллиги» деб аталувчи хусусиятга эга. Бу «афзаллик» шунда намоён бўладики, ривожланган мамлакатлардан орқада қолишни улар технологияларини импорт қилиш ҳисобига енгиш ва ушбу

импорт асосида ўз илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини (ИТТКИ) йўлга қўйиш имконига эга бўлди. Хитойда технологик инновацияларнинг уч мартабали мавжуд:

1) Тавқи савдо воситасида янги хорижий технологияларни олиб кириш, шу жумладан муаллифлик ҳуқуқларини бериш ва уларни лицензиялаш, шунингдек юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш воситалари импорти;

2) Тўғридан-тўғри хорижий сармояларни ўзлаштириш жараёнида чет эл техникаларини олиш;

3) ИТТКИга миллий харажатларнинг ўсиши ҳисобига олинган ўз технологик инновациялари.

Илк бор инновацион иқтисодиётни куриш мақсади 2006 йили қўйилганди. Ўшанда ХХР давлат кенгаши «2006-2020-йилларда фан ва техникани ривожлантириш бўйича ўрта ва узок муддатли давлат режаси асослари»ни қабул қилганди.

ХХР раҳбари Ху Цзиньтао 2006 йилнинг январь ойида Хитой олимлари билан бўлиб ўтган учрашувда илмий-техник тараққиётнинг ўрта ва узок муддатли режасини («2020 режаси») тақдим этаётиб, «2020 йилга келиб Хитой инновацион турдаги давлатга айланиши керак. Мамлакатимизнинг яқин 15 йилга илмий-техник ривожланиш соҳасидаги мақсади ана шундай» - дея маълум қилди. ХХР Раисининг сўзларига кўра, «бундай давлатнинг моҳияти шундан иборатки, фан ва техника қудрати ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва миллий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилсин, бунда базавий илмий тадқиқотлар ва илғор технологиялар уйғунлиги фан ва техника йўналишидаги шундай натижаларни таъминласинки, улар бутун дунё учун қагта аҳамият касб этсин».

Стратегик «2006 – 2020 режаси» ҳукуматнинг хитойча ўсиш моделини шакллантириш, инновацияларни бўлғуси иқтисодий тараққиёт пойдеворида айлантиришга уриниши бўлди.

«2020 режаси»нинг асосий мақсадларини уч қисмга бўлиш мумкин:

1) Ўз инновацияларини шакллантириш ва хорижий технологияларга қарамликни камайтириш орқали инновацион иқтисодиётни барпо этиш;

2) Корхоналар ва тадбиркорлик соҳасини миллий инновацион тизим куришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш;

3) Технологик тараққиётнинг стратегик соҳаларида кескин олға силжишга эришиш.

Режада қўплаб тармоқлардаги устивор йўналишлар белгиланган. Энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экологик технологияларни ривожлантириш, интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини такомиллаштириш каби тамойиллар шулар жумласидандир.

Узок муддатга устивор йўналишлар деб биотехнологиялар, авиакосмик саноат, авиация ва денгиз технологиялари белгиланган.

Шу тарика Хитой иқтисодиёти ва жамиятини ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек мустақил илмий тараққиёт учун илмий негиз

шакллантирилади. Шу туфайли ХХР инновациялар соҳасида инкилоб ясаб, Хитой илм-фан соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб, Фанлар академиясини дунё миқёсидаги давлат академиясига айлантиришни мумкин бўлади.

Ҳозирданок фан ва техника ривожини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича Хитой илғор ўринларга чиқа бошлади, бу эса мамлакатнинг рақобатбардошлигининг барқарор ўсишини таъминлайди.

«2020 режаси»нинг қоидаларига биноан, марказий ҳукумат янги космик дастурни ишлаб чиқди ва унда яқин 5 йилга ва кейингиди даврга янги мақсад ва асосий вазифаларни белгилаб берди.

Хитойдаги ҳозирги иқтисодий ўсиш модели давлатнинг бозор муҳитини шакллантириш, макроиқтисодий бошқарув, ресурсларни бевосита тақсимлаш, (технологияларни янгилаш, экспортни кенгайтириш, валюта ресурсларини қамғариш учун) хорижий капиталга таяниш, иқтисодиётни экспортга йўналтиришдаги етакчи ролига асосланади.

Инновацион ривожланишда нафақат илмий инпланмалар, балки муваффақиятли тадбиркорлик юритиш ва аввало капитални жалб қилиш учун имкониятлар ҳам муҳим.

2007-йилнинг охирида Хитой инновацион тизимини ўрганган OECD экспертларининг фикрича, мамлакатда капитал бор, лекин уни жалб этиш механизмлари жуда мукамалдир.

Хорижий капиталнинг оқиб келиши тобора кўпроқ илмий тадқиқотлар амалга оширилишига хизмат қилади. OECD башоратига кўра, чет эл (шу жумладан Гонконг, Макао ва Тайвань) маблағлари ҳисобига ҳозирда Хитой R&Dнинг камида 20% амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар асосан АКТ, шунингдек фармакология ва биотехнология соҳаларига тўғри келади. Йирик хорижий компаниялар томонидан тадқиқот бўлимлари очилиши динамикасини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, «2020 режаси»да қўйилган иқтисодиёт негизи сифатида хитойча инновацияларни шакллантириш вазифасини амалга ошириш бироз мураккаб кечиши турган гап.

Шу тариқа, муайян ютуқларга қарамай, Хитойнинг мустақил инновацион тараққиёт имкониятлари ханузгача етарли эмас деб баҳоланаяпти. Хитой корхоналари ИТТКИни амалга ошириш ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишга қодир юқори малакали кадрларнинг жиддий танқислигини бошдан кечиряптилар. Бунга бизнес томонидан ходимларга таълим беришга сармоялар кам киритилаётгани ва давлат корхоналарининг малакали менеджер ва истеъдодли тадқиқотчиларни жалб этиш имкониятлари чет эл корхоналарига нисбатан анча камроклиги сабаб бўляпти. Ҳозирча Хитой импорт қилинган технологияларга жуда қарам. Технологик қолоқликка ханузгача барҳам берилмаган.

Давлат корхоналари инновацияларни ривожлантириш борасида кам рағбатларга эга, давлат тижорат банкларида эса кичик ва ўрта корхоналарни, айниқса уларнинг инновацион ва венчур фаолиятини кредитлаш борасидаги имкониятлар етарли эмас.

Инновацион иктисодиётни шакллантириш нафақат иктисодиёт ва фан соҳасини, балки давлат қурилиши, таълим, маданият каби соҳаларни ҳам камраб олади.

Хитой ҳозирча «билимлар ва миллий инновацион тизим асосида ривожланиётган» мамлакатга айланмади. Лекин ушбу давлат бу мақсад сари жадал одимламоқда. Барча муаммо ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда, Хитой асосан ўз инновациясига таяна оладиган бўлгунча ҳали анча вақт ўтишини айтиш мумкин. Бунинг учун илмий-техникавий сиёсатни қайта қуриш, кадрлар тайёрлаш тизимини анча кенгайтириш ва такомиллаштириш лозим. Миллий инновацион тизимнинг сафарали фаолият юритиши учун бюджет маблаглари, солиқ бошқаруви, давлат харидлари ва бошқа шу каби жиҳатларни ўз ичига олган комплекс давлат кўмаги талаб этилади. Миллий инновацион тизимни шакллантириш учун Хитой анча узок ва мураккаб йўлни босиб ўтиши керак бўлади. Бу йўл бўйлаб мамлакат канчалик узок қадам босса, бу жараёнда қўн томонлама инновацион кооперация, халқаро илмий-техник ҳамкорлик шунчалик кагга ўрин тутаверади.

2007-йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган Хитой коммунистик партиясининг XVII қурултойи ХХРда бундай тизим шакллантириш жараёнини фаоллаштиришнинг долзарблиги ва муҳимлигини кўрсатди. Айнан шу қурултойда инновацион турдаги давлат қуриш мақсади қўйилди. Қурултойда таъкидланганидек, миллий инновацион тизимнинг муваффақиятли фаолияти нафақат кучли фан ва таълим, балки бошқа институционал шарт-шароитлар бўлишини ҳам талаб этади. Хусусан :

1) Янгиликларнинг асосий генератори сифатида рақобатбардош тадбиркорликнинг бўлиши;

2) Глобал инновацион соҳага интеграциялашувнинг юқори технологияларнинг миллий тармоқларини ривожлантиришнинг энг муҳим шарт шароити сифатида амалга оширилиши;

3) Таълим, фан ва технологияларни ривожлантириш, инновацион ўсиш учун қулай институционал шароитларни шакллантириш каби йўналишлар давлат сиёсатининг устивор йўналишларига айланиши лозимлиги каби шароитлар шулар жумласидандир.

Шу тариқа Хитой иктисодиёти ва жамиятини ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек мустақил илмий тараққиёт учун илмий негиз шакллантирилади. Шу туфайли ХХР инновациялар соҳасида инқилоб ясаб, Хитой илм-фан соҳасини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб, Фанлар академиясини дунё миқёсидаги давлат академиясига айлантириши мумкин бўлади. Ҳозирданок фан ва техника ривожини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар бўйича Хитой илғор ўринларга чиқа бошлади, бу эса мамлакатнинг рақобатбардошлигининг барқарор ўсишини таъминлайди.

Инновацион ривожланишда нафақат илмий ишланмалар, балки муваффақиятли тадбиркорлик юритиш ва аввало капитални жалб қилиш учун имкониятлар ҳам муҳим.

2007-йилнинг охирида Хитой инновацион тизимини ўрганган OECD экспертларининг фикрича, мамлакатда капитал бор, лекин уни жалб этиш механизмлари мукамалликдан йироқ.

Хорижий капиталнинг оқиб келиши тобора кўпроқ илмий тадқиқотлар амалга оширилишига хизмат қилади. OECD башоратига кўра, чет эл (шу жумладан Гонконг, Макао ва Тайвань) маблағлари ҳисобига ҳозирда Хитой R&Dнинг камида 20% амалга оширилмоқда. Бу лойиҳалар асосан АКТ, шунингдек фармакология ва биотехнология соҳаларига тўғри келади. Йирик хорижий компаниялар томонидан тадқиқот бўлимлари очилиши динамикасини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, «2020 режаси»да қўйилган иқтисодий негизи сифатида хитойча инновацияларни шакллантириш вазифасини амалга ошириш бироз мураккаб кечиши турган гап.

Шу тариқа, муайян ютуқларга қарамай, Хитойнинг мустақил инновацион тараққиёт имкониятлари ханузгача етарли эмас деб баҳоланаяпти. Хитой корхоналари ИТТКИни амалга ошириш ва тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этишга қодир юқори малакали кадрларнинг жиддий танқислигини бошдан кечириштилари. Бунга бизнес томонидан ходимларга таълим беришга сармоялар кам киритилаётгани ва давлат корхоналарининг малакали менеджер ва истеъдодли тадқиқотчиларни жалб этиш имкониятлари чет эл корхоналарига нисбатан анча камроклиги сабаб бўляпти. Ҳозирча Хитой импорт қилинган технологияларга жуда қарам. Технологик қолоқликка ханузгача барҳам берилмаган. Бу жиҳатдан Хитой ҳам Япония инновацион фаолияти каби технологияларни импорт қилиш ва уни такомиллаштириш орқали ишлаб чиқаришга жорий этиш амалиётини қўлайди. Давлат корхоналари инновацияларни ривожлантириш борасида кам рағбатларга эга, давлат тижорат банкларида эса кичик ва ўрта корхоналарни, айниқса уларнинг инновацион ва венчур фаолиятини кредитлаш борасидаги имкониятлар етарли эмас.

Режали иқтисодиёт шароитида саноат корхоналарининг инновацион фаолиятдаги ўрни сезиларсиз бўлган. Чунки, илм-фан ва технологиялар вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ва илмий-техникавий ривожлантириш режалари Давлат режалаштириш комитети томонидан тақсимланар, бунда бозор механизмлари ҳисобга олинмас эди.

Хитой халқ республикаси 1980 йилдан бошлаб бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадида “очик эшиклар” сиёсатини юритди. Ўз навбатида давлат инновацион иқтисодиётни шакллантиришда нафакат иқтисодиёт ва фан соҳасини, балки давлат қурилиши, таълим, маданият каби соҳаларни ҳам қамраб олди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда энг асосий икки омил бу капитал ва иш кучи ҳисобланади. Агар АҚШ иқтисодиётини тез сурагларда кўтарилишини миллий пул бирлиги “доллар”ни жаҳон валютаси сифатида қабул қилиниши бўлса, ўз навбатида Хитойда социал режали иқтисодиёт шароитида меҳнат тақсимотини белгиланган қизиқли, иерархияга асосланган инновацион модел қўлланилган. Бунда давлат координатор сифатида рол ўйнаган ва инновацион

жараёнларда Хитой фанлар академияси (ХФА), университетлар, илмий тадқиқот институтлари асосий аҳамият касб этган. Шунингдек, ўтган асрда Хитой кимё, автомобилсозлик, пулат, текстил ва саноатнинг бошқа тармоқларини ривожлантириш мақсадида технологияларни асосан СССР, Германия ва Япониядан харид қилган. ИТТКИ харажатларида давлатнинг улуши сезиларли даражада ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, Хитойда тез суратларда инновацион технологияларни ривожланишига сабаб бўлган омиллардан бири “очиқ эшиклар” сиёсатини юритиши натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқимини кўлайишидир. Бундан ташқари эркин иқтисодий ва савдо ҳудудларини давлат томонидан қўлаб-қувватланиши юқори технологияли товар ишлаб чиқарувчи потенциал инвесторларни Хитой бозорига жалб этди. Айниқса, уларнинг салмоғи 1990 – 2005 йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга. Қуйидаги жадвалда юқори технологияли хорижий компанияларнинг Хитой саноатидаги улуши тўғрисидаги маълумотлар берилган.

3.2-жадвал

Хитой саноатидаги тўғридан-тўғри инвестиция шаклида ташкил этилган юқори технологияли хорижий компанияларнинг улуши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган¹²⁹, (% ҳисобида)

Тармоқлар	Урта ва йирик компанияларидаги улуши	ИТТКИ харажатларидаги улуши	Технологиялар импортидаги улуши	Технологиялар экспортидаги улуши	Бадалдаги улуши
1998 йил					
Фармацевтика маҳсулотлари	16	20	4	19	11
Электроника ва коммуникация	52	41	77	86	42
Компьютер ва ортехника	59	37	94	94	51
Тиббиёт ускуналари	20	11	41	40	14
2005 йил					
Фармацевтика маҳсулотлари	21	22	20	21	16
Электроника ва коммуникация	72	42	93	93	73
Компьютер ва ортехника	86	82	98	98	91
Тиббиёт ускуналари	38	27	33	88	36

3.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатда жозибадор инвестиция муҳитини шакллантириш натижасида юқори технологияли товарлар ишлаб чиқариш салмоғини ортишига ижобий таъсир кўрсатган. 1998-2005 йиллар маълумотларини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, саноатнинг барча тармоқларида деярли барча йўналишлар бўйича тўғридан-тўғри инвестиция шаклида ташкил этилган юқори технологияли

¹²⁹ Lundin N., Sjöholm F., Qian J. C., He P. Technology development and job creation in China (working paper № 637). Research Institute of Industrial Economics (RIIE), 2005.

хорижий компанияларнинг улуши ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Бугунги кунда дунёнинг энг нуфузли компанияларининг филиаллари Хитойда ташкил этилганлиги фикримизнинг далилидир. Куйидаги жадвалда 2014-2018 йилларда Хитой иктисодиётининг айрим кўрсаткичлари тўғрисида маълумот берилган.

3.3-жадвал

Хитой инновацион фаолиятининг айрим иктисодий кўрсаткичлари¹³⁰

№	Кўрсаткичлар	2014	2016	2018
1	ЯИМ, млрд.доллар	10534,53	11221,84	13368,07
2	Экспорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг ЯИМга нисбатан улуши, %да	22,6	24,8	27,6
3	Жумладан юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар экспорти жами, млрд.доллар	558,6	589,7	612,9
4	Саноат товарлари экспортида юқори технологияли маҳсулотлар улуши, %да	25	26	28
5	Жами экспорт маҳсулотлари таркибida ахборот ва коммуникация технологиялари маҳсулотлари улуши, %да	10,6	11,2	13,4

3.3-жадвалда берилган маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакат ЯИМ 2014 йилда 10534,53 млрд.долларни ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб ўсиб кўрсаткич 13368,01 млрд.долларни ташкил этиб ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, 2014 йилда ЯИМга нисбатан экспорт маҳсулотлари улуши 22,6 %, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 27,6 %ни ташкил этган. Экспорт маҳсулотлари таркибidaги юқори технологияли маҳсулотларининг миқдори 558,6 млрд.долларни ташкил этгани ҳолда, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 612,96 млрд.долларни ташкил этган ва таҳлил этилган даврда Хитойнинг экспорт улуши ва унинг таркибidaги юқори технологияли маҳсулотлар экспорти улуши ҳам ўсиш тенденциясига эга бўлган.

Инновацион фаолиятни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришни Хитой Халқ Республикаси тажрибасида кўрадикан бўлса, амалдаги қонунчилик инновацион фаолият билан шуғулланувчи корхоналар учун солиқ солинадиган даромадга нисбатан турли чегирмалар тақдим этади. Бунда мамлакат инновацион фаолият олиб бораётган корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида, юқори ва янги технологияли корхоналар (High and New Technology Enterprises (HNTe)) дастурини амалга оширмоқда. Илмий-тадқиқот ва ишланмалар бўйича қонунда белгиланган преференцияларга эга бўлиш учун, корхона юқори ва янги технологияли мақомига эга бўлиши керак. ХХР "Корхоналардан олинадиган фойда солиғи тўғрисида"ги қонуни (Corporate Income Tax Law of China) 28-моддасига асосан, юқори ва янги технологияли

¹³⁰ Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди 2018.
<http://data.worldbank.org/indicator/NY.EXP.GNFS.ZS>

корхоналарга фойда солиғи конунчиликлда белгиланган ставкадан 15% кам минюрода белгиланади.

Бундан ташқари ахборот ва коммуникацион технологияларга асосланган махсулотларнинг экспорт улуши тахлил қилинган 2011-2017 йилларда мос равишда 8,9 ва 14,6 %ларни ташкил этган.

Куйидаги жадвалда Хитойнинг инновациялар бўйича халқаро рейтингини берилган.3.4-жадвал

Хитойнинг 2017-2019 йилларда инновациялар бўйича рейтингини¹³¹

Йиллар	Глобал инновацион индекс	Инновациялар	Инновациялар натижалари
2019	14	26	5
2018	22	31	11
2017	22	31	11

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, бўлиб, Хитой 2019 йилда глобал инновацион индексида 14-ўринни эгаллаган. Бу эса 2017 йил билан таққосланганда ижобий кўринишга эга. 2019 йилда Хитой инновациялар ҳажми бўйича 26-ўринни эгаллаб турибди. Бу эса ўтган йилларга нисбатан олганда ижобий натижа ҳисобланади. Инновацияларнинг натижалари бўйича эса 5-ўринда бўлиб, ўтган йиллар билан таққослаганда бирмунча ижобий кўринишга эга.

Хитой иқтисодиётни инновацион ривожланиш босқичларини тадқиқ қилиш куйидаги хулосаларни шакллантиришга хизмат қилди:

- ХХР иқтисодиёти режали ва бозор муносабатлари механизмларини уйғунлаштирган ҳолда миллий инновация тизимини шакллантирмоқда. Фикримизча, инновацион технологияларни ривожлантиришда давлатнинг роли муҳим аҳамият касб этиб, бу борадаги хусусий секторнинг родини ошириш жараёналари ҳалигача давом этмоқда. Шу билан бир қаторда, илмийтадқиқот институтлари ва университетлар илмий салоҳиятли кадрлар етиштиришда ўз ўрнига эга;

- “очик эшиклар” сиёсатини юритиши натижасида ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб Хитойга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими тез суръатларда ортди. Ўз навбатида бугунги кунда ҳам саноатнинг юқори технологияли махсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларида хорижий компанияларнинг улуши сезиларли даражада ҳисобланади;

- Бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида давлат қарашли йирик корхоналари қаторида Huawei, Lenovo, Haier каби 100 га яқин йирик юқори технологияларга асосланган махсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар ташкил этилди. Инновацион фаолиятда банд бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва йирик компаниялар ўртасида мустаҳкам кооперация

¹³¹ www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2019/de.pdf

алокалари мавжуд. Улар асосан илмий ишланмалар трансфери билан шуғулланади.

§3.3. Японияда иқтисодий ривожланиш назарияларининг имплементацияси ва ўзига хос хусусиятлари

Япония миллий иқтисодиётини ривожлантиришда кувиб етишнинг классик усулини қўлайдиган мамлакатлардан ҳисобланади. Маълумки, ривожлантиришнинг кувиб етиш усулида миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши технологияларни импортга ҳисобига амалга ошади. Япония АҚШда ишлаб чиқариладиган юқори технологияларни импорт қилиш ҳисобига мамлакатда инновацион ривожланишида катта ютуқларга эришди ва ўзининг экспорт салоҳиятини юқори даражага кўтарди.

Япония замонавий технологияларни импорт қилиш билан бирга, 1960 йилдан бошлаб хусусий техника-технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида тўғри бера бошлади. Хусусан, 1960-1980 йилларда мамлакат ўзининг фундаментал техника сиёсатига асосланган иқтисодий ўсишнинг имитацион моделини яратди. Шунинг таъкидлаш жоизки, Япониянинг иқтисодий ўсиши таъминлашда жорий этган имитацион моделидан кейин Осиё китъасида қатор мамлакатлар ўзининг миллий иқтисодиётида ушбу моделини кенг жорий этди. Ушбу моделининг ўзига хос хусусияти шунда бўлдики, мамлакатда ўз технологиясини чет эл мамлакатлари технологияларига қаттиқтириш асосида янгиларини яратди. Япониянинг асосий ютуқларидан бири шу бўлдики, бундай жараён олдиндан пухта ўйланган режа ва мақсад асосида амалга оширилди.

Буни амалга оширишнинг йўлларида бири, хорижий мамлакатлардан кўплаб патентлар ва лицензиялар сотиб олди, мамлакатда инновацион ривожланишни самарали қўллаш мақсадида 1950 йиллардан бошлаб технопаркларни жадал суръатлар билан ташкил этди.

Мамлакатда ўтган асрнинг 80-йилларида Ташки савдо ва саноат вазирлиги томонидан “Технополис” дастури асосида 14 шаҳарда 18 та технополис ташкил этилди. “Цукуба” технополиси уларнинг ичида энг йириги бўлиб, 28 минг га майдонни эгаллаган, унда 145,0 минг киши фаолият кўрсатади¹³². Айнан янги технологияларни ишлаб чиқаришга қаттиқ эътибор Урушдан кейинги йилларда Япониянинг қисқа вақтда тикланишига ва жадал суръатлар билан ривожланишига олиб келди. Япониянинг инновацион ривожланишининг ўзига хос жиҳати шундаки давлатга нисбатан хусусий бизнес, хусусий компаниялар янги техника-технологияларни кашф этиб, танқис бўлган молиявий ресурсларни, инвестицияларни иқтисодиётга жалб эта бошлади. Давлат билан бир қаторда хусусий бизнес томонидан ишлаб чиқилган инвестиция сиёсатини фаолаштириш, мамлакатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини берди.

Тадқиқотлар нағижаси шунки кўрсатмоқдаки, Япония ҳукумати томонидан мамлакатда хусусий бизнесни ривожлантириш ва шароит яратиш

¹³² M. Wolf. The Japanese Conspiracy London 1983. K. Van Wolferin The Enigma of Japanese Power N.Y. 1990

бериш бўйича ғоят чуқур ўйланган, келишилган ҳатти-ҳаракати Япония давлатини иқтисодий ҳалокатдан қутқариб қолди ва жамиятининг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлади.

Японияда 1980 йиллардан бошлаб, инновацион ривожланишнинг янги тамойиллари ва қоидалари татбиқ этила бошлади, бунинг асосий марказида мамлакатда мустақил тадқиқот ва илмий йўналишларини ривожлантириш турарди.

Япониянинг инновацион ривожланиш тажрибаси кўрсатдики, нафақат янгиликлар, ихтироларни кашф этишга капитал, инвестиция, балки капитал учун ҳам янгиликларқилиниши шартлиги ва улардан самарали фойдаланиш зарурлиги ҳам муҳим омил эканлиги аниқланди.

Япония инновацион ривожланиш тажрибасининг яна бир қирраси – бу хусусий бизнес вакилларининг инновацион ривожланишга фаол иштирокидир. Бунинг заминида иккита мотив бўлиб, биринчиси – ватанпарварлик, иккинчи – инновацион фаолиятга киритилган капитал қайтими, самарадорлиги, аъъанавий фаолият турларига нисбатан анча юқорилигидир.

Японияда инновацион иқтисодиётнинг самарали ривожланишининг асосий ютуқларидан бири, мамлакатда унинг асосий йўналишлари белгилаб қўйилган бўлиб, инновацион ривожланиш жараёнида иштирок этиши лозим бўлган барча субъектлар, шунингдек ҳукумат ҳам ушбу йўналишларни амалга ошириш бўйича барча мажбуриятларни бекаму кўст тўлиқ бажарадилар.

Япония иқтисодиётида энг юқори марказлашув – бу фан-техника тараққиётини таъминлаш соҳасида кузатилади. Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлиги давлат номидан ягона марказдан туриб бошқариш вазифасини бажаради. Бундай бошқарув тизими АҚШда ёа Ғарбий Европа давлатларида йўқ бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад – стратегик, узок муддатли, истиқболли давлат дастурларини ўзида мужассам этган илмий тадқиқотларни молиялаштириш, ривожлантириш, реализация қилиш ҳисобланади. Японияда ИТТКИ ларнинг марказлашуви ва уларни тартибга солиш учун фанни молиялаштириш вазирликлар томонидан амалга оширилади ва доимий амал қилувчи йирик, миллий лабораториялар амал қилади. Шунингдек давлатдан йирик буюртмалар оладиган марказлашган йирик корпорацияларнинг илмий мажмуаларини ривожлантириш халқаро институтлар, дастурлар ва лойиҳаларни шакллантириш орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда Японияда 23 та эркин импорт зонаси, 19 та технополислар, 300 тага яқин давлат ва хусусий илмий-техник марказлар ишлаб турибди. Япониянинг инновацион ривожини режалаштириш АҚШникидан энг катта фарқи – бу ИТТКИни режалаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш механизмининг мавжудлигидир.

Инновацион фаолиятни солиқлар орқали рағбатлантиришда Япония давлати катта тажрибага эга бўлиб, мазкур фаолиятга 1952 йилдан эътибор бериб келинган. Японияда асосан, илмий жиҳозларга тезлаштирилган амортизациялаш тизими, чет эл технологияларини харид қилиш учун махсус имтиёзлар, илмий-тадқиқот харажатлари учун махсус чегирмалар кўринишида

тиқдим этилган. Илмий-тадқиқот ва инновацияларга бўлган махсус эътибор туфайли, Япония бугунга келиб дунёнинг саноати ривожланган давлатларидан бирига айланган. Япониянинг Глобал инновация индексида 15-ўринни эгаллаши ҳам бежизга эмас. Япониядан инновацион ривожланишни янада жадаллаштириш учун ИТТКИ субъектларига солиқ, амортизация ва бошқа иқтисодий имтиёзлар тизимини қўллаш амалиёти кенг қўлланилган. Масалан, ИТТКИ субъектлари фаолияти натижасида олинадиган фойдадан солиқ олмаслик, ўша солиқ базасини уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш, импорт операцияларидан имтиёзли бож-таъриф сиёсатини қўллаш амалиёти кенг тарқалган.

Япониянинг инновацион ривожланиш йўлида амалга ошираётган тадқиқотлар ва илмий техникани қўллаш бўйича ишлари кўпчилик ҳолатда, ривожланган мамлакатларникидан фарқ қилади. Масалан, АҚШнинг Гарвард бизнес мактаби профессори Х.Такесучи Япония инновацион ривожланишнинг ўзига хос хусусиятга эга эканлигини катор жиҳатларини кўрсатиб берган. Хусусан, Х.Такесучининг фикрига кўра уларнинг асосийлари қуйидагиларда кўринади:

- компания ёки фирмага ишлаб чиқариш субъекти (машина) сифатида эмас, балки тирик организм сифатида қараши;

- компания ва фирмаларнинг раҳбар ва бошқарувчилари, яъни маъсул ходимлар бирор-бир ҳақиқатни ишлаб топшиш ва уни амалиётга жорий этиш эмас балки, ўз дунёқарашларига таяниш орқали реал воқелик асосида ишни ташкил этиши;

- асосий эътибор билим ва қobiliятга эмас, балки инновацион ривожланишнинг олтинчи авлодини ривожлантиришга қаратиши;

- корхона ва фирмаларнинг фаолият юритадиган ташкилий тизимига эмас, балки ўз-ўзини бошқарадиган ва фаолиятни ташкил этадиган коллективга асосий эътибор қаратилиши;

- корхона ва фирма иш фаолиятини бошқаришда ўрта бўғиндаги ходимларнинг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олган ҳолда мавжуд мунозалари ҳолатлар ҳал этилади, айнан шу жараён инновацион ривожланишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади;

- инновацион ривожланишни самарадорлигини ошириш бўйича билимларни оширишда инсайдр ва аутсайдр таълим хизматларидан кенг фойдаланилади.


Японияни ривожланиш йўли тадқиқ этилган аксарият хорижий манбаларда олимлар иқтисодиётни шиддат билан барқарор ўсишини бевосита инновацион технологиялар ва таълим соҳасидаги ислохотларга боғлашади. Айниқса, Япония олимлари Н.Нонаки, Х.Такуэтилар ишларида билимга асосланган иқтисодиёт ва уни бошқариш жиҳатларига эътибор қаратган бўлса¹³³, М.Хирука, Кю.Ибата-Аренс, Й.Ито ва Х.Торийаларнинг ишларида кўпроқ иқтисодиёт тармоқларидаги инновацион ривожланиш хусусиятларига

¹³³ Hitotsubashi on Knowledge Management / Edited by Nonaka I., Takeuchi H. Singapore: John Wiley and Sons (Asia) Plc Ltd., 2004. – 369 p.

таъгибор қаратган¹³⁴. Бу жиҳатдан таъкидлаш жоизки, Японияда инновацион технологиялар инсонлар ҳаётининг ажралмас қисми сифатида барча соҳаларга чуқур кириб борган. Чунки, давлатнинг миллий инновация тизими ҳар бир субъектдан инновацияларни ривожлантириш заруриятини юзага келтиради. Ваҳоланки, илм-фан ютуқларини доимий жорий этмаган хўжалик субъектларининг ўз-ўзидан иқтисодий рентабеллиги пасайиб кетади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Японияда инновацион фаолиятни баҳолаш мезонларидан бири сифатида миллий компаниялар ўртасидаги кескин рақобат муҳитини шаклландирилганлигини келтириш мумкин, қайсики юқорида таъкидлаганимиздек хўжалик юритувчи субъектлар томонидан инновацион ишланмаларни жорий этишни тезлаштиради. Масалан, Жаҳон банки томонидан баҳоланадиган Япония ички рақобатини интенсивлиги (*Related Competition Intensity*) кўрсаткичи “катта еттилик” давлатлари бўйича ўртача 5,81 бални танқил этгани ҳолда, Японияда 5,9 бални ташкил этади¹³⁵. Албатта, мамлакатимизда ҳам эркин рақобат муҳитини шакллантириш нафақат инновацион технологияларни тақлифини кўпайишига, балки уларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этилиши орқали талабни ортишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда илмий-техникавий йўналишдаги кўрсаткичлар бўйича Япония дунёда етакчи давлатлардан ҳисобланади. Қуйидаги расмда айрим давлатлар мисолида ЯИМга нисбатан илм-фанга қилинган харажатлар салмоғи тўғрисидаги маълумот берилган.



3.4-расм. Айрим давлатларда 2018 йилда ЯИМга нисбатан илм-фанга йўналтирилган харажатлар салмоғи¹³⁶, % ҳисобида

3.4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йилда ЯИМга нисбатан илм-фанга қилинаётган харажатлар салмоғи Исроилда 4,58 %ни,

¹³⁴ Hirooka M. Innovation dynamism and economic growth: a nonlinear perspective. – Edward Elgar Publishing, 2006. – 426 p. Ito Y. Strategy and Innovation in Japanese Business. – Canberra: Asia Pacific Press at the Australian National University, 2003. – 192 p. Toriya H., Ito Y. 3D Manufacturing Innovation: Revolutionary Change in Japanese Manufacturing with Digital Data. / Springer, 2008.

¹³⁵ Doing Business 2015. Economy profile: Japan. – Wash., DC: Worldbank, 2015.

¹³⁶ www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gri_2019/de.pdf

Жанубий Кореяда 4,55 %ни, Швецияда 3,31 %ни Японияда 3,20 %ни, Австрияда 3,16 %ни ва Данияда 3,10 %ни ташкил этмоқда. 2018 йилда Япониянинг ЯИМ 4971,77 млрд.доллар¹³⁷ бўлганлигини ҳисобга олсак, ушбу йилда илм-фанга йўналтирилган маблағлар 159,09 млрд долларни ташкил этган. Албатта, бу борадаги кўрсаткич бўйича Япония АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлардан орта қолаётган бўлсада, ИХРТ (Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ташкилоти) мамлакатларининг ўртача 2,38 % кўрсаткичидан юқори ҳисобланади.

Бундан ташқари Японияда «ақлни чиқиб кетиши» кўрсаткичи бўйича дунёда энг паст даражада эканлиги, мамлакат инновацион ривожланиш даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Zero, ҳар қандай инновация тизимининг асосий бўғини бу – илмий салоҳиятга эга бўлган олимлар ҳисобланади¹³⁸. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг маълумотларига кўра Япония олимлари томонидан олинган патентлар ва унга аризалар, янги савдо белгилари, саноат намуналари бўйича дунёда етакчи ўринларда туради. Қуйидаги жадвалда Японияда фаолият кўрсатувчи миллий ва норезидент ҳўжалик юритувчи субъектларнинг айрим инновацион фаолияти кўрсаткичлари берилган.

3.4-жадвал

Япониянинг инновацион фаолият юритадиган айрим йирик корхоналари¹³⁹

№	Компания номи	Fortune Global 500 рейтингдаги ўрни	Даромад (млн.долларда)
1	Toyota Motor	10	272612
2	Mitsubishi	33	145243
3	Honda Motor	34	143303
4	Japan Post Holdings	52	115221

3.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳар йили дунё бўйича энг юқори даромад олувчи йирик компаниялар «Fortune Global 500» рейтингда бериб борилади. Ушбу рейтингни аниқлашнинг асосий мезони йирик компанияларнинг даромад миқдори ҳисобланади. Япониянинг қатор компаниялари мазкур рейтингда доимий кўрсатилиб келинмоқда. Бу эса ўз навбатида, корхоналарда инновацион сиёсат, инновацион фаолият туғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Фикримизча, Япония миллий инновация тизимининг ўзига хос жиҳатларидан бири ҳам ИТТКИ харажатларида давлатнинг улуши нисбатан

¹³⁷ International Monetary Fund, World Economic Outlook Database, October 2016.

¹³⁸ Japan Vision 2050, Principles of Strategic Science and Technology Policy toward 2020 // Science Council of Japan, 2007.

¹³⁹ <https://fortune.com/global500/2019/>

камлиги ва мудофа йўналишидаги илмий тадқиқот харажатлари ривожланган мамлакатлар ичида энг паст даражада ҳисобланади. Шунингдек, япон корпорацияларининг иқтисодий ва технологик ривожланганлиги боис 80 % дан кўп ИТТКИ харажатлари хусусий сектор маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Ушбу корпорацияларнинг 90 % экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган.

Инновацион ишланмаларни молиялаштириш манбаси бўйича таҳлил қилганимизда, Япония ва гарб давлатлари ўртасида бир қатор фарқлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШда илмий ишланмаларни молиялаштиришда венчур компанияларининг улуши сезиларли даражада бўлса, Японияда унинг улуши паст даражада ҳисобланади. Ёки хорижий технологияларни лицензияларидан фойдаланиш кўринишидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари (ТТХИ) микдори бўйича ҳам ривожланган “Катта еттилик” давлатлари ўртасидаги улуши энг паст даражада бўлиб, жамига нисбатан атига 0,7 % ни ташкил этади. Қуйидаги жадвал маълумотларидан Японияда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар салмоғи пастлигини кўриш мумкин.

3.5-жадвал

2017 йилда “Катта еттилик” давлатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кириши тўғрисидаги маълумот¹⁴⁰.

№	Мамлакатлар	ТТХИ кириши, млрд. долл.	«Катта еттилик» давлатлари улуши, %
1	АҚШ	187,5	55,5
2	Канада	62,3	18,5
3	Буюк Британия	37,1	11
4	Германия	26,7	7,9
5	Италия	16,5	4,9
6	Франция	4,9	1,5
7	Япония	2,3	0,7

3.5-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ТТХИларнинг мамлакатга кириши бўйича АҚШ етакчи ҳисобланиб, 2016 йилда мамлакатга кирган ТТХИлар микдори 187,5 млрд.долларни ташкил этган бўлса, Японияга бор йўғи 2,3 млрд.доллар ёки жамига нисбатан 0,7 % хорижий инвестициялар кирган.

Фикримизча, мамлакатимизда ҳам инновацион муҳитни яхшилаш мақсадида ушбу йўналишга киритилаётган хорижий инвестицияларга солиқ ва божхона имтиёзларини берилиши ёки ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш бўйича чоралар кўрилиши мақсадга мувофиқ.

Маълумки, Япония иқтисодиёти ўтган асрнинг 50 йилларидан бoshлаб Япония мудофаа харажатларини кескин қисқартириш эъзига иқтисодиётга ажаратилаётган маблағлар улушини ошириб борди. Урушдан кейинги йилларда

¹⁴⁰ World Investment Report 2017. Investing in the SDGs: an Action Plan. - N.Y. & Geneva: UNCTAD. 2017. Сtp 205.

Япония ҳукумати иктисодиётни аянчли аҳволда бўлганини ҳисобга олиб, патент, лицензия, технологияларнинг аксарияти хориждан импорт қилинган ва япон олимлари томонидан янада такомиллаштирилиб ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бу билан давлат ИТТКИ харажатларини бир неча баробарга қисқартиришга эришган. Бу жиҳатдан таъкидлаш жоизки, Япония миллий инновация тизимини имитацион хусусиятга эга бўлиб, дастлабки даврда чет эл технологияларидан нусха олинган ва такомиллаштирини эвазига юқори самарага эришган. Ўз навбатида гарб давлатларида яратилган илмий ишланмалар Японияда нисбатан арзимас маблагга сотилган. Масалан, 1949 йилдан бошлаб 30 йил ичида Япония турли давлатлардан 34 мингта патент ва лицензияларни харид қилинди. Миллий инновация тизимини шакллантиришнинг бундай стратегияси Япония иктисодиётига 400 %лик айрим тармоқларда эса 1800%гача самарадорликка эришилди¹⁴¹. 50-60 йилларда давлат миқёсида саноат ва юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ургу берилди. Натижада 60 йилларда жаҳон бозорида гарб давлатлари маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган даражага кўтарилди. Ушбу йилларда Япония иктисодиётига гарчи, гарб давлатлари технологияларининг оқими пасайган бўлсада, япон илмий-техникавий базаси шакллантирилган эди. Ўз навбатида иктисодий манбаларда Япония иктисодиёти 1973 йилга қадар йилга ўртача 10 %дан ўсгани таъкидланади¹⁴². Агар ўтган асрда Япония иктисодиёти экспортга асосланган бўлиб, унинг ЯИМдаги улуши 60-65 %ни ташкил этган бўлса, вақт ўтиши билан Япониянинг жаҳон бозоридаги улуши камайиш тенденциясига эга. Шунингдек, кейинги йилларда экспорт маҳсулотлари таркибидаги юқори технологияли маҳсулотлар улуши ҳам пасайиш тенденциясига эга. Куйидаги жадвалда 2011-2014 йилларда Япония иктисодиётининг айрим кўрсаткичлари тўғрисида маълумот берилган.

3.6-жадвалда берилган маълумотларга эътибор қаратсак, мамлакат ЯИМ 2011 йилда 5905,6 млрд.долларни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб ушбу кўрсаткич 4601,5 млрд.долларни ташкил қилган. Албатта, 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инкирозининг салбий оқибатлари Япония иқтисодиётини пасайишига сабаб бўлди. Шунингдек, 2011 йилда ЯИМга нисбатан экспорт маҳсулотлари улуши 15,1 % ёки 891,7 млрд.долларни ташкил этган. Экспорт маҳсулотлари таркибидаги юқори технологияли маҳсулотларининг миқдори 126,5 млрд.долларни ташкил этгани ҳолда, жамига нисбатан 14,2 %ни ташкил этган. 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 17,7 %ни ёки 814,5 млрд.долларни ташкил ташкил этган. Экспорт маҳсулотлари таркибидаги юқори технологияли маҳсулотларининг миқдори 101,0 млрд.долларни ташкил этгани ҳолда, жамига нисбатан 12,4 %ни ташкил этган ва таҳлил этилган даврда Япониянинг экспорт улуши ва унинг таркибидаги юқори технологияли маҳсулотлар экспорти улуши ҳам пасайиш тенденциясига эга бўлган.

¹⁴¹ Масааки Имви. Кайдзен: Ключ к успеху японских компаний / пер. с англ. – 5-е издание. – М.: Альпина Паблишер. 2011.

¹⁴² Шу манба.

**Япония инновацион фаолиятининг айрим иқтисодий
кўрсаткичлари¹⁴³**

№	Кўрсаткичлар	2014	2016	2018
1	ЯИМ. млрд.доллар	4601,5	4926,67	4971,77
2	Экспорт қилинган маҳсулот ва хизматларнинг ЯИМга нисбатан улуши. %да	17,7	18,1	18,9
3	Жумладан юқори технологияларга асосланган маҳсулотлар экспорти жами. млрд. доллар	101,0	102,4	103,2
4	Саноат товарлари экспортида юқори технологияли маҳсулотлар улуши. %да	17	18	18,7
5	Жами экспорт маҳсулотлари таркибда ахборот ва коммуникация технологиялари маҳсулотлари улуши. % да	4,3	5,2	5,7

Бундан ташқари ахборот ва коммуникацион технологияларга асосланган маҳсулотларнинг экспорт улуши таҳлил қилинган 2014-2018 йилларда мос равишда 4,3 ва 5,7 %ларни ташкил этган.

Бизнинг фикримизча, инновацион ёналишдаги Япония иқтисодиётини пасайиб бориши қуйидаги омиллар билан изоҳланади.

- ривожланган мамлакатлар юқори технологияли товарлар ишлаб чиқарувчи корпорацияларнинг ривожланаётган мамлакатларга, хусусан Хитой, Жанубий Корея каби давлатларда тақшил этилиши;

- жаҳон юқори технологияли товарлар бозорида ривожланаётган давлатлар улуши табора ортиб бориши;

- аксарият давлатларда инновацион ишланмалар ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш заруриятини юзата келиши ва давлат миқёсидаги дастурларни қабул қилиниши;

Қуйидаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йилда Япония инновациялар ҳажми бўйича 14-ўринни эгаллаб турибди. Бу эса 2017 йилга нисбатан салбий натижа ҳисобланади. Инновацияларнинг натижалари бўйича эса 17-ўринда бўлиб, ўтган йиллар билан таққослаганда бирмунча ижобий кўринишга эга.

Япониянинг 2017-2019 йилларда инновациялар бўйича рейтинг¹⁴⁴

Йиллар	Глобал инновацион индекс	Инновациялар	Инновациялар натижалари
2019	15	14	17
2018	13	12	18
2017	14	11	20

¹⁴³ Жаҳон банкнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди 2016.
<http://data.worldbank.org/indicator/NE.EXP.GNFS.ZS>

¹⁴⁴ www.wipo.int/edocs/pubdocs/en/wipo_pub_gii_2019/de.pdf

Япония иқтисодиётини барқарор ривожланишида илм-фан ва инновацион технологияларнинг ўрни тадқиқ этиш куйидаги хулосаларни шакллантиришга хизмат қилди:

- Ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб Япония ҳукумати барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий мезони сифатида янги технологиялар, илмий изланмаларни ишлаб чиқаришда жорий этган. Бунда урушдан кейинги даврда иқтисодиётни танг аҳволда эканлигини ҳисобга олиб, ҳукумат янги технологияларни импорт қилган ва маҳаллий олимлар томонидан янада такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бундай амалиётнинг миллий иқтисодиётдаги самарадорлиги бекиёс бўлиб, маълумки, илм-фан ва инновацион технологияларга сарфланган харажатларнинг қайтимлилиқ даражаси узок муддатни ташкил этади, қайсики миллиятнинг илмий салоҳиятига боғлиқ;

- иқтисодий манбаларда Япониянинг инновацион фаолиятини имитацион хусусиятга эга эканлиги таъкидланади. Яъни, бугунги кунга қадар Япония четдан патент ва лицензияларни харид қилиш бўйича энг юқори ўринларда туради. Япония томонидан жаҳон бозорига таклиф этилаётган товарларнинг аксарияти асосан такомиллаштирилган, модернизация қилинган ҳолда экспорт қилинади;

- мамлакатда йирик корпорациялар ва университетлар ўртасида мустақкам алоқалар ўрнатилган. Бунда олий таълим муассасаларининг ИТТКИ харажатларининг асосий қисми йирик корпорациялар грантлари асосида амалга оширилади. Масалан, Toyota motor, Honda motor, Mitsubishi, Hitachi, Sony, NEC, Toshiba, Fujitsu, Canon каби автомобилсозлик, компьютер технологиялари ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги 500 дан ортиқ трансмиллий компаниялар Япониядаги Токио, Киота каби 100 га яқин университетларнинг буюртмачиси ҳисобланади;

- Гарчи Япония иқтисодиёти 20 асрда тез сураатларда барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлсада, кейинги 10 йил ичида унинг жаҳон бозоридаги улуши пасайиб бормокда. Мутахассисларнинг таъкидлашича бундай вазиятни юзага келиши, асосан жаҳон бозорида рақобат муҳитини чуқурлашгани ва бозорнинг янги иштирокчилари кириб келгани билан изоҳланади. Хусусан, Хитой, Жанубий Корея, БРИКС давлатлари томонидан бозорга таклиф қилинаётган товарларга бўлган талаб ортиб бориш тенденциясига эга.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Япониянинг миллий инновация тизими тўлиқ шакллантирилган бўлиб, кейинги йилларда иқтисодиётда рўй бераётган салбий ҳолатларни олдини олиш бўйича чоралар кўриломқда. Масалан, Япония ҳукумати томонидан бозордаги улушини сақлаб қолиш мақсадида 2025 йилга қадар узок муддат инновацион ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқилди. "Инновация - 25" стратегиясига асосан миллий инновация тизимининг норматив-ҳуқуқий базаси такомиллаштирилади. Мамлакатимизда ҳам Япония миллий инновация тизимини айрим жиҳатларини амалиётда қўллаш мақсадга

мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Масалан, бугунги кунда илм-фанни ривожлантириш бўйича грантлар асосан давлат томонидан амалга оширилади. Йирик трансмиллий компаниялар ва фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш йўналишидаги ОТМлари ўртасидаги илмий-техникавий шартномаларни имзолашни бу борадаги ишларни янада жадаллаштиради.

Монография ишининг учинчи бобида Ўрта Осиё қитъасида жойлашган Жанубий Корея, Хитой ва Япония мамлакатларида инновацион ривожланишнинг назариялари, омиллари, ҳолати ва иқтисодий ўсишни таъминлашдаги аҳамияти агрофлича тадқиқ этиш асосида қуйидаги ишланмалар шакллантирилди:

- Давлат томонидан илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Замонавий иқтисодиётнинг талабларини ўз вақтида англаган ҳолда, ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб давлат томонидан илмий тадқиқот ишларини қўллаб қувватлаш сиёсати юритилади. Инновацион сиёсатнинг стратегик мақсади нанотехнологияларни ривожлантириш орқали дунё бозорида муносиб ўринга эга бўлиш ҳисобланади;

- Корея инновацион ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларида бир илмий тадқиқот ишлари билан шугулланувчи кичик бизнес субъектларини давлат томонидан турли, яъни солиқ, божхона, молия ва кредит йўналишларида қўллаб қувватланишидир. Бу йўналишда ишлаб чиқилган дастурлар асосан давлат, бизнес ва илм-фан ўртасидаги кооперацияни чуқурлаштиришга қаратилган. Шу нуктаи назардан, илм-фан ютуқларини иқтисодиётнинг турли соҳаларида жорий қилиниши давлатнинг жаҳондаги нуфузини янада оширмоқда.

- миллий инновация тизимининг ажралиб турувчи жиҳатларидан бири сифати илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга оширишда мустахкам халқаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигини таъкидлаш мумкин. Бугунги кунда Жанубий Корейанинг 1000 дан ортиқ инновацион лойиҳаларида АҚШ, Канада, ЁИ, Япония, Хитой, Исроил ва Россия каби давлатларнинг иштирок этиши, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун яратилган инновацион муҳит ҳам юқори даражада эканлигидан далолат беради;

- Корея иқтисодиёти экспортга асосланган бўлиб, таҳлил қилинган даврда унинг улуши ЯИМга нисбатан 50 %дан юқори кўрсаткични ташкил этган. Бу жиҳатдан у ривожланган мамлакатларни (ўртача 25-45 %) ҳам ортда қолдираётганини таъкидлаш керак. Шунингдек, экспортнинг ½ қисмида ортиқ қисми юқори технологияли инновацион товар, иш ва хизматларни ташкил этиши мамлакатнинг рақобатбардошлигини янада оширмоқда.

- ХХР иқтисодиёти режали ва бозор муносабатлари механизмларини уйғунлаштирган ҳолда миллий инновация тизimini шакллантирмоқда. Фикримизча, инновацион технологияларни ривожлантиришда давлатнинг роли муҳим аҳамият касб этиб, бу борадаги хусусий секторнинг родини ошириш жараёнлари халигача давом этмоқда. Шу билан бир қаторда, илмийтадқиқот

институтлари ва университетлар илмий салоҳиятли кадрлар етиштиришда ўз ўрнига эга.

- "очик эшиклар" сиёсатини юритиши натижасида ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб Хитойга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқими тез суръатларда ортди. Ўз навбатида бугунги кунда ҳам саноатнинг юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларида хорижий компанияларнинг улуши сезиларли даражада ҳисобланади.

- Бозор муносабатларининг ривожланиши натижасида давлат қарашли йирик корхоналари каторида Huawei, Lenovo, Haier каби 100 га яқин йирик юқори технологияларга асосланган маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар ташкил этилди. Инновацион фаолиятда банд бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва йирик компаниялар ўртасида мустаҳкам кооперация алоқалари мавжуд. Улар асосан илмий ишланмалар трансфери билан шуғулланади.

- Ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб Япония ҳукумати барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий мезони сифатида янги технологиялар, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришда жорий этган. Бунда урушдан кейинги даврда иқтисодиётни танг аҳволда эканлигини ҳисобга олиб, ҳукумат янги технологияларни импорт қилган ва маҳаллий олимлар томонидан янада тақомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқаришга жорий этилган. Бундай амалиётнинг миллий иқтисодиётдаги самарадорлиги бекиёс бўлиб, маълумки, илм-фан ва инновацион технологияларга сарфланган харажатларнинг қайтимлилиқ даражаси узок муддатни ташкил этади, қайсики миллатнинг илмий салоҳиятига боғлиқ.

- иқтисодий манбаларда Япониянинг инновацион фаолиятини имитацион хусусиятга эга эканлиги таъкидланади. Яъни, бугунги кунга қадар Япония четдан патент ва лицензияларни харид қилиш бўйича энг юқори ўринларда туради. Япония томонидан жаҳон бозорига таклиф этилаётган товарларнинг аксарияти асосан тақомиллаштирилган, модернизация қилинган ҳолда экспорт қилинади.

- мамлакатда йирик корпорациялар ва университетлар ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Бунда олий таълим муассасаларининг ИТТКИ харажатларининг асосий қисми йирик корпорациялар грантлари асосида амалга оширилади. Масалан, Toyota motor, Honda motor, Mitsubishi, Hitachi, Sony, NEC, Toshiba, Fujitsu, Canon каби автомобилсозлик, компьютер технологиялари ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги 500 дан ортиқ транснационал компаниялар Япониядаги Токио, Киота каби 100 га яқин университетларнинг буюртмачиси ҳисобланади.

- Гарчи Япония иқтисодиёти 20 асрда тез суратларда барқарор ривожланиш тенденциясига эга бўлсада, кейинги 10 йил ичида унинг жаҳон бозоридаги улуши пасайиб бормоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича бундай вазиятни юзага келиши, асосан жаҳон бозорида рақобат муҳитини чуқурлашгани ва бозорнинг янги иштирокчилари кириб келгани билан изохлашади. Хусусан, Хитой, Жанубий Корея, БРИКС давлатлари томонидан бозорга таклиф қилинаётган товарларга бўлган талаб ортиб бориш тенденциясига эга.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ҲОЛАТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

§4.1. Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назариялари, шаклланиши ва иқтисодий ўсишнинг таъминлашдаги имкониятлари

Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назариялари, шаклланиши ва миллий иқтисодиёт ўсишнинг таъминлашдаги имкониятлари хусусида тадқиқот ишларини амалга оширишдан олдин «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш» назарияларнинг халқаро миқёсда ўрганиш бошланган даврига эътибор қаратиш лозим.

Чунки, замонавий шароитда инновацион иқтисодиёт ривожланган ва ўзининг тегишли самарасини бераётган мамлакатларда «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш» эмас балки, дастлаб «инновация»нинг назарий асослари XX асрнинг биринчи ярим йиллигида фанга кириб келган. Бу давр 1920-1930 йилларга тўғри келади, бундан кўринадики халқаро миқёсда ҳам инновация, инновацион иқтисодиёт ва инновацион ривожланиш билан боғлиқ назарияларни тадқиқ қилиш унчалик чуқур тарихга эга эмас.

Бизга тарихдан маълумки, Ўзбекистон бу давр (1920-1930 йиллар)да хўжалик юретишнинг тубдан янгича бўлган хусусий мулк ва рақобат механизмларини катъий равишда инкор этадиган тизимга ўтиш жараёнини бошидан кечираётган эди. Бундан маълум бўладики, бу даврда Ўзбекистонда «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш»нинг назарий асосларини тадқиқ қилиш эмас, балки бу тўғрида сўз юритиш ҳам мумкин эмас эди.

Демак ўз-ўзидан аён бўладики, Ўзбекистонда «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш»нинг назарий асослари хусусида тадқиқот ишларини амалга ошириш, уни амалиётга жорий этиш билан боғлиқ масалалар мамлакатимизда бозор муносабатлари жорий этилган 1991 йиллардан бошланган. Агар, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги 10 йиллик даврга назар ташлайдиган бўлсак, бу даврда бозор иқтисодиётининг асосий тамойиллари ва механизмларини амалиётга жорий этиш, тегишли қонунчилик ва метёрий хужжатлар базасини яратиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилган.

Ҳақиқатда ҳам Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтган 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларида, илмий асарларда, шунингдек миллий иқтисодиётда хўжалик юритиш тизимини бошқариш бўйича қабул қилинган қонунчилик ва метёрий хужжатларда «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш»нинг назарий ва амалий масалаларига етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Ўзбекистонда «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш»нинг назарий асослари, шаклланиши ва миллий иқтисодиётни

Ўсишни таъминлашдаги жараёнларини, юкорида кайд этилган фикр ва мулохазаларга таяниб, куйидаги боскичларга гурухлаш мақсадга мувофик.

Биринчи босқич, 1991-2000 йиллар. Ушбу даврда хўжалик юртишнинг мўлмурий-буйрукбозлик тизимидан бозор иктисодиётига ўтилди. Бозор муносабатларини тартибга соладиган қонунийлик базаси яратилди. Ўзбекистон иктисодчи олимлари бу даврда асосий эътиборни бозор муносабатларини, механизмлари ва ўтиш иктисодиёти билан боғлиқ илмий асарлар яратиш ва тадқиқот ишларини амалга оширишга қаратган.

Иккинчи босқич, 2000-2010 йиллар. Ўзбекистонда «инновация», «инновацион иктисодиёт» ва «инновацион ривожланиш»нинг айрим назарий жиҳатлари иктисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан эътироф этилди, бироқ ушбу масалалар кенг қўламли тадқиқот объекти сифатида ўрганилмади.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда инновацион ривожланиш масалалари 2000-2010 йилларда назарияга нисбатан амалиётда анча тез ривожланди. Хусусан, шу даврда Ўзбекистонда дастлаб инновацион лойиҳалар ва ишланмаларини мувофиқлаштириб турувчи қўмита ташкил этилди¹⁴⁵. Қарорга асосан қўмита зиммасига инновацион лойиҳаларини мувофиқлаштириш нуктан назаридан куйидаги вазифалар юклатилди:

- мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари, замонавий фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан бирга фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

- вазирликлар ва идораларнинг илмий-тадқиқот институтлари ва муассасалари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасалари, Фанлар академиясининг фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлаш;

- илмий-техника дастурлари амалга оширилишини, шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари натижалари иқтисод, ишлаб чиқариш, таълимнинг турли соҳаларида қўлланилишини самарали мониторинг қилишни ташкил этиш;

- илмий-техника соҳасида ўзаро фойдали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, мамлакат илм соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш, республика илмий ташкилотлари, олимлари ва мутахассисларининг халқаро дастурлар ва илмий лойиҳалар танловларида қатнашиши учун қўмаклашиш каби вазифалар шулар жумласидандир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда инновацион ривожланиш орқали миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш жараёнларига бўлган эътибор айнан қўмитани ташкил этиш даврига тўғри келади.

¹⁴⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқариш тақомилантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 311-модда; 2008 й., 14-15-сон 99-модда; 2011 й., 36-сон, 366-модда; 2013 й., 47-сон, 616-модда; 2014 й., 30-сон, 365-модда)

Қўмита мамлакатда амалга оширилаётган фундаментал ва амалий лойиҳалар бўйича давлат гранти танловларини эълон қилиш, уни ўтказиш ва натижаларини мувофиқлаштириб бориш билан бирга, инновацион лойиҳалар бўйича ҳам қатор амалий ишларни амалга оширди. Бироқ, мамлакатда инновацион ривожланишнинг етарли даражада ҳуқуқий асоси мавжуд бўлмаганлиги боис, бу соҳа ривожланишнинг амалий самарадорлиги паст бўлиб қолаверди. Ушбу масаланинг ижобий ечимини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹⁴⁶ги қарорин қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қарор мамлакатимиз иқтисодиётида инновацион иқтисодиётни ривожланишининг ҳуқуқий асосини яратиш билан бирга, бу борада қатор амалий ишларни амалга ошириш имкониятини берди.

Хусусан, қарор инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишнинг қуйидаги механизмларини белгилаб қўйди.

1. Инновацион гоялар, технологиялар ва лойиҳалар Республика ярмаркаси ҳар йили ўтказиладиган бўлди. Ҳозирги кунга қадар «Ўзбекнефтегаз» МК, «Ўзкимёсаноат» ДАК, «Ўзфармсаноат» ДАК, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбекуголь» АК, Навоий ТМК, Олмалиқ ТМК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», Олий таълим ва ўрта махсус таълими тизимидаги муассасалар ва бошқа йирик концернлар ҳозирги кунга қадар инновацион ярмаркаларни ўтказиб келмоқда.

2. Амалий илмий ишланмалар ва инновацион технологиялар ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этилишини таъминлаш учун зарур бўлган молиявий манбаларини аниқлаш ва маблағларни шакллантириш ҳамда улардан фойдаланишни мувофиқлаштириб бориш.

3. Замонавий ускуналар ва технологияларнинг халқаро ва маҳаллий ишланмаларини ўрганиш, шу асосда замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишнинг ҳар йилги ва ўрта муддатли дастурларини шакллантириш.

4. Маҳаллий амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар жамламасини шакллантириш, шунингдек уларни жойлаштириш.

5. Амалий илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларини корхона фаолияти амалиётига татбиқ этиш.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг иккинчи босқичида (2000-2010 йиллар) “инновация”, “инновацион иқтисодиёт” ва “инновацион ривожланиш”нинг назарий асослари сифатида етарли даражада ўрганилмаган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу иқтисодий терменлар асосида вужудга келадиган муносабатлар, уларнинг назарий жиҳатлари нафақат мамлакатимиз иқтисодчи олимлари, балки МДХга аъзо мамлакатлар иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан ҳам етарлича тадқиқ этилмаган. Буни

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи. 2008 йил 16 июл. 37-сон.

С.М.Бельтюкованинг куйидаги фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди: “Ҳозирги вақтда “инновацион иқтисодиёт” тадқиқотчилар томонидан старлича ўрганилмаган соҳалар каторига киради. Замонавий энциклопедия ва иқтисодий дугатларда “инновацион иқтисодиёт”га аниқ ва нухта берилган таъриф мавжуд эмас. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, инновацион ривожланишга бағишланган тадқиқот ишларида ва иқтисодий адабиётларда “иқтисодий билим”, “янги иқтисодиёт”, “постиндустриал иқтисод” каби терменларни кузатиш мумкин”¹⁴⁷.

Бирок, эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда инновацион ривожланиш жорий этишнинг иккинчи босқичида Б.Абдуллаев, Ш.Синдаров ва бошқалар монография ишларида инновациянинг айрим жиҳатларини ўрганган. Хусусан, Б.Абдуллаев номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган монографиясида бозор иқтисодиёти шароитида инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этган¹⁴⁸, Ш.Синдаров ўзининг номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган тадқиқот ишида жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози ва миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизминини самарасини ошириш ва такомиллаштириш йўллари ўрганилган¹⁴⁹.

Юқорида кайд этилган номзодлик ишларида инновация, инновацион ривожланиш каби иқтисодий муносабатларнинг назарий асослари сифатида хорижлик иқтисодчи олимларнинг фикрлари ва ғоялари келтирилган. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек МДХ мамлакатлари ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари мазкур масалаларнинг назарий жиҳатларини старли даражада тадқиқ этмаган ва бу каби иқтисодий терменларнинг моҳиятини очиб берувчи таърифларни шакллантирмаган.

Булардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб инновацион ривожланишнинг назарий жиҳатларини чуқурроқ тадқиқ этиш ҳамда уларга таянган ҳолда “инновация”, “инновацион иқтисодиёт” ва “инновацион ривожланиш” каби терменларнинг иқтисодий моҳиятига муаллифлик таърифларини шакллантириш лозим.

Биз, мазкур монография доирасида хорижий иқтисодчи олимлар, назариячилар ва мутахассисларнинг инновацияга оид назарий ва илмий қарашлари юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижаларига таяниб инновация”, “инновацион иқтисодиёт” ва “инновацион ривожланиш” каби терменларга муаллифлик таърифларини шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Инновация – иқтисодиётдаги талаб ва тақлиф натижасида вужудга келадиган, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва аъъанбий ишлаб

¹⁴⁷ Бельтюкова С.М. Инфраструктурный фактор развития инновационной деятельности регионов. Вестник ИНИПУ. Социальные экономические науки. 2013. №21. 121-127 стр.

¹⁴⁸ Абдуллаев Б.А. “Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш”. 08.00.05–Менеджмент иқтисослиги бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация. Андижон, 2002.

¹⁴⁹ Синдаров Ш.Э. “Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик фаолиятида инновацион жараёнлардан фойдаланишнинг иқтисодий механизми”. 08.00.02–Макроиқтисодиёт иқтисослиги бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертация. Тошкент, 2010.

чиқарни муносабатларини янгиликка аламплаштиришга имконият берадиган ихтиро, кашфиёт ва замонавий ҳоялар мажмуидир. Бундан кўринадики, мамлакатда инновациянинг назарий ва амалий жиҳатдан намоён бўлиши учун биринчи навбатда инновацион талаб ва инновацион таклиф бўлиши зарур экан. Бизга маълумки, талаб вужудга келган муҳитда инновацион таклиф пайдо бўлади. Албатта, инновацион таклиф пайдо бўлиши учун инновацион муҳит ва инновацион инфратузилма етарли даражада шаклланиган бўлиши керак. Буларнинг барчаси давлат ва хусусий шахслар томонидан молиявий маблағлар билан таъминлаш ва рағбатлантирилиши зарур бўлади.

Инновацион иқтисодиёт — инсон интеллектуал капиталига асосланган ҳўжалик юритиш шаклидир. Инновацион иқтисодиёт кишилик жамиятининг барча ҳўжалик юритиш шакллари босиб ўтгандан кейин жорий этиладиган босқичдир, ҳўжалик юритишнинг бу босқичида миллий иқтисодиётнинг барча бўғинларида энг замонавий техника ва технологиялар жорий этилади.

Инновацион ривожланиш — миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини инсон интеллектуал капитали ва юқори технологияларига асосланиб таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнидир.

Инновацион ривожланиш даврида мамлакат миллий иқтисодиёти ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга узлуксиз жорий этиладиган замонавий техника ва технологиялар таъсирида барқарор ўсиб бориш имкониятига эга бўлади. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишига ривожланган фан-техника тараққиётини амалиётга жорий этиб бориш бевосита таъсир қилади. Бу жараёнда миллий иқтисодиётга шундай тизим жорий этиладики, унда фан, саноат ва жамият ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик пайдо бўлади, инновация саноат ва жамият ривожланишнинг базисини ташкил этади, ўз навбатида инсон интеллектуал салоҳияти бу икки жараёни рағбатлантирадиган омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда инновацион назария ва шаклланишини *учинчи босқич*, 2010 йилдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олади. Инновацион ривожланишнинг учинчи даврида мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш масаласи долзарб вазифалардан бирига айланди. Бунга дунёда юз бераётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлар, халқаро иқтисодиётнинг глобаллашуви, молия ва истеъмол бозорларида баҳоларнинг бекарорлиги, шунингдек давлатлар ўртасидаги сиёсий бекарорликлар бевосита таъсир этмоқда. Инновацияларнинг пайдо бўлиши ортида — узок йиллар давомида амалга оширилган ўта машаққатли меҳнат ётади. Аммо кўпинча, инновацияни яратишдан кўра, уни сингдириш ўта қийин масалага айланади. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда инновацияларга "яшил чирок"ни ёкиш мақсадида, "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонни имзолади. Янги вазирлик вазифалари мамлакатда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли ютуқларини тарғиб қилиш, бу борада самарали механизмларни ишлаб чиқиш, илмий-экспериментал ихтисослашган лабораториялар, юқори технологик

марказлар, технопарклар ва бошқа инновацион тузилмаларни мустахкамлашдан ibорат.

Ўзбекистонда “инновация”, “инновацион иқтисодиёт” ва “инновацион ривожланиш”нинг назарий жиҳатдан ўрганиш натижалари шунки кўрсатмоқдаки, инновация фан, саноат ва жамиятни ўзаро уйғунликда ривожланишини таъминлашга хизмат қиладиган ягона тизим яратилмаган.

Биз ушбу хулосани мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан миллий иқтисодиёт, уни барқарор ўсишини таъминлаш борасида амалга оширган тадқиқот ишлари ва илмий асарларини ўрганиш асосида шакллантирдик.

Шуларни эътиборга олиб, инновацион ривожланишнинг “инновацион муҳити” ва “инновацион инфратузилма”ларни назарий жиҳатдан асослаш зарур деган фикрга келдик (мазкур боснинг кейинги параграфларида бу масалаларни атрофлича кўриб чиқамиз), шунингдек “инновация”, “инновацион иқтисодиёт” ва “инновацион ривожланиш”га иқтисодий таърифлар мавжуд эмаслигини эътиборга олиб юкорида ушбу иқтисодий терменларга нисбатан муаллифлик ишланмаларни шакллантирдик.

Чунки, инновация ва инновацион ривожланиш хусусида фикр юритганда унинг асосий манбаси фан ва таълим эканлигини унутмаслигимиз керак. Чунки инновацион ривожланишнинг асосида инсон интеллектуал билими билан яратилган ва амалиётга қўлланилган замонавий технологиялар ётади. Шундай экан фан, саноат ва жамият ўртасида шундай бир тизимни яратиш лозимки, ушбу тизимни самарали ишлашида инновация муҳим боғловчи бўгин бўлиб хизмат қилсин. Демак, инновация фан, саноат ва жамиятни ўзаро уйғунликда ривожланишини таъминлаб туришга хизмат қиладиган “янги иқтисод”ни назарий жиҳатдан яратиш ва уни амалиётга жорий этиш лозим.

“Янги иқтисод” мамлакатнинг иқтисодий хўжалигини ўзида мужассам қилган амалдаги технологияни сифат жиҳатидан юкори даражадагиси билан тўлиқ алмаштирилган иқтисоддир¹⁵⁰. Бирок, “янги иқтисод”га берилган ушбу фикр иқтисодиётни инновацион ривожланишга ўтказилганини аниқлатмайди.

Инновацион ривожланиш “билимга асосланган иқтисодиёт”га иқтисодий ривожланиш босқичи бўлиб, иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикрларига кўра, “инновацион иқтисодиёт” жамиятга индустриал иқтисодиётдан кейин жорий этилади¹⁵¹. Маълумки, ушбу назарияга асосан иқтисодиёт индустриаллашган давргача бўлган жараёни ва ундан кейинги индустриаллашган даврни босиб ўтган бўлиши лозим. Демак, мамлакат иқтисодиётида инновацион ривожланиш индустриаллашган иқтисодиётдан кейин қўлланилади ёки бошқача қилиб айтганда мамлакат иқтисодиёти тўлиқ индустриаллашган ҳолда ривожланиш босқичига ўтгандан кейин инновацион ривожланишни қўллаш ҳақида фикр юритиш мумкин.

¹⁵⁰ Мигеров И. Факторы развития «новой экономики» в России // Экономист. 2003. №2. –С. 3-7.

¹⁵¹ Иноземцев В.Л. Теория постиндустриального общества как методологическая парадигма российского общества // Вопросы философии. 1997. №10. С. 34-36.

Шу ўринда индустриаллашган иқтисодиёт қандай кўринишга эга бўлади деган саволни ёритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Индустриаллашган иқтисодиёт (лотинча *Industria*) — иқтисодиётни анъанавий ривожланиш жараёнидан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган, саноат ишлаб чиқариши юқори улушга эга бўлган иқтисодиётга ўтишдир¹³². Ушбу жараён энергетика ва металлургия ҳамда янги технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланади.

Индустриаллашган иқтисодиётда жамиятнинг дунёқариши ва турмуш шароитлари ўзгаради, янги техника ва технологияни қўллашга бўлган кизиқиш ва талаб ортади, аҳолининг даромадлари ўсади ва инвестицион муҳит тубдан яхшиланади. Буларнинг барчаси мамлакатда халқаро даражадаги истеъмол моллари ишлаб чиқариш имконияти пайдо бўлади, хизмат кўрсатиш сифати халқаро даражага кўтарилади ва иқтисодий ўсишга эришилади.

Таъқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, индустриаллашган иқтисодиёт индустриаллашгандан кейинги иқтисодиёт бир-биридан қандай фарқ қилиши хусусида турли ёндошувлар ва ишланмалар мавжуд, шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан мазкур масалалар апрофлича ўрганилган.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишни иқтисодиётга жорий этиш учун қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар яратилиши лозим. Хусусан:

- ЯИМ таркибида қишлоқ хўжалигининг улуши 2-3 фоиз, мамлакатда банд бўлган жами меҳнат ресурсларининг вақатгина 3-4 фоизи шу соҳа ҳиссасига тўғри келиши керак;

- мамлакат ЯИМ таркибида экспортнинг улуши 60 фоизга етказиш ва улар 80-90 фоиз тайёр истеъмол товарлари бўлиши лозим;

- ЯИМ таркибида саноат тармоқларини улушини жиғидий ошириш мақсадга мувофиқ;

- аҳоли жоп бошига тўғри келадиган йиллик ўртача даромад ва мамлакат ЯИМнинг улуши халқаро андозаларга мувофиқ юқори даражасида бўлиши керак;

- ва бошқа қатор кўрсаткичларни халқаро даражадаги меъёрларга етаклиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бирок, юқорида қайд этилган ҳолатларни эътиборга олиб Ўзбекистонда инновацион ривожланишни миллий иқтисодиётга қўллаш имконияти мавжуд эмас экан деган ҳулосани чиқариш тўғри бўлмайди. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожланган мамлакатлардаги каби иқтисодиётнинг барча тармоқларига ёппасига жорий этишнинг имконияти мавжуд эмас, балки мамлакатимиз иқтисодиётини ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб, айрим тармоқларда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хусусан:

- электр-энергиясини ишлаб чиқаришда. Бу йўналишда ҳозирги кунда муқобил электр-энергиясини ишлаб чиқаришнинг самарали усуллари жорий

¹³² Enslavement and industrialisation Robin Blackburn. BBC British History. Published: 18 December 2006
Accessed April 2008. Page. 123.

ишмоқда, бу жараёни келгусида янаям ривожлантириш мумкин. Чунки, Ўзбекистон дунёнинг жуда кўп мамлакатларидан фарқли ўлароқ йилнинг деярли барча ойларида қўш нурига бой ўлка ҳисобланади;

-кишлоқ хўжалигини ривожлантиришда. Хусусан, томчилатиб суғориш, қўл меваларни қуритиш ва консервация қилиш, янги узилган меваларни қинна еклаш ва бошқа йўналишлар шулар жумласидандир;

-машинасозлик соҳасида. Бу соҳа албатта мамлакатимизда тез суръатлар билан билан ривожланаётган ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бунда асосий эътиборни ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик асосида инновациони ривожлантириш лозим.

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш орқали миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш бўйича жуда катта имкониятлар мавжуд. Ушбу имкониятлар замирида унинг асослари ҳам ётибди, бизнинг назаримизда улардан самарали фойдаланишимиз жуда зарур, бу имкониятлар ва уларнинг замирида ётган асослари, бизнинг назаримизда қуйдалар ҳисобланади:

-улуғ боболаримизнинг дунё ҳамжамияти аҳамиятига эга бўлган фан соҳасига қўшган оламшумул ҳиссалари. Хусусан, Ал Хоразмий, Ибн Сино, Алишвер Навоий ва бошқа улуғ аجدодларимизнинг дунё фан тараққиётига қиритган ҳиссалари ҳозирги бугунки кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотмасдан барча мамлакатларда фойдаланилмоқда ва эътироф этиб келинмоқда. Бунинг ўзи ҳам мамлакатимизда бундан кейин ҳам оламшумул аҳамиятга эга бўлган инновацион ғояларни яратишига тағ замин бўлиб хизмат қилади;

-мамлакатда ижтимоий соҳага қаратилаётган эътибор ва ажратилаётган молиявий маблағлар ҳажмининг юқорилиги. Албатта, ҳозирги кунда бу борадаги фаолиятни янада тизимлантириш ва уларни фаолиятини ягона мақсадга қаратиш зарур ҳисобланади, бироқ юқорида қайд этилган ҳукумат томонидан берилаётган эътибор ва ажратилаётган маблағ инновацион ривожланишга жуда имкониятлар очиб бермоқда;

-тадқиқот натижалари шунини кўрсатмоқдаки, дунаёда яратилаётган инновацион ғояларнинг асосий муаллифлари ёшлар ҳисобланади, бу жиҳатдан ҳам Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоиздан зиёди юксак салоҳият, билим ва ҳаракатчан ёшлардан иборат, бу ҳам мамлакатимизда инновацион йўналишнинг ривожлантиришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади;

-Ўзбекистонда инновацион ғоя ва ихтироларни яратиш ва амалиётга жорий этиш бўйича зарур бўлган ҳукукий ва меъёрий база старли даражада шакллантирилган ва амалиётга жорий этилган. Бу албатта, мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг истаган соҳасида фаолият юритиш учун имконият яратади;

-Ўзбекистоннинг бой ер ва ер усти ресурсларга эга эканлиги. Таъкидлаш жоизки мамлакатда инновацион ғоя ва ихтироларни яратиш ва амалиётга жорий этишда ушбу масалалар ҳам юқори аҳамият касб этади ва имкониятлар беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назарий асосларига нисбатан амалиёт анча илгарилаб кетган, шунингдек

мамлакатимизда инновацион ривожланишни жорий этишда унинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш ва мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарур.

§4.2. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда инновацион ривожланишнинг миллий тизими

Иқтисодиётни глобаллашуви ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида давлатнинг устувор вазифаларидан бири мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ошириш ҳисобланади.

Мазкур вазифани амалга ошириш мақсадида, давлат томонидан миллий иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, диверсификация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 436-сонли ва 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 916-сонли Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 241-сонли ва 2008 йил 15 октябрдаги “Технологиялар трансфери Агентлиги” Давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 228-сонли Қарорлари шулар жумласидандир.

2018 йилнинг «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили», 2019 йилнинг «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилиниши ҳам мазкур йўналишда қўйилган муҳим қадамлардир. Инвестицияларни жалб этиш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва тадбиркорликка янада қулай шароит яратиш ва кенг йўл очиб бўйича оламшумул ишлар амалга оширилмоқда. Айтиш мумкинки, охириги бир неча ўн йилларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда йингилиб қолган муаммолар санокли қунар ва ойларда ҳал этилмоқда. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сон қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан кенг қўламли миқёсдаги аниқ мақсадли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги “Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5099-сонли фармонида мувофиқ, ахборот коммуникация технологияларидан

фойдаланишга асосланган иқтисодийнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ахборот технологиялари маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш ҳисобига ушбу тармоқда илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашувини янада чуқурлаштириш, АКТ маҳсулотлари экспортини қўпайтириш, хусусан, маҳаллий ва хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадида Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази ташкил этилди. Шу билан бирга, илгор хорижий тажриба, жаҳон фанининг замонавий ютуқлари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодийнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264 сонли фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Республикада 2016 йилда жами 933 та корхона ва ташкилотларда инновациялар жорий қилинган бўлиб, уларнинг асосий қисми, яъни 893 нафари (жами ташкилотларнинг 96 %) ўзларининг фаолиятига технологик инновацияларни, қолган 40 нафари эса маркетинг ва ташкилий инновацияларни жорий қилишган.

Юқорида кайд этилган ҳолатлардан кўрииб турибдики, Ўзбекистонда инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишга оид. Президент ва ҳукуматнинг айрим қарорлари қабул қилинган, лекин инновацион ривожланишнинг илмий ва назарий масалалари деярли тадқиқ қилинмаган, шунингдек инновацион ривожланишнинг миллий моделлари яратилмаган. Бу ҳақда мазкур бобнинг аввалги параграфида етарли даражада фикр билдирилди. Ваҳоланки, ҳар бир мамлакат иқтисодийнинг миллий хусусиятларини ўйиборга олган ҳолда инновацион ривожланишнинг илмий-назарий аҳамиятини тадқиқ этиши ва унинг миллий тизимини яратиши муҳим аҳамият касб этади. Бунини инновацион ривожланиш ўзининг иқтисодий самарасини бераётган мамлакатлар тажрибаси ҳам кўрсатиб турибди.

Дарҳақиқат, замонавий шароитда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосида назария ётибди, бу фикримизни немис юлассик философи Иммануил Кант (1724-1804)нинг "назариясиз амалиёт кўрдир"¹⁵³ деган сўзлари ҳам тасдиқлайди. Шу нуқтан назардан, монографиянинг мазкур параграфида Ўзбекистонда миллий инновацион ривожланишнинг назарий асосига хизмат қиладиган асосий йўналишларини аниқлаб олишимиз лозим.

Монографиянинг олдинги параграфида таъкидлаганимиздек, инновацион ривожланишнинг асосини, шунингдек унинг миллий тизимини мамлакатдаги "инновацион муҳит" ва "инновацион инфратузилма" ташкил этади. Шу боис мазкур параграфда "инновацион муҳит" ва "инновацион инфратузилма"нинг назарий жиҳатларига атрофлича тўхталариз ҳамда

¹⁵³ Иммануил Кант. Трактати ва ысыма. — М.: «Наука», 1980. Стр. 523. 710 с

инновацион ривожланишнинг миллий иктисодиётда ақс этувчи жиҳатларини ёритамиз.

Қайд этиш жоғизи, замонавий шароитда ҳар қандай мамлакатнинг инновацион ривожланишнинг миллий тизимини ташкил этувчи ва уни рағбатлантирувчи иккита муҳим омил мавжуд: “инновацион муҳит”, “инновацион инфратузилма”ни шакллантириш ҳамда уни амалиётта жорий этиш омилдир.

Тадқиқотларга асосланиб айтадиган бўлсак, юқорида қайд этилган омиллар ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда “инновацион иктисодиёт” сифатида талқин этишмоқда. Инновацион иктисодиёт бу индустриаллашган иктисодиётдан кейин миллий хўжалик юритишнинг замонавий тизими бўлиб, уни жорий этиш учун аввало мамлакатда “инновацион муҳит” ва “инновацион инфратузилма” яратилган бўлиши зарур.

Бизнинг назаримизда, “инновацион иктисодиёт”ни узлуксиз ишлаб чиқариш ва рақобатни таъминлашга хизмат қиладиган хўжалик юритишнинг замонавий усули сифатида қабул қилиш лозим. Энг асосийси инновацион муҳит яратилиши керак. У эса ўз навбатида миллий инновация тизимига асос бўлади.



4.1-расм. Инновацион муҳитни шакллантириш¹⁵⁴

4.1-расмдан кўриш мумкинки, фикримизча, инновацион муҳитни шакллантиришда ушта йирик бўғин муҳим ўрин тутди. Улар бозор механизмлари, инновацион тизим ва ташкилий-ҳуқуқий базадир. Инновацион муҳит айнан бозор механизмлари тўлиқ жорий этилган шароитда вужудга келади. Бозор механизмлари таркибида энг асосийларидан бири рақобат ҳисобланади, табиий ва ҳаққоний рақобат, нафақат инновацион ривожланишни балки, мамлакатда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва рақобатдошлигини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

¹⁵⁴ Бельтюкова С.М. Инфраструктурный фактор развития инновационной деятельности регионов. Вестник ПНИПУ. Социальные экономические науки. 2013. №21. 121-127 стр.

Мамлакатда инновацион ривожланишни таъминлашда истеъмолатоварлари ва хизматлар баҳоси, иқтисодиётдаги рақобат ҳамда фойза ставкаси муҳим иқтисодий рағбатлантирувчи механизм ҳисобланиб, талаб ва таклифнинг микдорий ўзгариши ҳамда инновацион ривожланишни жорий йилида ўзига хос иқтисодий вазифани бажаради.

Хусусан, рақобат инновацион муҳитни шакллантиришда талаб ва таклифни ҳаракатга келтирувчи муҳим механизм ҳисобланади, айнан талаб ишлаб чиқарувчиларни ҳаракатлантириш орқали бозорда таклиф ҳажмини оширишга ундайди, шу жараёнда талаб ва таклифнинг инновацион ривожланишида муҳим омил сифатида юзага келади.

Демак, талаб ва таклиф бозор иқтисодиётининг муҳим категориялари сифатида унинг иштирокчилари (ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолатчилар) ўртасидаги муносабатларни тартибга солади ва улар фаолиятини инновацион ривожланишга муҳит яратади.

Бозордаги товарлар ва хизматлар таклифи ўзгармаган ҳолда уларнинг баҳосини пасайиши талабнинг ошишига сабаб бўлади. Аксинча, худди шу ҳолатда баҳонинг ошиши истеъмолатчиларнинг товарлар ва хизматларга бўлган талабини сезиларли равишда пасайтиради.

Демак, баҳо ва талаб ҳажми ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу талаб қонуни деб аталади. Мамлакатда инновацион ривожланиш муҳитини шакллантиришда талаб қонунининг амал қилишини қуйидаги ҳолатларда қўришимиз мумкин:

– талаб қонунига қўра, товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайиши инновацион ривожланиш жараёнини сқинлаштиради ва уларга бўлган талаб ҳажмини оширади. Чунки истеъмолатчига товарлар ва хизматлар баҳосининг паст ёки юқорилиги муҳим омил ҳисобланади;

– маълумки, талаб бозор иқтисодиётининг муҳим категорияларидан бири бўлиб, кишилар эҳтиёжни пул билан таъминланган қисмидир. Демак, кишининг эҳтиёжи пул билан таъминланганда у талабга айланади, айнан талаб инновацион ривожланишни рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Бу жараёнда, албатта мамлакатда “инновацион муҳит” ва “инновацион инфратузилма”нинг мавжудлиги унинг ривожланишига шароит яратади.

4.1-расмда инновацион муҳитни яратишга хизмат қиладиган асосий бўғинларидан бири сифатида инновацион тизимни яратиш зарурлиги кўриниб турибди. Демак, инновацион тизимни яратишда унинг таркибий қисмлари сифатида “инновацион инфратузилма”, “таълим ва фан” ҳамда “ишлаб чиқариш (тадбиркорлик)” келтирилган. Албатта, мазкур бўғин таркибидаги ҳар бир таркибий қисм, мамлакатда инновацион муҳит ва миллий инновацион тизимни яратишда алоҳида ўрин тутати.

Маълумки, мамлакатда бозор иқтисодиёти самарали ва эркин амал қилиши учун “бозор инфратузилма”си яратилган бўлиши зарур, худди шунингдек миллий иқтисодиётда инновацион ривожланишни самарали ишлаши учун “инновацион инфратузилма” мавжуд бўлиши лозим.

Шуни айтишимиз мумкинки, “инновацион инфратузилма” мамлакатимиз иктисодий адабиётларида деярли ёритилмаган ва иктисодчи олимлар томонидан назарий жихатдан ўрганилмаган фан соҳаси ҳисобланади. Шуларни эътиборга олиб, биз унга: ““Инновацион инфратузилма” – бу инновацион лойиҳаларни яратишдан тўғри жорий этишгача бўлган жараёнда бевосита иштирок этувчи бошқарув аппарати, моддий-техника базаси, юридик ва ҳуқуқий маслаҳат берувчи консалтинг хизматлари каби субъектларнинг мажмуидир”, деган тарзидаги муаллифлик таърифини шакллантирдик



4.2-расм. Инновацион инфратузилма¹⁵⁵

Демак, инновацион инфратузилма ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган таркибий тузилмаларнинг умумий мақсадига хизмат қиладиган объектлар ва субъектларнинг йиғиндисидир. Инновацион инфратузилманинг ягона кўриниши юқоридаги расмда келтирилган. 4.2-расмда инновацион инфратузилманинг умумий кўриниши берилган, унинг таркибида учта асосий субъектлар: ишлаб-чиқариш-техника ва технология, молиявий манбалари ҳамда ахборот таъминоти ўрин олган.

Ўзбекистонда 4.2-расмда келтирилган инновацион инфратузилманинг айрим субъектлари у ёки бу даражада шаклланиб улгурган, улар бугунки кунда ўзининг иктисодий самарасини ҳам бермоқда. Бироқ, инновацион ривожланиш орқали мамлакатда барқарор иктисодий ўсишни таъминлаш учун расмда келтирилган барча субъектларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқликда ва ҳамкорликда ишлаши муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, инновацион инфратузилманинг молиявий манбалар бўлимининг ўрни муҳим ҳисобланади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай янги технология ва интеллектуал капитални амалиётга жорий этилиши жуда катта молиявий маблаг билан қўллаб-қувватланишни талаб

¹⁵⁵ Бельюкова С.М. Инфраструктурный фактор развития инновационной деятельности регионов. Вестник ИНИПУ. Социальные экономические науки. 2013. №21. 121-127 стр. (ИИМ-илмий тадқиқот марказлари, МСГ-молия-саноат гуруҳлари, ЭИЗ-эркин иқтисодий зоналар, ОАВ-оммавий ахборот воситалари)

этади. Бу масала бўйича мамлакатимиз мисолида йиллик харажатлар ҳолатини таҳлил этадиган бўлсак, давлат бюджети ҳисобидан илм-фан ва инновацияни молиявий қўллаб-қувватлаш учун срафланаётган молиявий маблағ ЯИМнинг бир фоизига ҳам етмайди. Ушбу миқдор қиймаг кўринишида 1,0 триллион сўмни ёки расмий курс бўйича АҚШ долларида ҳисоблайдиган бўлсак, тахминан 300-350 млн АҚШ долларини ташкил этади. Бу кўрсаткични айрим ривожланган мамлакатлар ҳусусан АҚШда инновацион гояларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар йили давлат бююжети ҳисобидан ажратиладиган маблағларига солиштириб ўрғанадиган бўлсак жуда кам эканлигини кўришимиз мумкин. Масалан, АҚШда ҳар йили инновацион иктисодиётни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 500,0 млрд АҚШ доллари сарфланади.

4.2-расмда инновацион инфратузилмани ташкил этувчи таркибий тузилмалар таркибида молиявий манбалар сифатида алоҳида тўхталиб ўтилиши зарур бўлган венчур фондлар ва бизнес-фаришталар келтирилган. Замонавий шаронгта ушбу иктисодий терменлар ва молиялаштириш манбалари ҳусусидаги фикр-мулоҳазалар тез-тез учраб туради. Шунга қарамасдан, уларнинг иктисодий моҳияти ва молиялаш тартиби ҳақида атрофлича тўхталиб ўтмоқчимиз.

Инновацион лойиҳаларни венчур фондлар орқали молиялаштириш ХХI асрнинг бошларидан АҚШ, Исроил ва Буюк Британияда кенг ривожланди. Венчур фондлари орқали молиялаштиришнинг асосий мақсади фойда олинига қаратилган бўлиб, келажаги бўлган ва янгидан ташкил этилаётган акциядорлик уюшмаларининг капиталини шакллантиришда узоқ муддатли (асосан 5-7 йилга) ҳусусий инвестициялари ҳисобидан қатнашади.

Венчур молиялаштиришнинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, ташкил этилаётган акциядорлик уюшмаси ҳусусий инвестицияларни юкори даражадаги техника ва технологияларни яратиш, сотиб олиш учун ишлатади ва ҳусусий инвесторлар уюшманинг акциялари баҳосини ўсиб бориш ҳисобидан келаётган қисмидан ўз фойдасини олиб туради. Шу боис ушбу молиялаштириш тартиби жуда рискли бўлиб, ҳусусий инвесторлар томонидан қўйилган инвестициялар акциядорлик уюшмасининг молиявий фаолияти ёмонлашуви натижасида ҳеч қандай фойда ололмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун венчур сўзи инглизча *venture* — рискли корхона маъносини англатиб, ҳусусий инвесторлар томонидан энг замонавий ва юкори технологияларни яратиш соҳасига қўйилган бўлиб, одатда ушбу инновацион лойиҳаларнинг 70-80 фоиз фойда келтирмайди, лекин қўрилган молиявий зарар қолган 20-30 фоизи ҳисобидан қолган фойда орқали қопланади.

Бизнес-фаришталар — бу ҳеч қандай гаров таъминотисиз, юкори ўсиш имконияти эга бўлган компанияларни шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирадиган бадавлат кишилардир.

“Фаришта” тушунчаси ХХ асрнинг бошларида Нью-Йоркнинг театр ходимлари ўртасида вужудга қолган. Нью-Йоркнинг Бродвей массивидаги театрларнинг янги постановкаларини молиялаштирган фанатларини “фаришталар” сифатида атаганлар, уларни санъатга бўлган қизиқиши ва

актёрлар билан ўзаро яқиндан таниниш зарурияти бу каби молиявий рискни ҳаракатига сабаб бўлган. Агар “фаришталар” томонидан инвестиция қилинган постановкалар муваффақият қозонсагина улар фойда олганлар, акс ҳолда зарар кўрган.

Бирок, айрим манбаларга кўра бизнес-фаришталар ушбу термен пайдо бўлишга қадар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Томас Сандерс и Гардинер Грин Хаббард 1874 йилда Александра Беллага қарашли телефон компаниясини молиялаштирган, бир неча йилдан кейин муваффақиятли лойиҳа натижасида яхшигина молиявий фойда кўрган. 1878 йилда Джон Пирпонт Морган ва Спенсер Траск Томас Эдисоннинг электр энергияси соҳасидаги лойиҳасини молиялаштирган, Генри Форд 1903 йилда Ўзининг компаниясини очиш мақсадида бешта инвесторнинг 40 минг доллардан ортиқ маблағини жаб этган¹⁵⁶.

Ўзбекистонда бизнес-фаришталарнинг инновацион лойиҳаларни молиялаштириш амалиёти деярли мавжуд эмас, деярли мавжуд эмас деганда молиявий жиҳатдан бой кишиларнинг юқори технологияларни шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштириш амалиёти ривожланмаган. Бунинг учун айнан, таъкидлаш жоизки, ташкилий-ҳукукий базар ҳам яратилмаган.

Молия-саноат гуруҳлари-бу ишлаб чиқариш, хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятлар самарадорлигини таъминлаш мақсадида марказлашган бошқарувга эга бўлган ва ўз ресурсларини (моддий, номоддий, молиявий ва бошқалар) тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ишлаб чиқариш, савдо корхоналари ва молия-кредит институтларини ўз ичига олган мустақил юридик шахсларнинг интеграцион шаклидир¹⁵⁷.

Йирик саноат корхоналари негизда молия-саноат гуруҳларини яратиш гўяси бундан бир неча йил илгари ривожланган мамлакатлар иқтисодий амалиётида юзага келган. Ҳозирги кунда эса, йирик молия-саноат гуруҳларининг савдо айланмаси дунёни кўплаб мамлакатлари ЯИМ ҳажмидан ошиб кетади.

Айрим олимлар молия-саноат гуруҳларини ижтимоий-иқтисодий нуктаи назардан қараганда, уларнинг муайян жиҳатдан салбий томонлари мавжудлигини таъкидлашади. Уларнинг фикрича, молия-саноат гуруҳлари бир томондан, улар маъмурий-буйруқбозлик тизимини абадийлаштиради ва монополияни кучайтиради. Бошқа томондан, улар ушбу тизимнинг ижобий жиҳатларини ҳам кўрсатади. Масалан, миллий технологик базани сақлаб қолиш ва бунда зарур бўлган барча мамлий ҳаракатлар қатъий маъмурий буйруқбозлик йўли билан эмас, балки, илмий-техникавий ва инвестицион

¹⁵⁶ Брайан Хилл. Ди Пауэр. Бизнес-ангели. Как привлечь их деньги и опыт под реализацию своих бизнес-идей. — М.: Эксмо, 2008.

¹⁵⁷ Аташпиров Ж.Х. Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодий фанлари доктори (DSc) номини даражасини олинган учун тайёрлаган диссертацияси автореферати. -Т.: 2018.-Б. 15

сиёсатни амалга ошириш, ҳамда ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш учун зарур бўлган ягона молиявий тизими асосида амалга оширилади¹⁵⁸.

Молия-саноат гуруҳларига ижобий баҳо берувчи мутахассислар эксинча, уларни ўтмишда қолиб, эскириб кетган вазирлик ва идораларнинг ўрнини босиши мумкин бўлган ягона самарали тизим деб ҳисоблайдилар. Молия-саноат гуруҳларининг ривожлантирилиши тармоқлараро мутаносиблик ва йўқолиб кетган алоқаларнинг қайта тикланишига, корхоналарнинг интеграцияга киришишига, активларнинг бир жойда жамланишига, бошқарув самарадорлиги оширилишига, инновацион салоҳиятни ошириш учун реал имкониятларнинг яратилишига ёрдам беради.¹⁵⁹

Фикримизча, мамлакатимизда молиявий жихатдан имконияти юқори бўлган шохларнинг хусусий маблағлари ҳисобидан инновацион лойиҳаларни молиялаштиришни ҳукукий кафолатини берувчи конун ва тегишли меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Инновацион ривожланиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосида кишиларнинг интеллектуал салоҳияти, янаям аниқроқ ва оддийроқ қилиб айтадиган бўлсак таълим ва фан ётибди. Демак, мамлакатда инновацион ривожланишни самарли амалиётини ташкил этиш учун таълим ва фан соҳасидаг асосий эътиборни қаратиш лозим. Бу борада мамлакатимиз амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва ажратилаётган молиявий маблағлар йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Биз мазкур параграф доирасида “инновацион муҳит” ва “инновацион инфратузилма”нинг ташкилий тузулишини амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини 4.1 ва 4.2-расмларда агрофлича ўрганиб чиқдик. Ўрганишлар натижасида Ўзбекистонда миллий инновацион ривожланиш тизимининг назарий асосларини яратиш лозим деган фикрга келдик. Шу боисдан Ўзбекистонда миллий инновацион иқтисодиётни жорий этишга хизмат қиладиган иерархиясини ишлаб чиқдик ва умумий кўринишини қуйидаги расмда кўриб чиқамиз.

¹⁵⁸ Федорович В. О. Крупные корпоративные образования: концентрация факторов производства и экономический рост. // Азия. Сибирская финансовая школа. - 2005. №1. - С. 87.; Цветков В. А. Финансово-промышленные группы в современном мире. // Промышленная политика в РФ. №6. 2000. - С. 36-17

¹⁵⁹ Мильнер Б. Крупные корпорации-основа подъема и ускоренного развития экономики. // Вопросы экономики. - М.: 2017. №9. - С. 13



4.3-расм. Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг миллий тизими¹⁶⁰.

4.3-расмда Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг миллий тизимининг иерархияси келтирилган, унинг асосини таълим ташкил этган. Инновацион ривожланишнинг кейинги бўғини фан ва инновация, бизнес-доира, инновацион муҳит ва инновацион инфратузилма ташкил этади.

Ўзбекистонда мазкур инновацион ривожланишнинг миллий тизимининг жорий этилиши, тайёр истеъмол товарлари ва хизматлар ҳажмини миқдор ва сифат жиҳатидан ошишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда корхоналар ривожланиши экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва ҳам ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиши имкониятини бермоқда.

Лекин, кейинги йилларда жаҳон иқтисодиёти тузилишида рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодиётни чуқурлашуви ишлаб чиқаришни мунтазам янгиллаб, модернизация қилиб бориш заруриятини кун тартибига янада ўткир қилиб қўётганлиги боис ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бор қуч-имконияти ва ресурсларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Буving учун иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини янада ривожлантириш, янги ўзак тармоқларни барпо этиш, таркибий ўзгаришлар, самарали ва эркин иқтисодиётни шакллантириш зарур. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётни рақобатдошлигини ошириш учун инновацион маҳсулотлар ҳисобига корхона ва тармоқлар фаолият соҳаларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, юқорида таъкидланган мақсадга эришишда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, юқори технологияларга асосланган маҳсулот ва хизмат турларини янгиллаш, кўпайтириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, саноат корхоналарининг рақобат муҳитига мослашувчан жиҳатларини кенгрок ўрганиш, ҳар томонлама ривожланаётган бозор муносабатлари талабларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва

¹⁶⁰ Расм муаллиф томонидан ишланган.

самарали бошқаришни заруратга айлантирмоқда. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари миллий иқтисодиётимизнинг бир бўғини сифатида республика иқтисодиётига, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига катта хисса қўшимоғи лозим.

Хориж мамлакатларида рақобатдош ва арзон ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакатимизга кириб келиши мутахассис ва етакчи олимлардан республикамызда мавжуд бўлган саноат корхоналарини ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига доир илмий асосланган кирраларини очиб беришни долзарб масалага айлантирмоқда. Шуларни ҳисобга олиб мазкур соҳадаги илмий изланишларга эътибор қаратган ҳолда, инновацион жараёнларни ривожланишига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвалда келтирилгандек туркумлашимиз мумкин. Чунки мазкур омилларни ҳар томонлама тадқиқ этиш корхоналарида рақобатдош янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган инновацион жараёнларни бошқаришнинг самарали йўллари илмий асослаш ҳисобига иш юритиш фаолиятига таъсир кўрсатиши табиийдир.

Мамлакатимизда бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиш даражасини юксалтириш учун иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгиланишнинг стратегик мақсадларига мос равишда яқин йиллар ичида зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Ҳозирда ривожланган мамлакатлар саноат корхоналарида инновацион фаолликни оширишда инвестицияларни стратегик бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада муайян тармоқларда саноат ишлаб чиқаришининг самарали амалга оширилиши ҳисобига инновацион фаолликни янада кучайиши кузатилмоқда. Чунки, саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтириш ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайтиришига шароит яратади. Буни саноати ўсиб бораётган хориж мамлакатлари тажрибасида кўришимиз мумкин.

Фикримизча, миллий иқтисодиёт корхоналарини техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатдош товарларни қўпайтириш ва янгиларини яратиш инновацион фаолият тизимини шакллантириш ҳисобига амалга оширилишини такозо этади. Бунинг учун иқтисодиётда инновацион жараёнларни татбиқ этадиган устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инновация қарорларини қабул қилиш учун ички ва ташқи молиялаш манбаларини самарали жалб қилиш тизимини ишлаб чиқиш бевосита иқтисодиётнинг келажагини белгилайди. Бу жараёнда инвестициялардан самарали фойдаланиш энг қулай воситалардан бири саналади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг асосий йўналишлари сифатида даставвал инновацион муҳит ва инновацион инфратузилмани яратиш асосий масалалардан ҳисобланади. Ўзбекистонда инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича қатор имкониятлар мавжуд бўлиб, уларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

§4.3. Инновацион ривожланишнинг таъминлашнинг омиллари ва истикболлари

Мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг бир неча омиллари мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттаси мамлакат иқтисодий ўсишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Хусусан:

- 1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- 2) меҳнат ресурсларининг сони ва сифати;
- 3) асосий капиталнинг ҳажми;
- 4) замонавий техника ва технология.

Юқорида келтирилган омилларни мамлакатда инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг асосий омиллари сифатида таъкидлашимиз мумкин, бироқ табиий ресурслар ва меҳнат ресурслари омилларига ушбу параграф доирасида батафсил тўхталмоқчи эмасмиз. Чунки, мамлакатимизда инновацион ривожланишни таъминлашда, фикримизча, ушбу омиллар бўйича муаммо ва зиддиятли ҳолатлар мавжуд эмас.

Демак, параграф доирасида асосий капиталнинг ҳажми, замонавий техника ва технологиялар борасида атрофлича тадқиқот ишларини амалга оширамиз ҳамда уларнинг истикболлари юзасидан тегишли хулоса ва тавсияларни шакллантирамиз.

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатда инновацион ривожланиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

- мамлакатда инновацион ривожланишни узок муддатга мўлжалланган стратегик меморандумини яратиш мақсадга мувофиқ. Меморандумда мамлакатда инновацион ривожланиш бўйича 5, 10, 15 ва 20 йил давомида инновацион муҳит ва инновацион инфратузилманинг ҳолати ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаб олиш лозим. Хусусан, мамлакатда таълим билан ишлаб чиқариш соҳасидаги барча таркибий тузилмаларни 5, 10, 15 ва 20 йилга мўлжалланган фаолиятини ўзаро мувофиқ ҳолда амалга оширишни аниқ белгилаб қўйиш зарур;

- мамлакатда инвестицион муҳитнинг жозибадорлигини ошириш лозим. Маълумки, инновацион ривожланиш жуда катта миқдорда молиявий маблағни талаб этади, айниқса уни молиявий маблағ билан таъминлашда хусусий шахсларнинг молиявий маблағларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу албатта мамлакат инновацион ривожланишига

киритилаётган хорижий ва маҳаллий инвестицияларни кафолатлан, инвесторларни манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоялайдиган, шунинdek мажбуриятларини белгилайдиган қонунийлик ҳужжатлари ва низомларни қабул қилиш зарур бўлади;

– мамлакат тўлов баланси ва иқтисодий ўсишни таъминлашда хорижий инвестицияларга бўлган боғлиқлик даражасини пасайтириш лозим. Чунки, мамлакат тўлов баланси ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини хорижий инвестицияларга бўлган боғлиқлик даражасининг ҳаддан зиёд ортиб кетиши турли даражадаги ижтимоий-иқтисодий зиддиятларни вужудга келишига сабаб бўлади.

Инновацион ривожланиш орқали миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлашда аҳоли истеъмол эҳтиёжидан ортиқча пул маблағларини реал иқтисодиётга йўналтирилаётган жамғарма нормаси ва ҳажми муҳим ўрин тутди. Бунинг муҳимлигини кейинчиларнинг бозор иқтисодиёти моделидан излаш лозим. Унга кўра: даромад Y , истеъмол C , жамғарма S ва инвестицияга / тақсимланади.

Бу қуйидаги кўринишни олади:

$$Y = C + S + I$$

Аҳолининг даромадларини ҳажми мамлакатдаги макроиқтисодий индикаторларнинг барқарорлиги бевосита боғлиқ бўлиб, хусусан барқарор иқтисодий ўсиш, миллий валютанинг барқарорлиги шароитида даромад ҳажми ортиб боради.

Даромаднинг ортиши бевосита юқоридаги омилларга боғлиқ бўлганлиги туфайли, ушбу омилнинг ижобий ҳолатда бўлиши нафақат аҳолининг даромадлари ҳажмини ортишига балки, истеъмол товарлар ва хизматлар баҳосининг пасайишига олиб келади. Бу шароитда ўз-ўзидан аҳолининг истеъмолга йўналтирадиган харажатлари миқдорини камайишига, жамғармалар ва инвестицияларни эса ортишига олиб келади.

Юқорида келтирилган тенгликда ($Y = C + S + I$) бизни қизиқтирадиган жиҳаги шундаки, аҳолининг жамғарма ва инвестиция ҳажми ортиб бориши билан мамлакатда инновацион ривожланишни молиялаштириш манбалари кўпайиб боради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда жамғариш нормаси камида 30 фоиздан кам бўлмаслиги лозим, чунки мазкур мамлакатларда ўтиш даврида бозор инфратузилмасини ташкил этиш учун жуда катта молиявий маблағ зарур бўлади. Шу билан бирга, ривожланган мамлакатларда жамғариш нормаси жуда кўп омиллар таъсир қилади.

Масалан, АҚШда 2008 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шариоитида жамғарма тақчиллиги мавжуд бўлган, аҳолининг иш фаолияти пасайиши натижасида профицит вужудга келди. Бунинг асосий сабаби асосий капиталга қилинган молиявий қуйилмалар жамғармага нисбатан камайиб кетганлигидир. Жамғарма асосан мамлакатнинг юқори даромадли аҳолиси

томонидан амалга оширилади, унинг 80 фоиз аҳолиси жамғарма киши эмас балки, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига кун кўради¹⁶¹.

Ўзбекистонда инновацион ривожланиш ҳолатига баҳо бериш учун инновацион салоҳиятнинг моддий таркибини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади, шу мақсадда куйидаги жавдал маълумотларига эътибор қаратамиз.

4.1-жадвал

Ўзбекистонда инновацион салоҳиятнинг моддий таркиби (нисбий кўрсаткичлар)¹⁶²

Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Асосий фондларнинг эскирганлик даражаси (йил бошига) %	67	78	61	56	57	61
Илмий соҳада асосий фондлар жами киймати, %	31	28	32	33	37	34
Асосий фондларнинг янгилашни коэффициенти, %	9	12	12	14	15	15
ИТГКИн амалга оширувчи ташкилотлар, %	1,1	1,3	1,8	2,4	3,4	4,7
Инновацион фаол корхоналар, %	9	9	11	13	18	21
Саноат тармоғида инновацион фаол корхоналар, %	6	6	8	9	12	11

4.1-жадвалда Ўзбекистонда охириги йилларда асосий фондларнинг эскирганлик даражаси 67 фоиздан 61 фоизга ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Илмий соҳада асосий фондлар жами киймати 2013 йилда 31 %ни , 2018 йилда эса 34 %ни ташкил этган. Асосий фондларнинг янгилашни коэффициенти эса 9% дан 15%га ўзгарган.

Маълумки, инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда замонавий техника ва жихозлар катта роль ўйнайди. Айниқса, ҳозирги шароитда ишлаб чиқариш воситаларини фойдаланиш даври жуда қисқариб, айрим мамлакатларда 6-8 йилни ташкил этади.

Демак, инновацион ривожланиш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун миллий иқтисодиётга жуда катта миқдорда молиявий маблағларни йўлантиришимиз лозим. Бундай ҳулосага келишимизга сабаб мамлакатимиз саноат корхоналарида фойдаланилаётган асосий воситаларнинг янгилашни даражаси ва уларга йўлантирилаётган инвестицияларнинг даражаси жуда пастлигича қолмоқда. Буни куйидаги жадвал маълумотлари ёрдамида кўриб чиқамиз.

¹⁶¹ Кругман П. (2012). Как разбраться в долгах «будущих поколений» // Независимая газета. 29 окт. С. 5. [Krugman P. (2012). How to Solve the Problem of "Future Generations" Debts // Nezavisimaya Gazeta. Oct. 29. P. 5.]

¹⁶² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг таъинли йиллар бўйича эълон қилган маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Тадқиқотлар ва ўрганишлар натижаси шунки кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг барча имкониятлари мавжуд. Хусусан, иқтисодий ва меҳнат ресурслари, табиий иқлими ва табиати, шунингдек ташкилий-ҳуқуқий асослари қайта қўйилган ҳолатда кўрсатмоқда.

Бизнинг фикримизча, инновацион ривожланиш орқали миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашнинг истиқболдаги асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

1. Бозор механизмларини (рақобат, талаб ва таклиф, хусусий мулк ва б.) амалиётга янада чуқурроқ, кенгроқ ва шаффофроқ жорий этиш лозим. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бозор муносабатларини тартибга солишчи, шунингдек ишлаб чиқарувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ташкилий-ҳуқуқий асослар тўлиғича яратилган. Бозор механизмларини амалиётга янада чуқурроқ, кенгроқ ва шаффофроқ жорий этиш деганда асосий эътиборни уларни амал қилишини барчага (жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари) баробарлигини таъминлаш лозим. Фикриятча бу борада айрим мунозарали ҳолатлар мавжуд бўлиб, айнан шу мунозарали ҳолатлар мамлакатда инновацион ривожланиш орқали барқарор иқтисодий ўсишга беvosита ва билvosита салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Миллий инновацион ривожланиш тизимини глобал инновацион тизимга янада қаттиқроқ боғлаш лозим. Бу борада халқаро инновацион тизимда амалга жорий этилаётган замонавий техника ва жиҳозларни, шунингдек интеллектуал салоҳиятни имкониятларини беvosита жойларда ўрганиш ва уларнинг тажрибаларини миллий инновацион тизимнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда мамлакатимизда жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бир сўз билан айтганда, илмий салоҳият, интеллектуал қобилият ва молиявий маблағни вилоспед яратишга эмас, балки яратилган вилоспедни миллий хусусиятларимизни инобатга олган ҳолда замонавий кўринишини яратишга сарафлашимиз зарур.

3. Фан ва тадқиқотни бизнесга боғлаш зарур. Бу жараёнда асосий эътиборни бизнес доирасида мавжуд муаммоларнинг ечимига қаратиш орқали фан ва тадқиқотни реал масалаларни ечимига қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Ўзбекистон компаниялари ва фирмаларини халқаро даражадаги юқори технологиялар бозорлардаги иштироки ва улушини ошириш мақсадга мувофиқ. Бу биринчидан, мамлакатта хорижий валюталар тушумини оширади, иккинчидан маҳаллий компания ва фирмаларнинг халқаро даражадаги ривожланиш тенденциялари, талаб ва таклифлар ҳолати ва бошқа жараёнлардан воқиф бўлиб туришини таъминлайди.

5. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини юқори технологиялар ва билимга асосланган саноат тармоқлари ҳисобидан таъминлашга эришиш лозим.

7. Саноат тармоклари ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги асосий фондлар ва ишлаб чиқариш воситаларини кам электрэнергия талаб этадиган ва экологик хавфсизлигига эътибор қаратиш лозим.

8. Юқори технологиялар асосий фондлар ва ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарган инженер-техник ва иқтисодчи мутахассисларга бўлган муаммоларни ҳал этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда инновацион ривожланиш негизида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятлари юқори бўлиб, унинг омиллари ва истикболларининг асосий йўналишларини белгилаб олиш жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг иқтисодий ўсишни таъминлашдаги ҳолати ва асосий йўналишлари юзасидан амалга оширилган ўрганишлар ва тадқиқотлар натижасида қуйидаги ишланмаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

– Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назариялари, шаклланиши ва миллий иқтисодиёт ўсишини таъминлашдаги назарий ва амалий жиҳатдан деярли ўрганилмаган. Чунки, замонавий шароитда инновацион иқтисодиёт ривожланган ва ўзининг тегишли самарасини бераётган мамлакатларда «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш» эмас балки, дастлаб «инновация»нинг назарий асослари XX асрнинг биринчи ярми йилигида фанга кириб келган;

– Ўзбекистонда «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш»нинг назарий асослари мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин 10 йилдан кейин долзарб масалага айланди;

– Ўзбекистонда «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш»нинг назарий асослари, шаклланиши ва миллий иқтисодиётни ўсишини таъминлашдаги жараённи ўрта ҳисобга гуруҳланиб ўрганилди, мамлакатимизда инновацион муносабатларнинг илмий-назарий масалаларини ўрганишга нисбатан уларнинг амалий жиҳатлари самарали ривожланган;

– инновацион иқтисодиётнинг илмий-назарий масалалари нафақат мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан, балки МДХга аъзо мамлакатларда етарлича ўрганилмаган;

– амалга оширилган тадқиқот натижаларига таяниб «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш» каби терминларга муаллифлик таърифларини шакллантирдик:

– «Инновация – иқтисодиётдаги талаб ва тақлиф натижасида суғуруда келадиган, мавжуд иқтисодий-иқтисодий муносабатлар ва анъанавий ишлаб чиқариш муносабатларини янгиликка аламплаштиришга имконият берадиган ихтиро, капириёт ва замонавий зоялар мажмуидир»;

– «Инновацион иқтисодиёт – инсон интеллектуал капиталига асосланган ҳўжалик юритиш шаклидир»;

– “Инновацион ривожланиш миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини исон интеллектуал капитал ва юқори технологияларига асосланган таъминлашнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнидир”;

– инновация ва инновацион ривожланишнинг асосий манбаси фан ва таълим ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, монография доирасида фан, саноат ва жамият ўртасида ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган тизим яратиш лозим;

– “инновацион иқтисодиёт” жамиятта индустриал иқтисодиётдан кейин жорий этилади;

– индустриаллашган иқтисодиёт – иқтисодиётни анъанавий ривожланиш жараёнидан ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган, саноат ишлаб чиқариши юқори улушга эга бўлган иқтисодир. Бунга мисол сифатида Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Германия каби давлатларнинг иқтисодиётини келтиришимиз мумкин;

– Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожланган мамлакатлардаги каби иқтисодиётнинг барча тармоқларига ёппасига эмас, балки унинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб алоҳида тармоқлар кесимида жорий этиш мақсадга мувофиқ;

– Ўзбекистонда инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишга оид Президент ва ҳукуматнинг айрим қарорлари қабул қилинган, лекин инновацион ривожланишнинг илмий ва назарий масалалари деярли тадқиқ этилмаган. Буни амалга ошириш жуда зарур, чунки ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосида назария ётибди, бу фикримизни немис классик философи Иммануил Кант (1724-1804)нинг “назариясиз амалиёт кўрдир¹⁶³” деган сўзлари ҳам тасдиқлайди;

– монографиянинг мазкур боби доирасида “инновацион муҳит” ва “инновацион инфратузилма”нинг назарий жиҳатлари очиб берилди ҳамда мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг миллий тизими ишлаб чиқилди;

– инновацион муҳитни бозор механизмлари, миллий инновацион тизим ва ташкилий-ҳуқуқий база ташкил этади. Инновацион муҳит айнан бозор механизмлари тўлиқ жорий этилган шароитда вуҷудга келади;

– “Инновацион инфратузилма” – бу инновацион лойиҳаларни яратишдан тортиб жорий этишгача бўлган жараёнда бевосита иштирок этувчи бошқарув аппарати, моддий-техника базаси, юридик ва ҳуқуқий маслаҳат берувчи консалтнинг хизматлари каби субъектларнинг мажмуидир”;

– Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг миллий тизимининг иерархияси яратилди ва ушбу иерархиянинг барча бўғинлари пастдан юқорига асосланган тамойилда амали қилиш механизми ишлаб чиқилди;

¹⁶³ Иммануил Кант. Трактаты и письма. — М.: «Наука». 1980. Стр. 523, 710 с

У БОБ.ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА СТРАТЕГИЯСИ

§5.1. Инновацион ривожланишнинг миллий тизимини амалиётга жорий этишнинг асосий вазифалари

Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назарий ва амалий ҳолати монографиянинг олдинги параграфларида атрофлича тадқиқ этилди ва ўрганилди. Хусусан, мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг миллий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда «инновация», «инновацион иқтисодиёт» ва «инновацион ривожланиш» каби иқтисодий терминларга муаллифлик таърифлари шакллантирилди, шунингдек миллий иқтисодиётга инновацион ривожланишни жорий этишга асос бўлиб хизмат қиладиган «инновацион муҳит» ва «инновацион инфратузилма»нинг таркибий тузилиши яратилди.

Шунга қарамадан, мамлакатимизда инновацион ривожланиш борасида қатор назарий ва амалий муаммолар мавжудлигининг гувоҳи бўлди. Фикримизча, мазкурмавзу доирасида инновацион ривожланиш билан боғлиқ барча назарий ва амалий муаммоларни ечимини топамиз десак хато қилган бўламиз. Бироқ, мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг миллий тизимини амалиётга жорий этишнинг асосий йўналишларини илмий ва амалий жиҳатдан аниқлаб бера оلسак, шунинг ўзи мазкур монография доирасида миллий инновацион ривожланиш тизимига қўшган салмоқли илмий ҳиссамиз ҳисобланади.

Демак, юқорида қайд этилган фикрларга таяниб, мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг миллий тизимини (4.3-расм) амалиётга жорий этишнинг қатор вазифалари мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборатдир.

1. Мамлакатда инновацион ривожланишга хизмат қиладиган таълим тизими ва фан соҳасидаги вазифалар.

а) Инновацион иқтисодиёт ва инновацион ривожланиш билан боғлиқ асосий тушунчаларни барча йўналишидаги касб-хунар коллежлари талабаларига ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Албатта, бу ерда ҳар бир коллеж ўз хусусиятига қараб инновацион ривожланишнинг шу жиҳатига эътибор қаратиш лозим бўлади. Масалан, техника ва технология йўналиши бўйича инновацион ривожланишнинг айнан шу йўналишига эътибор бериш керак.

Маълумки, иқтисодиёт йўналишидаги коллежда таълим олган ўқувчи уч йиллик ўқиш давомида маълум соҳанинг мутахассиси бўлиб чиқади. У коллежда олган ўрта махсус дипломи билан ўқишни олий таълим тизимида давом эттириши мумкин ёки мутахассислиги бўйича ишга қиради, уларнинг интеллектуал қобилияти ва хотираси айнан шу ёнда самарали ишлайдиган босқичда бўлади.

Демак, мамлакатимизда иқтисодиёт йўналишида касб-хунар коллежлари ўқув режасига инновацион иқтисодиёт ва инновацион ривожланишга оид масалаларни ўқитадиган фан киритиш мақсадга мувофиқ.

Бунинг қатор ижобий жиҳатлари мавжуд. Хусусан, касб-хунар коллежи ўқувчилари интеллектуал ва ақлий жиҳатдан етуқлик даврида инновацион иқтисодиёт ва инновацион ривожланиш бўйича олган назарий ва амалий билимлари уларни бу борада, албатта ўз мутахассислиги бўйича янги ғоя ва замонавий ишланмаларни яратишга замин тайёрлайди.

б) Олий таълим муассасаларида бакалаврият йўналишида таълим олаётган талабаларни ўз мутахассислиги ва йўналишилари бўйича янги ғоя ва замонавий ишланмаларни яратиш бўйича жиддий ишларни ташкил этиш лозим. Хусусан, ўқув режалар таркибига тегишли мутахассислик ва йўналишни инобатга олган ҳолда инновацион ривожланишга оид фанларни киритиш, талаба яратган инновацион ишланмага патент бериш ва молиявий рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

в) Республика, шаҳар ва вилоят марказларида «Инновацион иқтисодиёт ва инновацион ривожланиш»нинг илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш лозим. Марказлар таркибида иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари бўйича илмий ва амалий тадқиқот ишларни амалга оширадиган бўлимлар ва етакчи олим ва мутахассислар бўлиши лозим.

г) Мамлакатнинг иқтисодиёт тармоқларида инновацион ривожланишни жорий этиш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаган ҳолда ва буюртмачиларнинг талабларига асосан инновацион ривожланишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш лозим. Хусусан, Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётнинг ўзига хос жиҳатлари назарий жиҳатдан асослаб берилмаган, бу борада саноат тармоқлари ва имкониятларини инобатга олган ҳолда яхлит тизимга келтирилган тадқиқот ишлари бажарилмаган.

2. *Бизнес муҳитни ташкилий-ҳуқуқий базасини шакллантиришдаги вазифалар.* Мамлакатда инновацион иқтисодиётни ривожланишида бизнес муҳит жуда зарур бўлган иқтисодий элементлардан ҳисобланади. Иқтисодий адабиётлар ушбу терминни «инновацион тадбиркорлик» тарзида ҳам қўлланади.

Инновацион тадбиркорлик – бу мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни янги ғояларни тадқиқ қилиш ва изланиш асосида янгиларига жорий этиш жараёнидир¹⁶⁴. Қўриниб турибдики, иқтисодиётда инновацион муносабатларнинг субъектларига интеллектуал жиҳатдан катта масъулият ва риск юкланади, ушбу масъулият ва рискни самарали бўлиши учун мамлакатда бизнес муҳит муҳим аҳамият касб этади.

Корхона мавжуд бизнес муҳитдан оқилона фойдаланган инновацион фаолиятни ташкил этади, корхона бизнес муҳитнинг стратегик имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ўзининг келажақ стратегиясини ишлаб чиқади, стратегиянинг асосида корхона иқтисодий-интеллектуал ғояларини реализация қилиш эвазига қўшимча фойда олади.


¹⁶⁴ Дергунов А.И. Системный подход к развитию национальной инновационной среды // Инновации. - №3. - 2008. Стр. 53-56.

3. *Инновацион муҳитни яратиш борасидаги вазифалар.* Мамлакат миллий иқтисодиётини барқарор ўсишида инновацион ривожланишнинг ролини ошириш учун аввало инвестицион муҳит, бизнес муҳит сингари зарур эканлиги ҳаммага маълум.

Хусусан, мамлакатда бозор механизмларини жорий этиш ва шаффофлигини ошириш, миллий инновацион тизимни ташкил этиш ва ташкилий-ҳуқуқий базани шакллантириш каби масалалар инновацион муҳитни яратишнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

4. *Инновацион инфратузилмани шакллантиришдаги вазифалар.* Бозор иқтисодиёти шароитида бозор инфратузилмаси муҳим бўғинлардан бири бўлгани сингари, инновацион ривожланишнинг таъминлашда инновацион инфратузилмани шакллантириш ва унинг амалий фаолиятини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Инновацион инфратузилманинг назарий ва таркибий тузилиши билан боғлиқ масалалари олдинги параграфда старли равишда тадқиқ этилди ва ўрганилди. Ушбу параграфда унинг назарий ва таркибий жиҳатларига эмас, балки амалиётга қўллаш жиҳатларига эътибор қараганмиз.



5.1-расм. Инновацион инфратузилмани ишлашини таъминлашда давлат ва интеллектуал маҳсулотлар бозори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик¹⁶⁵.

5.1-расмдан мамлакатда инновацион инфратузилманинг асосий маҳсулоти инсонларнинг интеллектуал билимларининг натижаси эканлигини кўриш мумкин. Давлат айнан шу бозорни шакллантириш ва инновацион инфратузилмани амалий жиҳатдан ишлашида бевосита иштирок этади.

Мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг амалиётга жорий этиш ва самарадорлигини оширишда давлатнинг роли жуда юқоридир.

Шу нуқтаи назардан, инновацион инфратузилмани шакллантиришда давлатнинг ролини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ, қуйидаги расмда инновацион инфратузилма амал қилишида давлатнинг роли ва ўрни очиб берилган.

Инсонларнинг интеллектуал билимига асосланган маҳсулотни тайёрлаш орқали мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлаш бир қатор босқичларни ўз

¹⁶⁵ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди

ичига олади. Хусусан, бу босқич фундаментал илмий тадқиқотдан тортиб, интеллектуал ҳояларни илгари суриш ва инновацион маҳсулотнинг прототипи (намунаси, модели)ни яратиш ҳамда уни конвейр усулида ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиш каби жараёнларни ўз ичига олади.


5. *Инновацион ривожланишни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишдаги вазифалар.* Инновацион ривожланишни жорий этиш орқали миллий иқтисодиётни барқарор ўсишнинг таъминлаш жуда катта молиявий маблағ талаб этади. Монография ишнинг олдинги параграфларида бу борада атрофлича тадқиқот ва ўрганиш ишларини амалга оширдик. Одатда, ушбу кўрсаткич мамлакат ЯИМга нисбатан ўриятилиб, ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда 6-10 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишни молиялаштиришнинг самарали механизмлари ва тизимини шакллантириш жуда муҳим ҳисобланади. Маълумки, хориж амалиётида инновацион ривожланишни асосан иккта манбаси мажуд. Хусусан, улар давлат ва хусусий молиявий маблағлар манбалари ҳисобланади.

Давлат бюджети ҳисобидан инновацион ривожланишни молиялаштирилганда давлатнинг стратегик ижтимоий-иқтисодий сиёсати эътиборга олинади. Давлат бу жараёнда буюртмачи сифатида майдонга чиқади, хорижий мамлакатларнинг бу борадаги амалиёти ўрганилганда давлат асосан инновацион ривожланиш учун ажратилган молиявий маблағлари ҳарбий соҳага ҳамда стратегик аҳамиятга эга бўлган мақсадларга йўналтирилганини гувоҳи бўламиз. Ҳақиқатда ҳам замонавий шароитда фойдаланилаётган интернет тармоғи ёки космосга учирилаётган ракеталарнинг бу даражадаги ривожланишининг асосида ҳарбий мақсадлар ётибди.

Инновацион ривожланишни молиялаштиришнинг иккинчи асосий манбаларидан бири хусусий шахсларнинг маблағлари ёки венчур фондлари ҳисобланади. Инновацион ривожланиш ушбу манба ҳисобидан молиялаштирилганда асосан аҳолининг талаблари асосида янги техника ва технологияларга асосланган истеъмол молларини ишлаб чиқиш ва хизматларни яратишга қаратилади.

Ўзбекистонда инновацион ривожланишни молиялаштиришни самарали механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Қуйидаги расмда инновацион ривожланишни молиялаштиришнинг механизмини келтирамыз.



5.2-расм. Инновацион ривожланишни молиялаштириш механизми¹⁶⁶.

5.2-расмдан инновацион фирмаларни молиялаштиришнинг олгита асосий механизмлари келтирилган:

- мустақил молиялаштириш механизми ($\pi(\cdot)$);
- инвестицияларни тақсимлаш механизмлари ($w(\cdot)$);
- инвестицияларни қайтариш механизми ($\pi(\cdot), \rho(\cdot)$);
- молиялаштиришнинг аралаш механизми ($\mu(\cdot)$);
- харажатларни тақсимлаш механизми ($q(\cdot)$);
- даромадни тақсимлаш механизми ($g(\cdot)$).

6. *Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш борасидаги вазифалар.*

Маълумки, молия ва саноат капиталининг бирлашиш жараёни XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида рўй берди. Иқтисодий адабиётларда йирик бирлашган тузилмаларни ўрганишда ТМК (трансмиллий корпорация) атамаси ҳам қўлланилади. Замонавий ТМК ўзида молия-кредит ташкилотлари (банклар, молия, инвестицион ва сугурта компаниялари, пенсия фондлари) билан савдо қилувчи ва маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги йирик корхоналарнинг (саноат, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги) бирлашиш натижасида ҳосил бўлган кўп тармоқли банк – саноат – савдо мажмуаларини намояндалар. Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш негизида банк капиталининг келажакда марказлашуви ва жамланиши, банклар ролининг аста-секин ўзгариб бориши ҳамда ишлаб чиқаришнинг бир ерга ўқпланиши туради¹⁶⁷.

Мамлакатда саноат-гуруҳларининг ташкил этилиши бевосита инновацион ривожланишга ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, янги иш

¹⁶⁶ Таъдқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилди.

¹⁶⁷ Молия-саноат гуруҳларини шакллантириш: назарий-амалий жиҳатлар ва истикболлар /Ж.Х.Атажонзои, С.А.Абдувалиев, С.Р.Қудртов; Н.Х.Жумаевнинг таҳрири остида. –Тошкент: Академнашр. 2012. 7-8-б.

Ўринларини яратиш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни киритишга, истеъмол товарлари ва хизматлар сифатини ошириш ва бозорни кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро рақобатни кучайтиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда, бироқ ҳозирги кунга қадар амалий ишлар мавжуд эмас. Бироқ, уларни ташкил этиш жуда муҳим бўлиб, мамлакатда иқтисодий барқарор ўсишни таъминлашга ва инновацион ривожланишни самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда истиқболда ташкил этиладиган молия-саноат гуруҳлари ўзида миллий иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги йирик саноат корхоналарини, сугурта ва инвестиция компанияларини, пенсия фондларини қамраган универсал кўп тармоқли мажмуаларни намоён этиш лозим. Буларнинг барча иштирокчиларига йирик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг ихтиёридаги маблағларни энг ишончли ва фойдали соҳаларга жойлаштириш учун молиявий ҳамда моддий техник ресурсларга бўлган қафолатли фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш керак.

Фикримизча, мамлакатда инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишда молия-саноат гуруҳлари қуйидаги имкониятларни беради:

- йирик миқдорда молиявий маблағлар мраказлашади ва улардан самарали фойдаланилади;

- истеъмол ва хизмат кўрсатиш бозорларидаги талаб ва эҳтиёжлар асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга тез мослашади ҳамда инновацион техника ва технологиялардан кенг фойдаланилади;

- миллий иқтисодиётни тармоқлар кесимида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятлари кенгайди.


7. *Марказий банк пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш борасидаги вазифалар.* Маълумки, биринчидан, инновацион ривожланиш йирик миқдорда молиявий маблағларни талаб этса, иккинчи жиҳатдан миллий валютанинг барқарорлиги жуда муҳим рол ўйнайди. Шу жиҳатдан, мамлакатда инновацион ривожланишида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Фикримизча, бу борада Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширишда унинг мустақиллик даражасини ошириш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратиш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими икки поғонадан иборат бўлиб, унинг биринчи поғонасида Марказий банк фаолият олиб боради. Марказий банк миллий валютани муомалага эмиссия қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш бўйича мамлакатдаги ягона молия муассаса ҳисобланади.

Мамлакатимиз Марказий банки ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг 1995 йилда 21 декабрда қабул қилинган «Марказий банк тўғрисида» ги қонуни асосида ташкил этади. Марказий банк иқтисодий

жиҳатдан мустақил ташкилот бўлиб; унинг харажатлари ўз даромадлари ҳисобидан копланadi. Банк даромадлари харажатларни коплашга етмаган ҳолларда ушбу фарк бюджет маблағлари ҳисобидан коплаб берилади, бироқ, ҳисобот йилининг сўнггида, унинг ихтиёрида қолган ортикча маблағлар (фойда) тўлиқ бюджет ҳисобига ўтказилади. Марказий банкнинг бош мақсади ишлий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири Мамлакатда монетар сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишдан иборат. Ҳозирги пайтда Марказий банк қуйидаги пул-кредит сиёсатини амалга оширади:



5.5-расм. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати усуллари¹⁶⁸

Марказий банкнинг *қайта молиялаш сиёсати* аъъанавий монетар инструментларнинг турларидан бири ҳисобланади. Марказий банк қайта молиялаш сиёсати орқали инновацион ривожланишни молиялаштирадиган молия муассасаларини арзон ва тез олинш мумкин бўлган маблағлар билан таъминлайди, бу ўз-ўзидан мамлакатда инновацион муҳит ва инновацион инфратузилмаларни самарали ташкил этиш ва фаолиятини амалга ошириш имкониятини беради.

Мажбурий захира сиёсати Марказий банк пул-кредит сиёсатининг аъъанавий инструментларидан бири ҳисобланади. Марказий банк ушбу сиёсати орқали тижорат банкларининг инновацион иқтисодиётни кредитлаш ва уларнинг фаолиятида иштирок этиш имкониятларини ошириш ёки пасайтириш мумкин. Фикримизча, ҳозирги пайтда Марказий банк тижорат банкларининг инновацион иқтисодиётни молиялаштиришдаги имкониятларини оширишга қаратиш лозим. Бунинг учун амалдаги (9 фоиз) қайта молиялаш ставкасини янаям пасайтириш чораларини кўриш лозим. Чунки, айрим мамлакатлар Марказий банклари амалиётда пул-кредит сиёсатининг ушбу инструментидан фойдаланилмайди, мавжудлари ҳам жуда паст даражада. Масалан, Европа Марказий банки томонидан 2,0 фоиз, АҚШда 2016 йилининг бошидан 0,25 пунктга кўтариб, 0,5 фоиз этиб белгилади¹⁶⁹.

Маълумки, Марказий банк очiq бозор сиёсати орқали қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни сотади ёки сотиб олади. Бироқ, таҳлиллар ва

¹⁶⁸ Расм муаллиф томонидан тузилди.

¹⁶⁹ European Central Bank Report 2015, –E/CB/ 2016.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, инновацион ривожланишнинг муҳим молиявий дастаги ҳисобланган қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши мамлакатимизда заифлигича қолмоқда. Агар бу борада рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак тижораг банкларининг жами ресурслари таркибда қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобидан шакллантирилган маблағлар улуши 0,4 фоизни ташкил этади, худди шунингдек уларнинг инвестицион операциялари жами активлари ҳажмида мамлакат ЯИМга нисбатан 0,5-1,0 фоиздан ортмайди¹⁷⁰.

Марказий банкнинг валюта ва депозит сиёсати унинг анъанавий пул-кредит инструментларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, валюта ва депозит сиёсатининг пировард мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашга қаратилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон миллий иқтисодиётига инновацион ривожланишни жорий этишнинг қатор вазифалари мавжуд бўлиб, уларни самарали ишлаши инновацион ривожланиш негизига миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлашга кенг имконият беради.

§5.2. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини инновацион ривожланиш орқали таъминлашнинг асосий стратегияси ва таълим тизимини такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон XXI асрда миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлаш, шунингдек ривожланган давлатлар қаторидан жой олиши юзасидан жуда буюк мақсадни ўз олдига қўйган. Албатта, халқаро иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида бу мақсадга эришиш инсоннинг ақлий салоҳияти ва замонавий технологиялар ёҳуд инновацион иқтисодиётни самарали жорий этилиши талаб этади. Шунингдек, кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда инновацион салоҳиятнинг кадрлар бўйича таркибда охириги йилларда жуда катта ўзгаришлар кузатилмаганлигини кўрсатади. Қуйидаги жадалга эътибор берадиган бўлсак,

Дунёнинг кўпчилиқ мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам 2008 йилда рўй берган жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозидан кейин миллий иқтисодиётни инновацион ривожланишга ўтказишда жиддий муаммолар ва зиддиятларни ҳал этиш зарурияти вужудга келди. Хусусан, халқаро молия ва истеъмол бозорларидаги баҳоларнинг беқарорлиги, геосиёсий ва иқтисодий муаммолар ҳамда зиддиятларнинг чуқурлашуви, иқтисодий ресурсларнинг чекланиши, ташқи молиявий хавфлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар ҳамда амалга оширилган тадқиқотлар миллий иқтисодиёт барқарорлигини инновацион ривожланиш орқали таъминлашда қисқа ва узоқ муддатга мўлжалланган стратегияни яратиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мамлакатда инновацион

¹⁷⁰ Марказий банк ва тижораг банкларининг 2015 йил якунилари бўйича расмий ҳисоботлари ва Давлат статистика қўмитасининг ахборотномаси асосида муаллифнинг ҳисоб-китоби.

ривожланишнинг стратегияни яратишда қуйидаги шарт-шароит бўлиши муҳим ҳисобланади.

1. Инновацион жараёни амалиётга жорий этиш учун интеллектуал салоҳият ва замонавий технологиялар.

2. Инновацион лойиҳалардан манфаатдор ва унга қизиқувчи шахсларнинг мавжудлиги ва уларнинг сонини ошириб бориши.

3. Инновацион муҳит ва инновацион инфратузилма шаклланиш даражаси.

4. Инновацион ривожланишнинг молиялаштириш манбалари. Бу борада хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инновацион ривожланишнинг молиялаштиришнинг йирик иккита манбаси мавжуд. а) давлат бюджети маблағлари ва б) хусусий шахс (венчур фонд)лар молиявий маблағлари.

Стратегияни яратишда инновацион ривожланишнинг молиялаштириш манбалари, даври, ҳажми ва механизмларини аниқ белгилаб қўйиш лозим бўлади. Таъкидлаш жоизки, бу борада мамлакатимизда қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, бироқ инновацион ривожланиш учун сарфланаётган маблағлар улushi жуда паст даражани ташкил этади.

5. Миллий иктисодиётда инновацион ривожланиш қўлланиладиган тармоқлар. Биз монография ишнинг тегишли параграфларида миллий иктисодиётда инновацион ривожланишнинг ёлпасига қўллаш имконияти мавжуд эмаслиги ҳусусидаги фикрларни илгари сурдик ва ушбу фикрларни старли даражада асослашга ҳаракат қилдик.

Ҳақиқатда ҳам мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг иктисодиётнинг барча тармоқларида ёлпасига жорий этишнинг имконияти мавжуд эмас, шу жиҳатдан стратегияда инновацион ривожланишнинг жорий этиш ва молиявий қўллаб қувватлашнинг йўналишларини аниқ белгилаб қўйиш зарур.

Стратегиянинг мақсади Ўзбекистон иктисодиётини 2030 йилга қадар босқичма-босқич миллий инновацион ривожланиш тизимига ўтказишдан иборат, унинг натижалари қуйидаги кўрсаткичларда кўринади:

-саноат корхоналари томонидан инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг мамлакат ЯИМдаги улushини босқичма-босқич ошириб 2030 йилга 30-35 фоизга етказиш

-экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ҳажмини ошириб бориш ва хом ашёлар ҳажмини қисқартириш.

-инновацион лойиҳаларни молиялаштириш ва қўллаб қувватлашга йўналтирилаётган молиявий маблағларни мамлакат ЯИМга нисбатан 1,5-2 фоизга етказиш.

-Ўзбекистонлик олимларнинг инновацион технологияларга бағишланган илмий мақола ва тезисларини дунёнинг ҳавола (цитируемый) қилинадиган журналларида чоп этириш даражасини ошириш;

-2020 йилгача мамлакатимиз олий ўқув юр்தларининг 5 тасини дунёнинг ривожланган 500 тасини таркибига, 2025 йилга 10 тасини дунёнинг ривожланган 200 тасини таркибига, 2030 йилга биттасини дунёнинг

ривожланган 100 тасини таркибига киритиш (Quacquarelli Symonds World University Rankings);

-маҳаллий ва хорижий патент идораларидан инновацион лойиҳаларни қўллаш бўйича бериладиган патентлар сонини ошириш. Хусусан, 2030 йилга қадар Европа Иттифоқи, Америка қўшма Штатлари ва Япония каби мамлакатлар томонидан юридик ва жисмоний шахсларнинг инновацион ишланмаларига бериладиган патентларини қўлга киритиш лозим;

-инновацион бизнес фаолият билан шугулланадиган компаниялар фаолиги ва самарадорлигини ошириш;

-давлат бошқарув органлари фаолиятида инновациянинг замонавий бошқарув усуллариин жорий этиш. Хусусан, иқтисодиётни бошқаришни либераллаштириш ва шаффофлигини ошириш, шунингдек Ўзбекистоннинг инновацион лойиҳаларни жорий этиш бўйича жаҳон ҳамжамиятига янада жипсроқ қўшилиш кабилар шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиши бўйича яратилиши кўзда тутилаётган стратегияни амалга оширишда фундаментал тадқиқот ишлари ва марказларининг ўрни ниҳоятда юқори бўлади, шуларни эътиборга олиб уларни ривожлантиришнинг қуйидаги механизмларини жорий этиш лозим:

-тадқиқотлар ва илмий ишлар инфратузилмасини ташкил этиш ва ривожлантириш, бу жараёнга мамлакатнинг етакчи университет ва институтларини жалб этиш лозим;

-иқтисодиётнинг барча тармоқлари негизида тадқиқот марказларини ташкил этиш ва ривожлантириш;

-фундаментал тадқиқот ишлари билан шугулланадиган тижорат марказларини ташкил этиш ва ривожланишини қўллаб-қувватлаш ҳамда дастлабки босқичда давлат томонидан молиявий ёрдам бериш;

-инновацион ривожланиш доирасида тадқиқот ва изланишлар олиб бораётган юридик ва шахсий субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва молиялантириш масалалари бўйича янги услубларини жорий этиш;

-инновацион ривожланиш бўйича тадқиқот ишларини амалга ошираётган хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Олий таълим муассасаларида илмий салоҳиятни янада ошириш, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш қўламини кенгайтириш — энг муҳим масалалардан биридир. Ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармок илмий-тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба-ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир.

!Ортимизда изчиллик билан амалга оширилаётган демократик ислохотлар, маънавий янгиланишлар жараёни билан кадрлар тайёрлашни уйғун олиб бориш, таълим-тарбиянинг ижтимоий аҳамияти ва мавқеини юксалтириш, бу жараёнга малакали, фидойи инсонларни жалб этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундай масъулиятли ва долзарб масалаларни изчиллик билан ва талаб даражасида ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда янги авлод кадрларини тайёрлаш иши жамиятнинг бугунги, келажакдаги талаб ва эҳтиёжлари аниқ ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги кенг қўламли ислохотлар ва модернизация жараёнларига уйғун тарзда олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда олий таълимнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент политехника институти базасида Тошкент давлат техника университети, Тошкент халқ ҳўжалиги институти базасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институти ташкил этилди.

1992 йилда вилоятлардаги аксарият педагогика институтилари давлат университетларига айлантирилиб, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ҳамда Тошкент ислом университетлари, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Миллий рақс ва хореография олий мактаби, Навоий давлат қончилик институти каби бутунлай янги олий таълим даргоҳлари ташкил топди. Самарқанд кооперация институти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига, Тошкент алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2000 йил 28 январдаги фармонида биноан Тошкент давлат университетида Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди. 2005 йили пойтахтимиздаги иккита тиббиёт институти негизда Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди. Жорий йилда Тошкент давлат юридик институти базасида Тошкент давлат юридик университети барпо этилди.

Тошкентдаги олий ўқув юрғларининг жойларда 11 филиали очилди. Хусусан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг бешта, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва мелиорация, Тошкент педиатрия тиббиёт, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтиларининг биттадан, Тошкент тиббиёт академиясининг иккита филиали фаолият кўрсатмоқда.

Худудлар иқтисодиётини модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, Бухоро озик-овқат ва енгил саноат технология институти Бухоро муҳандислик-технология институтига, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти Андижон машинасозлик институтига, Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти Наманган муҳандислик-технология институтига айлантирилди. Шу билан бирга, мазкур олий таълим даргоҳларида кадрлар тайёрлашнинг йўналиш ва мутахассисликлари иқтисодиёт тармоқларининг эҳтиёжларига мувофиқлаштирилди.

Олий таълим йўналишида изчил ривожлантирилаётган халқаро ҳамкорлик самарасида Ўзбекистонда хориждаги нуфузли олий ўқув

юртларининг олтига, жумладан, Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетлари, Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг филиаллари фаолият юритмоқда. Олий таълимга инновация инвестицияларини – хорижий таълим-иш технологияларини жалб этиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда юртимизда Россиянинг 2, Жанубий Кореянинг 2, Латвиянинг 1 олий таълим муассасаси филиаллари ташкил этилди. Ҳиндистоннинг 2, Россиянинг 2 ва АҚШнинг 1 олий таълим муассасаси филиали талабаларни қабул қилади. Улардаги таълим жараёнига 832 нафар хорижий мутахассис жалб этилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда олий таълимнинг замонавий икки босқичли – бакалаврият ва магистратура йўналишига ўтилгани тизимдаги энг муҳим ўзгаришлардан биридир. Бугунги кунда олий таълимнинг мазкур йўналишларида асосий эътибор тайёрланаётган кадрларнинг илмий салоҳияти ва амалий тажрибасига, иш берувчининг талабларига, яъни рақобатбардошлигига мос келишига қаратилмоқда.

Айни пайтда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш қўлаб соҳаларни бирлаштирган олтига комплекс йўналишда олиб борилмоқда. Олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш иш берувчилар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш орқали амалга оширилмоқда. Бунда талабаларнинг амалиёт ўташ жойлари муҳим ўрин тутмоқда.

Олий ўқув юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, талабаларнинг яшаш шароити ҳамда ижтимоий-маиший объектлар фаолиятини яхшилаш, олий ўқув юртлари ҳудудларини ободонлаштириш, жумладан, пойтахтимиздаги "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида жойлашган талабалар турар-жойларини тубдан таъмирлаш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган "Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизациялаш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш тўғрисида"ги қарори олий таълим муассасалари фаолиятини жаҳон андозлари даражасида ташкил этиш, уларни замонавий дарслик, ўқув-услубий қўламамалар, илмий лабораториялар билан таъминлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Олий таълимнинг ўқув-услубий, метёрий таъминоти, давлат стандартларини янада такомиллаштириш юзасидан ҳам тизимли ишлар олиб борилаётир. Жумладан, бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхати қайта кўрнб чиқилди, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича классификатор янгиланди. Муҳандислик ва техника йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш қўлами ва салмоғи босқичма-босқич ошириб борилмоқда. Магистратурада илмий монографияларни тайёрлаш ва баҳолашга бўлган талаблар кучайтирилмоқда.

Бугунги таълим жараёнини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш кийин. Зеро, юкори суръатлар билан ўсиб бораётган жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашишга интерфаол педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш оркали эришилади. Иктисодиётнинг бошқа соҳаларидан фаркли равишда, бугун таълим жараёнларини мунтазам янгилаш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июнда қабул қилинган "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан таълим жараёнига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда. Жумладан, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари замонавий компьютер техникаси, дастурий воситалар билан янада кенгрок жиҳозланмоқда. Электрон таълимнинг миллий тизими лойиҳаси амалга оширилди ва саксондан ортиқ объект ушбу тармоққа уланди. Эндиликда олий ўқув юртларида ўтказилаётган видео-конференциялар, илмий анжуманлар, ўқув-семинарларни он-лайн тизимида бевосита қўриш ва уларда иштирок этиш мумкин. Олий ўқув юртларининг бу борадаги имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда "Кутубхона" ахборот тизимини яратиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Айни вақтда замонавий ахборот технологиялари самарадорлигини оширишда асосий эътибор ёшларни компьютер воситаларидан фойдаланиш имкониятини оширишга, уларда интернет тармоғи оркали олинаётган ахборотларни самарали қўллаш қўникмаларини шакллантириш ҳамда ахборот-ресурс марказларида электрон ахборот таълим ресурслари хажми ва сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Олий таълим профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш — замонавий кадрлар тайёрлаш жараёнида энг муҳим вазифалардан. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда олий ўқув юртлари педагогик жамоаси салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи малака ошириш механизми тубдан ислох этилди. Ҳукуматимиз қарори билан ташкил этилган 5 минтакавий, 10 тармоқ малака ошириш маркази, вазирлигимиз ҳузурида олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази фаолият юритмоқда. "Электрон таълим" миллий тизими ёрдамида масофадан туриб педагогик кадрлар малакасини ошириш тажрибаси амалиётга татбиқ этилаётир.

2002 йилдан бошлаб илмий тадқиқотлар давлаг грантга асосида молиялаштирилмоқда. Натижада инновациялар учун ажратилаётган маблағлар хажми ҳам, уларнинг самарадорлиги ҳам йилдан-йилга ошмоқда. 2012 йилнинг ўзида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги илмий-тадқиқот муассасаларида 5,5 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги лойиҳалар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти

Ислом Каримовнинг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони бунда муҳим омил бўлмоқда.

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва хорижий олий ўқув юртлири, илмий ва таълим марказлари ўртасида тобора мустаҳкамланаётган ҳамкорлик ҳам Ватанимиз мустақиллиги, Конституциямиз берган улкан имкониятлар самараларидандир.

Бугун юртимиздаги 12 йиллик узлуксиз таълим тизимида эришилаётган ютуқлар хорижда ҳам кўпчилиكنинг ҳавасини тортмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2012 йил февраль ойида пойтахтимизда ўтказилган "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти" мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълимнинг миллий моделини яратиш борасидаги тажрибаси БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АКШ, Жанубий Корея, Япония каби ривожланган давлатларнинг таълим соҳаси бўйича йирик мутахассислари томонидан юксак баҳоланди. Улар мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг тобора ўсиб бораётганига, ҳозирги шароитда демократик тараққиёт ва модернизация борасида юксак натижаларга эришишда билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч эканига мамлакатимиз мисолида яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Мазкур форумда иштирок этган хорижлик юзлаб олим ва мутахассислар Ўзбекистон бюджетидан таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар яъни ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этишини, мамлакат умумий йиллик бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини юксак баҳолади. Ўзбекистоннинг ижтимоий ва гуманитар ривожланиш борасидаги ютуқлари бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида тавсия этилди. Халқимиз эришаётган бундай улкан муваффақиятлар Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан соҳага, жумладан, таълим тизими ривожига қаратилаётган доимий эътибор самаралари эканлиги алоҳида таъкидланди.

Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг натижалари тайёрланаётган кадрларнинг сифати, билими, малакаси, маънавий-интеллектуал савиясида яққол намоён бўлмоқда. Бугун иқтидорли ёшларимиз автомобилсозлик, нефть-газ саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, энергетика каби юртимиздаги янги, энг замонавий талаблар асосида фаолият юритаётган тармоқларда мураккаб технологияларни бошқармоқда, илм-фан, маданият, спорт соҳаларида улкан ютуқ ва марраларни қўлга киритмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда инновацион ривожланиш орқали таъминлашнинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этишда таълим тизими муҳим инфратузилмалардан бўлиб ҳисобланади.

– Ўзбекистонда “инновацион муҳит” ва “инновацион инфратузилма” ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайдиган қонун ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ;

– мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг миллий тизимини амалиётга жорий этишнинг қуйидаги вазифалари мавжудлиги аниқлаб берилди:

- мамлакатда инновацион ривожланишга хизмат қиладиган таълим тизими ва фан соҳасидаги вазифалар;

- бизнес муҳитни ташкилий-ҳуқуқий базасини шакллантиришдаги вазифалар;

- инновацион муҳитни яратиш борасидаги вазифалар;

- инновацион инфратузилмани шакллантиришдаги вазифалар;

- инновацион ривожланишнинг молиялаштириш манбаларини кенгайтириш ва самарадорлигини оширишдаги вазифалар;

- Молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш борасидаги вазифалар;

- Марказий банк пул-кредит сиёсати самарадорлигини ошириш борасидаги вазифалар.

ХУЛОСА

Монографияда инновацион ривожланишни таъминлашнинг назарий асосларини тадқиқ қилиш юзасидан амалга оширилган ўрганишлар ва тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

— XXI асрда инновацион ривожланиш мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлашда асосий омиллардан бирига айланди. Чунки, инновацион иқтисодиёт замонавий техника ва технологиялар ҳамда инсоннинг интеллектуал ақлий салоҳиятининг юксак даражадаги натижаларининг амалий қўривишидир;

— “инновация” сўзи XX асрнинг бошларида иқтисодий оборотга кириб келган бўлиб, мавжуд жараёнга янгича қараш, замонавий кашфиёт ва ишланма ёки инсоният фаолияти билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ишлаб чиқариш жараёнига қўллаш маъносини англатади;

— тадқиқотлар ва қиёсий ўрганишлар асосида “инновация”га: “Инновация – бу капитални янги техника, технология, ишлаб чиқариш, меҳнатни янгича ташкил этиш, бошқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига сарфлаш натижасида янгидан олинган моддий ҳамда номоддий нёсматлардир” тарзидаги муаллифлик таърифини шакллантирдик;

— инновация назарияси ва инновацион ривожланиш билан боғлиқ масалаларни илмий-амалий жиҳатдан ўрганишга бўлган зарурият дунёда юз берган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозлар ва бошқа ижтимоий-иқтисодий вазоиятлар сабаб бўлган, бунинг натижасида юқори технологиялар ва интеллектуал мулкка асосланган инновацион ривожланишга асос солинган;

— миллий иқтисодиётининг барқарор ўсишини инновацион ривожланиш орқали таъминлаш учун мамлакатда биринчи навбатда сиёсий барқарорлик ва тинчликни ҳукм суриши зарур. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган сиёсий муҳит яратилган;

— ўтиш иқтисодиёти давридаги мамлакатларда инновацион лойиҳаларини жорий этиш учун давлатни молиявий қўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Бунинг солиқ имтиёзлари ва преференцияларини жорий этиш, молиявий субвенциялар ҳамда имтиёзли кредитлар бериш ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари орқали амалга оширилади;

— халқаро иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишининг асосий шаклларида бири инновацион иқтисодиёт ҳисобланади. Бунинг қуйидагилар билан асослаш мумкин: *- ер шар ва мамлакатимизда аҳоли сонини орттириб бораётганлиги, - иқтисодий ресурслар чекланган шароитда эҳтиёжларини юқори қилиши; - аҳолининг қийинча иш жойлари билан таъминланиши ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириши; - давлат бюджети даромадлари ҳажмининг ошириши ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаши; - маҳаллий ишлаб чиқаришнинг ривожлантириши каби масалалар шулар жумласидандир;*

– инновацион ривожланишни самарали қўллаш орқали барқарор иқтисодий ўсишга эришаётган мамлакатларда ушбу соҳага давлат ва хусусий шахслар томонидан жуда катта миқдорда молиявий маблағлар сарфлайди. Ушбу маблағларнинг ҳажми мамлакат ЯИМга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этади, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим;

– Республикамизда инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш учун сиёсий муҳит етарли даражада шаклланган бўлсада, ижтимоий-иқтисодий муҳит тегишли талаб ва қоидаларга жавоб бермайди. Хусусан, рақобат муҳити етарли даражада ривожланмаган, инновацион ишланмалар ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун тайёр технологиялар таклифи паст;

– миллий иқтисодиётни барқарор ўсишини таъминлашда инновацион иқтисодиётнинг иштироки ва жорий қилинганлиги макро, мезо ва микроиқтисодий даражадаги белгилари орқали аниқлаш мумкин. Бу борадаги масалалар тадқиқот иши доирасида атрофлича тадқиқ этилди ва тегишли ишланмалар шакллантирилди;

– инновацион иқтисодиётга баҳо беришда мамлакатдаги ишлаб чиқариш воситаларнинг ёши (фойдаланишдаги даври) ва замонавий талабларга жавоб берадиган техника ҳамда технологиялар ҳисобланади. Масалан, дунёнинг ривожланган мамлакатлари ҳисобланган Японияда асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ўртача ёши 6,5 йил. АҚШда 8,5 йил ва Германияда 9,5 йилни ташкил этади;

– халқаро амалиётда мамлакатлар миллий инновация тизимни шакллантириш бўйича турли моделлар мавжуд. Айниқса, АҚШ Стенфорд университети профессори Генри Ицковиц томонидан таклиф қилинган “Уч ёклама спираль” (*Triple Helix*) модели энг самарали моделлардан ҳисобланади, АҚШнинг миллий инновация тизими ушбу моделга асосланади;

– АҚШда инновацион ривожланишни амалга оширишда таълим муассасалари етакчилик қилиб, улар бевосита инновацион иқтисодиётни амалиётга жорий этадиган субъектлар билан ҳамкорликда фаолият юритади, 1980 йилларга келиб мамлакатда миллий инновация тизимининг концептуал асослари шаклланди. Концепцияни амалга оширувчи субъектлар учта бўлишга гуруҳланди. 1-бўғин: таълим муассасалари, 2-бўғин: илмий марказлар, лабораториялар, илмий-тадқиқот институти, 3-бўғин: инновацион кластерлар. Хусусан, мамлакатдаги йирик кластерлар сифатида Силикон водийси, Сигеттл, Такома ва Олимпияда – аэрокосмик техника ва ахборот технологиялари, Миннеполис ва Джексонвилда – тиббиёт ускуналари, Питтсбург, Акрон, Кливлендда – “тоза” ва табиий энергетика технологияси, Канзас-Ситида – биотехнология ва замонавий химия, Бостонда – биотехнологиялар ва Остин Даллас ҳудуди – ярим ўтказгичли технологиялар устида илмий тадқиқот марказларини келтириш мумкин;

– АҚШ инновацион ривожланишда дунёнинг етакчи институт ва илмий марказларининг кучли иқтисодчи ва бошқа соҳа олимлари жалб этилади.

Масалан, компьютер технологиялари бўйича Хитой ва Хиндистон давлатларидан ташир буюрган бўлса, математика ва бошқа аниқ фанлар бўйича олимлар Россиядан ташир буюрган;

– АҚШда инновацион ривожланишга ижобий таъсир кўрсатган омиллاردан яна бири 1950 йиллардан пайдо бўлган венчур компаниялари ҳисобланади, улар давлат томонидан фаол рағбатлаштириб борилади;

– Буюк Британияда инновацион ривожланиш асосан ҳарбий мудофада кенг ривожланган, 1945 йиллардан сўнг бу соҳага қилинадиган харажатлар қайтарилиб, радиоастрономия ва юкоримолекуляр моддаларнинг хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратилган;

– Буюк Британия инновацион ривожланиш асосан энг қадимги таълим муассасалари ҳисобланган университетларда амалга оширилади, улар қаторига Оксфорд, Кембридж, Лондон каби университетлари қошида илмий-тадқиқот марказларни қиратиш мумкин;

– Буюк Британияда инновацион иқтисодий ривожлантириш учун иқтидорли хорижий талабаларга жуда катта миқдорда грантлар жорий этган, мамлакатда тахсил олаётган хорижий талабалар сони жиҳатидан дунёда АҚШдан кейинги ўринда туради;

– Буюк Британияда интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи бевосита таълим муассасалар ёки илмий тадқиқот институтларига берилган. Шу боис ишланма учун таълим муассасаси масъул бўлиш билан бирга, ишлаб топилган молиявий маблағлар ҳам муассаса томонидан тақсимланади;

– Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг назариялари, шаклланиши ва миллий иқтисодий ўсишини таъминлашдаги назарий ва амалий жиҳатдан деярли ўрганилмаган. Чунки, замонавий шароитда инновацион иқтисодий ривожланган ва ўзининг тегишли самарасини бераётган мамлакатларда «инновацион иқтисодий» ва «инновацион ривожланиш» эмас балки, дastлаб «инновация»нинг назарий асослари XX асрнинг биринчи ярим йиллигида фанга кириб келган;

– Ўзбекистонда «инновация», «инновацион иқтисодий» ва «инновацион ривожланиш»нинг назарий асослари мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин 10 йилдан кейин долзарб масалага айланди. Таъкидлаш жоизки, инновацион иқтисодийнинг илмий-назарий масалалари нафақат мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ва мутахассислари томонидан, балки МДХга аъзо мамлакатларда етарлича ўрганилмаган;

– Тадқиқотлар ва қиёсий ўрганишлар натижасига таяниб «инновация», «инновацион иқтисодий» ва «инновацион ривожланиш» каби терминларга муаллифлик таърифларини шакллантирдик:

– «Инновация – иқтисодийдаги талаб ва таклиф натижасида вужудга келадиган, мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва анъанавий ишлаб чиқариш муносабатларини янгисига аламаштиришга имконият берадиган иxtиро, кашфий ва замонавий гоилар мажмуидир»;

– «Инновацион иқтисодий – инсон интеллектуал капиталига асосланган хўжалик юритиш шаклидир»;

– “Инновацион ривожланиш — миллий иктисодиётнинг барқарор ўсишини инсон интеллектуал капитали ва юқори технологияларига асосланиб таъминлашнинг ижтимоий-иктисодий жараёнидир”;

– “инновацион иктисодиёт” жамиятга индустриал иктисодиётдан кейин жорий этилади. Индустриаллашган иктисодиёт – иктисодиётни анъанавий ривожланиш жараёнидан ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожланган, саноат ишлаб чиқариши юқори улушга эга бўлган иктисоддир. Бунга мисол сифатида Япония, АҚШ, Жанубий Корея, Германия каби давлатларнинг иктисодиётини келтиришимиз мумкин;

– Ўзбекистонда инновацион ривожланишни амалиётга жорий этишга оид Президент ва ҳукуматнинг айрим қарорлари қабул қилинган, лекин инновацион ривожланишнинг илмий ва назарий масалалари деярли тадқиқ қилинмаган. Буни амалга ошириш жуда зарур, чунки ҳар қандай ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг асосида назария ётибди, бу фикримизни немис классик философи Иммануил Кант (1724-1804)нинг “назариясиз амалиёт кўрдир¹⁷¹” деган сўзлари ҳам тасдиқлайди;

– инновацион муҳитни бозор механизмлари, миллий инновацион тизим ва ташкилий-ҳукукий база ташкил этади. Инновацион муҳит айнан бозор механизмлари тўлиқ жорий этилган шароитда вужудга келади;

– “Инновацион инфратузилма” — бу инновацион лойиҳаларни яратишдан тортиб жорий этишгача бўлган жараёнда бевосита иштирок этувчи бошқарув аппарати, моддий-техника базаси, юридик ва ҳукукий маслаҳат берувчи консалтнинг хизматлари каби субъектларнинг мажмуидир”;

– Ўзбекистонда инновацион ривожланишнинг миллий тизимининг иерархияси яратилди ва ушбу иерархиянинг барча бўғинлари пастдан юқорига асосланган тамойилда амали қилиш механизми ишлаб чиқилди;

– мамлакатимизда инновацион ривожланишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва хусусий шахслар томонидан маблағлар ажратиш билан бирга қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. *Биринчидан*, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқариш фондлари ва воситаларини жорий этиш. *Иккинчидан*, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини барча йўналишлар бўйича қисқартириш. *Учинчидан*, экологик меъёрларга ва халқаро даражадаги талабларга жавоб берадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш. *Тўртинчидан*, истеъмол товарлар турлари ва сифатини доимий равишда ошириб бориш лозим бўлади;

– мамлакатимизда иктисодиётини барқарорлигини таъминлашда ИТТКИларини солиқларнинг рағбатлантириш функцияси ёрдамида ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Хусусан, корхоналар фойда солигини ҳисоблашда, солиқ базасини илмий ишланмаларга сарфланган маблағлар миқдorigа қисқартирилиши мақсадга мувофиқ;

– илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи корхоналарни қўллаб қувватлаш мақсадида, корхона устав капиталини шакллантиришга

¹⁷¹ Иммануил Кант. Тракаты и письма. — М.: «Наука», 1980. Стр. 523, 710 с

йўналтирилган маблағлар миқдоридан келиб чиқиб, табақалаштирилган солиқ имтиёзларининг жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бунда, солиқ имтиёзи муддати илмий тадқиқот билан шуғулланувчи янги ташкил этилган корхонанинг устав капитали миқдorigа қараб белгиланади;

— инновация ва инновацион ривожланишнинг асосий манбаси фан ва таълим ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, фан, саноат ва жамият ўртасида ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлайдиган тизим яратиш лозим;

— Жанубий Корея инновацион сиёсатининг айрим жиҳатларини мамлакатимиз иқтисодиётида қўлланилиши жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш имконини беради. Яъни, миллий иқтисодиётда илмий ишланмаларга бўлган ички эҳтиёжни қамлигини ҳисобга олиш зарур. Ўз навбатида, бундай ҳолат илмий ишланмаларнинг иқтисодий манфаатдорлигини камайтиради ва ушбу йўналишни ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, илмий тадқиқот институти ва марказларининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

— Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни ривожланган мамлакатлардаги каби иқтисодиётнинг барча тармоқларига ёппасига эмас, балки унинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб алоҳида тармоқлар кесимида жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Монография мавзуси юзасидан шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар мамлакатимизда инновацион ривожланишнинг назарий ва амалий аҳамиятини оширишга ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади деган умиддамиз.

ҲОИДАЛАШИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Норматив ҳукукий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 4947-сонли Фармони, [lex.uz](#).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 майда «Иқтисодиёт тармоклари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 31-32-сон, 311-модда; 2008 й., 14-15-сон, 99-модда; 2011 й., 36-сон, 366-модда; 2013 й., 47-сон, 616-модда; 2014 й., 30-сон, 365-модда)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инновацион лойиҳаларни ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи, 2008 йил 16 июл. 37-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси Ш.Мирзиёев, Биринчи Президент И.Каримовнинг илмий асарлари

5. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2018.-508 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.-488 б.

7. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.-592 б.

8. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI асрга янтилмоқда» биринчи қакирик Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаси, -Т.: 1999.

9. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь, №11 (6194).

10. Каримов И.А. Бош мақсадимиз -- мавжуд қийинчиликларга қарамадан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий ҳаётимизда тарқибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 16 январь, №11 (6446).

11. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.:“Ўзбекистон” – 1995.

3. Дарслик, монография, илмий мақола, патент, илмий тўғламламлар.

12. Шакирова Ф.Б. Инновациялар асосида иқтисодий ўсишни таъминлаш механизмини такомиллаштириш. Монография.- “Comples Print”, 2018.-174 бет.

13. Мухитдинова Н.К. Методология инновационного развития национальной экономики.-Т.: «Fan va technology», 2016, 188 стр.

14. Портер Майкл Японская экономическая модель: Может ли Япония конкурировать?/ Пер. с англ.- М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.- 262 с.

15. Барютин Л.С. Управление техническими нововведениями в промышленности. М.: Изд-во МГУ, 1986.

16. Бельтюкова С.М. Инфраструктурный фактор развития инновационной деятельности регионов. Вестник ПНИПУ. Социальные экономические науки. 2013. №21.

17. Бернал ДЖ. Наука в истории общества. М.: ИЛ, 1956.

18. Бессонов В. А. О развитии сектора ИКТ в российской экономике / В. А. Бессонов, Н.Ю. Бродский // Вопросы статистики. 2011. № 12. С. 26-31.

19. Вахабов Аб.В., Модернизация экономики. Учебное пособие/ Аб.В.Вахабов, Г.Х.Разикова. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2014.;

20. Гершман М. А. Инновационный менеджмент. – М. : Маркет ДС, 2010.

21. Глобальная трансформация инновационных систем. Под ред. Н.И.Ивановой, М., ИМЭМО РАН, 2010.

22. Давыдов А.А. Конкурентные преимущества системной социологии.М.: ИС РАН, 2008. (Электрон манба) (<http://www.isras.ru/publ.html?id=855>)

23. Давыдов, А.А. Инновационный потенциал России: настоящее и будущее (Электрон манба): http://www.isras.ru/blog_modern_3.html.

24. Дергунов А.И. Системный подход к развитию национальной инновационной среды // Инновации, -№3. -2008.

25. Доклад о состоянии фундаментальных наук в Российской Федерации и о важнейших научных достижениях российских ученых в 2014 году. Российская академия наук. 2015 г. Издательство «Наука».

26. Иммануил Кант. Трактаты и письма. — М.: «Наука», 1980.

27. Иноземцев В.Л. Теория постиндустриального общества как методологическая парадигма российского обществоведения // Вопросы философии. 1997. №10.

28. Колесова В.П., Осьмова М.Н. Национальные инновационные системы: монография. М.: МАКС Пресс, 2011.

29. Кондратьев Н.Д. Большие циклы конъюнктуры и теория предвидения. М.: Экономика, 2002.

30. Кругман П. (2012). Как разобраться в долгах «будущих поколений» // Независимая газета. 29 окт. С. 5. [Krugman P. (2012). How to Solve the Problem of "Future Generations" Debts // Nezavisimaya Gazeta. Oct. 29. P. 5.]

31. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция стр 105.// Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России. Под ред. Ю.В. Яковца. Спб.: Гуманистика, 2003.

32. М.Ю.Портер. Методика анализа отраслей и конкурентов. Конкурентная стратегия: М.: Альпина Бизнес Букс, 2005.

33. Матеров И. Факторы развития «новой экономики» в России // Экономист. 2003, №2.

34. Махмудов Н.М., Акабиров Д.Н. Стратегия инновационного развития промышленности Республики Узбекистан в период модернизации экономики: Монография. -Т.: Иктисодиёт, 2011.

35. Модельски Дж., Томпсон У. Волны Кондратьева, развитие мировой экономики и международная политика // Вопросы экономики, 1992, №10.

36. Молния-саноат гурухларини шакллантириш: назарий-амалий жиҳатлар ва истикболлар /Ж.Х.Атаниязов, С.А.Абдувалиев, С.Р.Кудртов; Н.Х.Жумаевнинг тахрири остида. —Тошкент: Академнашр, 2012.

37. Атаниязов Ж.Х. Ўзбекистонда молния-саноат гурухларинишакллантириш ва ривожлантиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш...// Иктисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрлаган диссертацияси автореферати.-Т.:2018.-Б.15.

38. Федорович В. О. Крупные корпоративные образования: концентрация факторов производства и экономический рост.//Аваль. Сибирская финансовая школа.-2005.№1.-С.87.; Цветков В.А. Финансово-промышленные группы в современном мире.// промышленная политика в РФ.№6,2000,-С36-47.

39. Мильнер Б. Крупные корпорации-основа подъёма и ускоренного развития экономики. // Вопросы экономики. - М.: 2017, №9. - С.13
40. НТР и мировая политика: Учеб. пособие / Под ред. А.В. Бирюкова, А.В. Крутских. Моск. гос. ин-т межд. отношений (Ун-т) МИД России. М.: МГИМО – Университет, 2010.
41. Портер М. Конкуренция. М.: Изд. дом «Вильямс», 2003.
42. Сергеев В.М., Алексеев Е.С. Становление государства и модели инновационного развития // Политика. № 4. 2008.
43. Сиразетдинов Р.М. Необходимость формирования инновационной стратегии развития экономики. «Креативная экономика» № 10 (46) за 2010 год, стр. 45-48.
44. Сорокин П.А. Главные тенденции нашего времени М.: Наука, 1997.
45. Сорокин П.А. Социальная и культурная динамика. СПб., СПбХГУ, 2000.
46. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. М.: Экономика, 1989.
47. Типология моделей инновационного развития. В.М.Сергеев, Е.С.Алексеев, В.Д.Нечаев. Политика 4(51) 2008. Стр 10
48. Туган-Барановский М.И. Избранное. Периодические промышленные кризисы. История английских кризисов. Общая теория кризисов. М.: Наука - РОСС-ПЭН, 1997.
49. Устинов И.Н. Мировая торговля. Статистика-энциклопедический справочник. М.: Экономика, 2002. Стр. 61-62.
50. Устинов И.Н. Мировая торговля. Статистика-энциклопедический справочник. М.: Экономика, 2002.
51. Фролов А. С. Проблемы планирования научно-технологического развития на государственном уровне // Наука и технологии. 2013. № 5. С. 79-91.
52. Цихан Т. Роль венчурной индустрии в формировании национальной инновационной системы // Теория и практика управления. № 4. 2011.
53. Шаркова А. Мировой опыт функционирования финансовой инфраструктуры поддержки инновационного предпринимательства // Предпринимательство. № 6. 2010.
54. Шлезингер-младший А. Циклы американской истории М.: Прогресс-Академия, 1992.
55. Шумпетер Й.А. Капитализм, социализм и демократия. М.: Экономика, 1995.
56. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: ЭКСМО, 2007.
57. Щербин В.К. Инновационная экономика и экономика знаний. //Наука и инновация. 2010.

58. Яковец Ю.В. Рента, антирента, квазирента в глобально-цивилизационном измерении. М.: Академ-книга, 2003. Инновации: теория, механизм, государственное регулирование. Под ред. Ю.В. Яковца. М.: РАГС, 2000.

59. Яковец Ю.В. Циклы. Кризисы. Прогнозы. М.: Наука, 1999. Яковец Ю.В. Глобализация и взаимодействие цивилизаций. Изд. 2-е. М.: Экономика, 2003.

60. Яковец Ю.В. Эпохальные инновации XXI века. М., Экономика, 2004.

4. Фойдаланилган бошқа адабиётлар.

61. Annual Report on Science and Technology Indicators for Belgium 2014

62. Annual Report on Science and Technology Indicators for Belgium 2018

63. Archibugi D., Coco A. Measuring technological capabilities at the country level: A survey and a menu for choice // Research Policy, 2005, №2, P. 175-194. http://www.danielearchibugi.org/downloads/papers/Archi-Coco.Menu_for_Choice.pdf;

64. Bruijn H., Voort H., Dicke W., Jong M., Veeneman W. Creating System Innovation: How Large Scale Transitions Emerge. N.Y.: Taylor & Francis, 2004.;

65. Carl Schramm et al. The advisory committee on measuring innovation in the 21 century. Innovation measurement: Tracking the state of innovation in the American economy. A report to the secretary of commerce. January 2008 [Electronic resource]. - Access mode: http://www.esa.doc.gov/sites/default/files/reports/documents/innovation_measurement_01-08.pdf.

66. Enslavement and industrialisation Robin Blackburn, BBC British History. Published: 18 December 2006 Accessed April 2008. Page, 123.

67. European Central Bank Report 2015. -Fr/M.: 2016.

68. Fischer M., Frohlich J. Knowledge, Complexity and Innovation Systems. Berlin.: Springer, 2001.;

69. Geels F. Technological Transitions and System Innovations: A Co-evolutionary and Socio-technical Analysis. N.Y.: Edward Elgar Publishing, 2005.;

70. Gentry W. M., Hubbard G. R. "Success Taxes", Entrepreneurial Entry, and Innovation //

71. H. Etzkowitz, L. Leydesdorff // Research Policy 29, 2000.

72. Huggins R. The evolution of knowledge clusters: Progress and policy // Economic development quarterly. - L., 2008. - Vol. 22, N 4.

73. Innovation Nation. Background analysis: strengths and weaknesses of the UK Innovation system / Department for Innovation, Universities and Skills (DIUS), 2008.

74. International Monetary Fund. World Economic Outlook Database, October 2014.

75. Lenchuk E. B. and Vlaskin G. A. The Cluster Approach in the Innovation Development Strategy of Foreign Countries. Science and technology.
76. Lundvall B. National Systems of Innovation: Toward a Theory of Innovation and Interactive Learning. N.Y.: Anthem Press, 2010.;
77. National Science Board Science & Engineering Indicators 2016.
78. Nauwelaers C., Wintjes R. Innovation Policy in Europe: Measurement and Strategy. N.Y.: Edward Elgar Publishing, 2008. NBER Working Paper. 2004. No 10551.
79. OECD (2014), Main Science and Technology Indicators, № 1, Paris RAND Corporation. http://www.rand.org/pubs/monograph_reports/MR1357.0/
80. Realising Britain's Potential: Future Strategic Challenges for Britain / Cabinet Office. the Strategy Unit. 2008. February.
81. Realizing Britain's Potential: Future strategic Challenges for Britain. the Strategy Unit, 2008. Science and Innovation Framework 2004–2014.
82. Report of The Global Innovation Index 2019. Effective Innovation Policies for Development. p 19
83. Report of The Global Innovation Index 2018. Effective Innovation Policies for Development.
84. Schumpeter J. The Theory of Economic Development/ Cambridge; Harvard University Press, 1934.
85. Technical Change and Economic Theory, Pinter, 1988. URL: <http://freemanchris.org/publications/>
86. Technical Change and Economic Theory, Pinter, 1988. URL: <http://freemanchris.org/publications/>
87. The Global Competitiveness Report 2009-2010. World Economic Forum. 2009. (<http://www.weforum.org/documents/GCR09/indexhtml>)
88. The Global Innovation Index 2015 “Effective Innovation Policies for Development”. Tech Connection 2015, Taylor Vinters Eden Hall September 22, 2015/
89. The Guardian газетаси. Ларри Эллиотт и Эд Пилкингтон. 2015 йил, январь. Давос, Бутун дунё иқтисодий форуми.
90. The Science and Innovation White Paper-Excellence and Opportunity: a science and innovation policy for the 21st century. Synopsis of Policy Options for Creating a Supportive Environment for Innovative Development. ECE/CECI/2008/3, Geneva, 9 September 2008.
91. The Science and Innovation White Paper-Excellence and Opportunity: a science and innovation policy for the 21st century.
92. University of Oxford. Isis Innovation Annual Report 2014, P 5. 2015, p 6. 2016, p 18. 2017, p 5. TECHNOLOGY & EXPERTISE

93. World Bank. <http://data.worldbank.org/indicator>

94. Абдуллаев Б.А. “Инновацион фаолиятнинг бошқарувини такомиллаштириш”. 08.00.05-Менежмент ихтисослиги бўйича номзодлик илмий даражасини олиш учун тайёрлаган монография. Андижон, 2002.

95. Брайан Хилл, Ди Пауэр. Бизнес-ангелы. Как привлечь их деньги и опыт под реализацию своих бизнес-идей. — М.: Эксмо, 2008.

96. Сергеев В. А., Бабкина Е. В. Тройная спираль инновационного развития: опыт США и Европы, возможности для России. IX Международная конференция «Тройная спираль».

[http:// www.triplehelixconference.org/ru/the-triple-helix-concept.html](http://www.triplehelixconference.org/ru/the-triple-helix-concept.html). 2011 г. стр 69

97. Ўзбек тилининг изохли лугати. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т. : 2002. 169. Б

98. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. www.stat.uz

99. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2015 йил 2 ноябрдаги “2016 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклиларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 4-мб-сонли қарори

100. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари. www.mf.uz

Инновацион ривожланишнинг моделлари ва уларни ўзаро таққослама кўриниши¹⁷².

Методлари	Инновацион ривожланиш моделлари		
	Евроатлантика	Шарқийосиё	Муқобил модели
Модел асоси	Университетлар и илмий-тадқиқот марказлари.	Ириқ корпорациялар қончидаги тадқиқот лабораториялар	Илм-фан, давлат - бизнес ва уларнинг ўзаро харакаatlари
Инновацион цикл босқичлари	Тулиқ инновацион цикл	Фундаментал илм-фанининг заифлиги	Тулиқ инновацион цикл
Давлатнинг ўрни	Инновацион йўналишда давлат ва хусусий сектор алоқаларини кўлаб қувватланиши, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, рағбатлаштириш ва уларнинг савдосини амалга ошириш.	Юқори технологияларни экспорт қилиш ва технологияларга боғлиқлиқни кўлайди	Технологик ишлашмаларни молиялаштириш ва уларнинг коммерциясини рағбатлаштириш.
Илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишлашмаларини молиялаштиришнинг хусусиятлари	Давлат грантлари асосий ўринда туради.	Хусусий сектор харажатлари салмоғи кўп	Хусусий сектор ва давлат маблағлари билан бирга венчур жамғарма капитали.
Инновацион фаоллиқни кўлаб-қувватлаш усуллари	Қонунлар асосида, жумладан интеллектуал мулкни химоялаш, молиявий ва солиқ имтиёзлари.	Инновацион фаоллиқни ошириш учун ташкилий мухит яратилади	Қонунлар асосида, жумладан интеллектуал мулкни химоялаш ва молиялаш.
Давлатлар	Ғарбий Европа давлатлари (Буюк Британия, Германия, Франция, Италия).	Япония, Жанубий Корея, Гонконг, Тайвань	АҚШ, баъзи элементлари Европа давлатлари МИТда акс этади.

¹⁷² Жалвал муаллиф томонидан шакллантирилди.

2013-2018 йиллар Ўзбекистонда кадрлар бўйича таркиби(нисбий кўрсаткичлар)

	Кўрстакичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
1.	Илмий ходимлар ўртача миқдорнинг иқтисодиётдаги ўртача миқдорига нисбати, %	56	61	63	65	71	71
2.	Умумий баддиликка ИТТКИда билим беришчилар салмоғи, %	1.4	1.7	2.1	2.6	3.1	3.3
3	Умумий баддиликда таянч докторант ва докторантлар салмоғи, %	1.1	1.3	1.3	1.2	1.5	1.8
4	ОТМлар профессор-ўқитувчилари таркибида фан номзоди ёки фалсафа доктори(PhD) ва фан докторлари салмоғи, %	32	32	35	28	28	31
5	Фан ва илмий хизмат кўрсатиш тармоғида товар ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибида илмий харажатлари салмоғи, %	12	18	18	15	22	26
6	Ишга кирган ва ишдан кетган илмий ходимлар нисбати, ()	10	12	18	11	9	9
7	Хар 10000 кишига туғри келадиган талабалар сони, %	85	84	84	84	91.2	215

2021 йил. Қоғоз бичими А5, 1/16
Офсет қоғози. “Times New Roman” гарнитураси
Босма табағи 9,25
Буюртма № 042А, Адади 50 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Босмахонасида чоп этилди
REESTR № 18-2464
Манзил: Шоҳрух кўчаси, 60-уй

